

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Асқар НИГМАТОВ

**АГРОТУРИЗМ ВА УНИНГ
ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**

**Тошкент – 2018
“Наврўз” нашриёти**

КБК 74.07(ЗЎ)

A22

УДК 325.12.30

Нигматов А.Н. Агротуризм ва унинг табиий географик жиҳатлари. Монография.—Т.: «Наврўз» нашриёти, 2018. – 148 б.

Монографияда туризм тушунчаси ва унинг замонавий таснифи, агротуризм эса жадал суратларда ривожланиб келаётган туризм индустриясининг мустақил тармоғи эканлиги ва уни ташкил этиш принциплари, концепциялари ва моделлари очиб берилган. Агротуризмнинг географик жиҳатлари эса уни тарқалиш ва даврий ўзгариш нуктаи назардан кўриб чиқилган. Ўзбекистон мисолида агротуризм жойнинг табиий шароити ва агромажмуаларнинг маданийлаштирилган даражасига боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилган. Илк бор республика ҳудуди агротуристик районларга ажратилди ва улар тавсифланди. Фарғона водийси алоҳида агротуристик район сифатида қаралди, уни кичик районларга ажратиш орқали махсус ва комплекс агротуристик маршрутларни ташкил этиш ҳамда сайёҳлик имкониятларини очиб бериш йўллари илмий асослаб берилди.

Монография география, қишлоқ хўжалиги, туризм, ўлкашунослик, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, иқтисодиёт ва сервис йўналишида фаолият юритаётган фан, таълим ва амалиёт ходимлари, педагоглар, докторантлар, магистрлар, талабалар ҳамда ўқувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Юулдашев А.У. – ГулДУ Табиий фанлар факультети декани, география фанлари номзоди.

Такризчилар:

Аллабергенов А.А. – Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Инновация ва таълим хизматларини такомиллаштириш бошқармаси бошлиги.

Қаршибоева Л.Қ. – география фанлари номзоди, доцент.

Монография Гулистон Давлат университети Илмий кенгаши томонидан муҳокама қилинган (2018 йил 29 сентябрь 2-сонли баённома) ва нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-381-50-6

© Нигматов А., 2007

© “Наврўз” нашриёти, 2018

М У Н Д А Р И Ж А

МУҚАДДИМА.....	4
-----------------------	----------

1-бoб. ТУРИЗМ ВА УНДА АГРОТУРИЗМНИНГ ТУТУГАН ЎРНИ

1.1. Туризм ва унинг замонавий таснифи.....	8
1.2. Агротуризм тушунчаси ва туризм индустриясидаги ўрни.....	19
1.3. Агротуризмни ташкил этиш принциплари, концепциялари ва моделлари.....	30
1.4. Агротуризм – мустақил туризм йўналиши.....	38

2-бoб. АГРОТУРИЗМНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

2.1. Агротуризм салоҳиятининг ҳудудий ва даврий жиҳатлари.....	48
2.2. Табiiй шароит ва агротуристик имконият	62
2.3. Ўзбекистон табиат комплексларини агротуристик баҳолаш.....	73
2.4. Ўзбекистоннинг агротуристик районлари.....	82

3-бoб. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ – МУСТАҚИЛ АГРОТУРИСТИК РАЙОН

3.1. Фарғона агротуристик райони – ўзига хос географик ҳудуд.....	102
3.2. Агротуристик маршрутларни ташкил этиш ва уларнинг географик хусусиятлари.....	120
ХУЛОСА.....	134
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	139



МУҚАДДИМА

Жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири туризм индустриясидир. Бутунжаҳон туристик ташкилотининг (БТТ) хулосасига кўра ХХІ асрнинг биринчи ярми – туризм даври, деб бежиз айтилмаган. Кейинги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига давлатларнинг кўпроқ эътибор қаратиши сайёҳлар сонининг сўнги 30-40 йил ичида 70 млн. дан 1,3 млрд кишига кўпайишига олиб келди. Бу ўринда мустақил Ўзбекистон ҳам четда туриб қолмади. Собиқ Иттифоқ даврида фақатгина тарихий туризм билан чекланиб қолган республикамизда эндиликда диний, маънавий-маърифий, агро ёки қишлоқ, экологик, спорт каби туризм турлари жадал суръатларда ривожлана бормоқда. БТТ бош котиби Талеб Рифаининг ҳисоботида кўра (Основные показатели развития туризма ЮНВТО, 2017¹) учинчи минг йилликнинг бошларига келиб жаҳон экспорти умумий миқдорининг 8 фоизи ва жаҳон савдо хизматининг 30 фоизи халқаро туризм ҳисобига тўғри келади. Халқаро ва ички туризмдаги умумий ҳаражатлар жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 12 фоизини ташкил этади. Биргина 2017 йилда 1,235 млрд. сайёҳ давлатлар чегараларини босиб ўтди. Агарда туризм шу тариқа ривожланадиган ва тинчлик-ҳотиржамлик таъминланадиган бўлса туристларнинг сони 2030 йилга бориб 2 млрд. дан ошиб кетиши керак.

Жаҳон туристик оқимининг ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатлар томон ўсиши, келгусида сайёҳликнинг янги-янги турларини юзага келишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, биологик хилма-хилликка бой мамлакатларда – экологик туризм, ўзига хос рельеф ва гидрографик шароитга эга мамлакатларда – экстремал туризм, қишлоқ хўжалиги тарихан миллий анъаналарга айланган давлатларда – агротуризм ривожланмоқда.²

¹ www.world-tourism.org

² Нигматов А., Шомуратова Н. Экотуризм асослари. - Т.: «Turon iqbol», 2007. – 128 б.

Агротуризм кишлок, деҳқончилик, фермерлик туризми каби номлар билан XX асрнинг 70-йилларида Европада юзага келди. Италияда, ҳаттоки, 1985 йил 5 декабрда агротуризм тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинди.¹ Қонунда туризм билан шуғулланаётган фермерлар учун солиқ имтиёзлари, енгиллаштирилган банк кредитлари, информацион маълумотларни бепул олиш имкониятлари яратилди. Натижада агротуристтик сервис ва маршрутлар кескин равишда ривожланиб кетди. Агар 1985 йилда Италия провинцияларидаги фермерлар 550 минг агротуристларни қабул қилган бўлсалар, 1999 йилга келиб сайёҳларнинг сони 2 млн. кишидан ортиб кетди. Агротуризмдан тушган соф даромад 350 млн. АҚШ долларига етди. Бундай ижобий тажриба Франция, Германия ва Ирландия каби мамлакатларда ҳам агротуризмни ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилди. Кейинги пайтларда ҳудди шундай жараён Польша, Чехия, Болгария, Украина, Россия каби давлатларда ҳам содир бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон деҳқончилигининг энг қадимий ўчоқларидан биридир. Унинг ҳозирги ҳудудида ғўза милоддан аввалги VII-VI асрлардан буён етиштириб келинмоқда. Ўрта Осиёда бундан қарийиб 3 минг йил аввал ғалла экинлари, шоли, кунжут, қовун, ток ва бошқалар ўстирилган ва улар ўзининг озуқалик кўрсаткичи бўйича энг юқори ўринда туради. Бундай узок ўтмиш аграр маданияти мамлакатимизда ўзига хос кишлок хўжалик анъаналари, урф-одатлари, байрамларининг шаклланишига олиб келди ва улар ҳеч бир юртда қайтарилмайди ҳамда сайёҳларнинг эътиборини тортади.

Республикамизда туризмни ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ҳудудларнинг улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, туризм соҳасида

¹ Мария Пия Раджоньери, Марко Валлетта. Агроэкологическое право Европейского Союза и Италии. - М.: «Статут», 2006. – С.131.

Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш»¹ каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни самарали бажарилишида мамлакатимизда агротуризмни шакллантириш ва ривожлантириш борасида олиб бориладиган илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон Фармони, «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон Қарори, «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармони, «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон Қарори, «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқотларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда туризм учун яратилган қулай инвестиция муҳитининг туристик хизматларини 1 йил, яъни 2016–2017 йиллар мобайнида ташқи туристик хизматларни 24 фоизга ёки 1,55 млрд. АҚШ долларга, меҳмонхоналарда сайёҳлар учун қўшимча 1,4 минг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

жойга оширди ва янги 101 та турфирмалар ўз фаолиятини бошлади. Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини акс эттирувчи 1250 та ахборот-коммуникацион маълумотлар 20 та давлатларнинг ОАВда чоп этилди.

Юқорида баён этилган ҳолатлардан келиб чиққан тарзда тадқиқот олдига агротуризмни мустақил илмий йўналиш сифатида илмий-методологик асосларини такомиллаштириш, унинг республикамиздаги табиий географик жиҳатларини аниқлаш ва мавжуд салоҳиятидан истиқболда фойдаланиш йўналишларини асослаб бериш **мақсади** қўйилди. Ушбу мақсадга эришмоқ учун қуйидаги **вазифалар** бажарилди:

- ✓ туризм, жумладан агротуризмнинг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;
- ✓ агротуризмни мустақил туризм индустрияси эканлигини асослаш;
- ✓ Ўзбекистон мисолида агротуризмнинг географик жиҳатларини очиб бериш;
- ✓ Фарғона водийсининг агротуристик имкониятлари, маршрутлари ва истиқболлари ёритиб бериш;



1-боб. ТУРИЗМ ВА УНДА АГРОТУРИЗМНИНГ ТУТУГАН ЎРНИ

1.1. Туризм ва унинг замонавий таснифи

Мазкур монография муаллифларидан бири, профессор А.Н. Нигматов ва унинг сафдоши, г.ф.н. Б.Х. Камолов (2018) томонидан чоп этилган «Экотуризм ва унинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятлари (Наманган вилояти мисолида)» мавзусидаги монографияда туризмнинг тушунчасига доир фикр-мулоҳазалар билдирилган. Биз ҳам ушбу фикрларга қўшилган тарзда унинг айрим илмий-назарий асосларини ўзимизнинг тадқиқотларимизда қўллашни маъқул деб топдик.

Туризм сўзи француз тилида *«tourizm»* – *саёҳат қилиш, дам олиш* деган маънони англатиб, тор маънода – *кишиларни туристик объектларга саёҳатларидир*¹. Кенг маънода эса туризм – *шахсларнинг доимий яшаш жойларидан муайян муддатга дам олиш, спорт билан шугулланиш, соғломлаштириш, маърифий-маънавий каби вазифаларни кўзлаган тарздаги боғлиқ бўлган объектларига қиладиган саёҳатлари*². Мазкур тушунчага аниқлик киритган тарзда Т.В.Рассохина жисмоний шахс турист бўлиши учун вақтинчалик борар жойига камида 24 соатдан 6 ой муддатгача бориши ёки 1 суткадан кам бўлмаслиги ва бу учун унга пул тўлланмаслиги керак, деб аниқлик киритган³. Бундай талаблар Бутужаҳон туристик ташкилотининг (UN WTO) Низомига ва статистик маълумотлар тўплаш шаклига мос тушади.

Туризмга берилган тушунчада киши, инсон ёки шахс сўзини қўллаш. Киши сўзи ижтимоий категория сифатида қўлланилади ва у

¹ Краткий словарь иностранных слов.- М.: «Изд.иностранн.и нац. слов», 1958.- 404с.

² Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.-Т.: «Чинор»,2006.-С.18.

³ Рассохина Т.В. Основы туризма.-М.: «МРМАТ», 2014.- С.3.

жамиятнинг бир аъзоси сифатида қабул қилинади (А.Нигматов, 2016). Инсон эса халқаро ҳуқуқда унинг бутун ҳаёти давомида туғилиши билан вужудга келадиган яшаш ҳуқуқи. Шахс сўзи юриспруденцияда киши ёки унинг уюшмасининг муайян ишларни бажариш ёки фаолият юритишида юзага келадиган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида билан белгиланадиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуасидир (А.Саидов, У.Тажихонов, 2001). Айнан туризм соҳасида сайёҳ нафақат муайян ҳуқуқларга балки борадиган жойда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган мажбуриятларни бажаришга ҳам мажбурдир. Шахс эса якка тартибдаги жисмоний ёки гуруҳлар билан биргаликда юридик шахс сифатида сайёҳат қилиш имкониятига эга.

Шундай қилиб *туризм – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, муайян мақсадда ёки мақсадларда пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати.*

А.Нигматов ва Б.Камоловлар (2018) томонидан туризм тушунчасига қуйидаги ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди:

1. Шахслар эмас, балки шахс. Чунки «шахс» сўзининг юридик луғавий маъноси айнан жисмоний ёки юридик шахс маъносини беради.

2. Доимий яшаш жойларидан эмас, балки жойидан. Чунки шахснинг доимий яшаш жойи унинг давлат рўйхатидан ўтган жойига қараб белгиланади ва туризмга доир аниқ бир статистик маълумотлар тўплаш ва таҳлил қилиш имкониятини яратади ҳамда чалкашликларга олиб келмайди.

3. Муайян муддат сўзлар бирикмасига аниқлик киритиш учун «вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ойгача кетма-кет бориши» сўзлар бирикмасини киритиш «турист» мақомини аниқлаштиради.

4. Сайёҳларга мазкур йўналишдаги ташрифи учун пул тўланмаслик талабларини тушунчада акс эттириш. Чунки шахснинг

хизмат сафари, давлат ёки корпоратив махсус топшириқларини бажариши пуллик ташрифи эканлиги билдиради.

5. Сайёҳлик турларининг кундан кунга жадал суратларда кўпайиб борётганлиги, мазкур ташрифларнинг мақсадини тушунчада бирин кетин ва узундан узун сўзлар ишлатиб санаб ўтишнинг кераги йўқлигини инобатга олган тарзда «муайян мақсадда» – агарда шахс бир туризм турини танласа ёки «муайян мақсадларда» – агарда шахс икки ва ундан ортиқ туризм турини танласа, деган сўзлар бирикмасини киритиш.

6. Туризм бу сайёҳликни ташкил этиш, олиб бориш, ҳисобини юритиш каби тизимли жараённи ўзига мужассамлаштирувчи бошқарув, менежмент ва маркетинг санъати. Шунинг учун ҳам туризм тушунчасида айнан ушбу бошқариш (халқаро ҳамжамият ва давлат бошқаруви нуқтаи назардан) менежмент (корпоратив, яъни туристик компаниялар, фирмалар, уюшмалар бошқаруви нуқтаи назардан), маркетингни (сайёҳлик бозорини ўрганиш, хизмат кўрсатиш ва сервисни ташкил этиш нуқтаи назардан) тизимли (муайян иерархик кетма-кетликда) ташкил этиш, олиб бориш ва, албатта, ҳисобини юритиш (назорат ва мониторингини юритиш нуқтаи назардан) санъати. Мазкур жараён глобал (халқаро ташкилотлар), регионал (минтақавий уюшмалар), миллий (давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари) ва локал (маҳаллий давлат идоралари ва нодавлат фирмалари) миқёсда олиб борилади. Буларнинг барчасини сайёҳликни «тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати» деб таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Туризм атамасига илк бор бундай тарзда берилган таъриф унинг жадал суратларда тармоқлашиб бораётган турларига бериладиган таърифларга илмий асос бўлиб хизмат қилади. Қандай илмий асос? Туризмни кенг тармоқлашиб бораётган турларини таърифлашда эса «туризм» атамасига берилган таърифнинг «муайян мақсадда» аниқлик киритиш орқали ифода этиш мумкин. Масалан, **тарихий туризм** – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, унинг тарихи

билан танишиши мақсадида сайёҳларга пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати.

Агарда тарихий туризм билан бир қаторда сайёҳни бошқа туризм турлари билан биргаликда комплекс равишда ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш мақсадлари қўйиладиган бўлса, ушбу мақсадларга аниқлик киритиш ва таърифда акс эттириш керакдир. Тарихий туризмни диний ва агротуризм билан олиб бориш мақсадлари қўйилганда комплекс тарихий, диний, агротуризмларнинг мақсадлари таърифда акс эттирилади. Масалан, **комплекс тарихий, диний ва агротуризм** – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, унинг тарихи, диний ҳолати ва қишлоқ хўжалиги билан танишиши мақсадларида сайёҳларга пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати. Мазкур таъриф орқали сайёҳликни самарали ташкил этиш учун унга бир пайтнинг ўзида борар жойининг нафақат тарихи билан танишиш, ўрганиш балки диний зиёратларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги объекtlарини бориб кўриш орқали комплекс турларни таклиф қилиш имкониятини яратади. Уни ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш саъантини белгилайди. Бу эса ҳам туристга ҳам туристик фирмаларга ҳам сайёҳликни тизимли жараёнини аниқлаб беришга кўмаклашади.

Туризм атамасининг таърифи «турист» атамасига таъриф беришда ҳам илмий асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, **турист** – шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, муайян мақсадда ёки мақсадларда пул тўлланмайдиган саёҳати. Мазкур тушунча туризмга берилган таърифнинг ўзагидан олинган ва ўз таркибига «*ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш саъанти*» сўзлар бирикмасини қамраб олмайди. Чунки ушбу тизимли жараён турист ёки сайёҳнинг вазифасига эмас, балки туризмни ташкил этувчи, олиб боровчи ва ҳисобини юритувчи глобал, регионал, миллий ва локал

миқёсда фаолият юритувчи халқаро ва миллий миқёсдаги уюшма, ташкилот, идора ва фирмаларнинг функционал вазифаларига киради.

Туризмни самарали ташкил этиш ва олиб бориш учун туристик объектлар, унда фаолият олиб боровчи мутахассислар ва сайёҳларга қўйиладиган бир қатор минимал ва максимал талаблар мавжуд. Оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланган ва уларни таҳлил қилган тарзда ***туристик қадамжой ёки объектларга қўйиладиган минимал талаблар қўйидагилардан иборат:***

- аниқ бир мақсад ва вазифаларни бажариш имокниятига эгалиги;

- сайёҳларни 24 соатдан ортиқ яшаши учун шароитнинг мавжудлиги;

- туристик хавфсизликни таъминланганлиги;

- транспорт логистикасининг йўлга қўйилганлиги;

- туристик маршрутларнинг ишлаб чиқилганлиги;

- туристик сервис ва хизмат кўрсатишни борлиги;

- туристик объектлар бўйича сайёҳларни қизиқтирувчи маъмулотларни етарли даржадалиги;

- турларни туристик объектлар бўйича гидлар билан таъминланганлиги;

- саёҳатбоб ахборот-картографик, иллюстратив каби маълумотлар билан таъминланганлиги ва ҳ.к.

Туристик қадамжойлар ёки объектларда фаолият олиб боровчи мутахассислар билан таъминлаш талабалари қўйидагилардан иборат:

- туризмни ташкил этиш ва уни самарали олиб боришда зарур бўлган тегишли ихтисослик ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- уларни доимий равишда малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйилганлиги;

- инновацион ва тадбиркорлик харкатерга эгалиги;

- чет тилларни яхши билиши ва ахборот коммуникация тизимларидан атрофлича фойдалана олиши;

- ижтимоий-психологик жиҳатдан мақбуллиги;

- мазкур соҳада камида 3 йиллик амалий тажрибага эгалиги;

➤ туристик объектлар бўйича атрофлича билим, кўникма ва малакага эга бўлиши ва юқори даражадаги касбий компетентлиги ва ҳ.к.;

Юридик ёки жисмоний шахсни «турист» мақомига эга бўлиш учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- ўз олдига аниқ бир саёҳлик мақсади ва вазифаларини қўйиши;
- туристик объектларга доир иложи борида тўлиқ ва атрофлича маълумотларга эга бўлиши;
- сайёҳлик мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан тарзда унга тайёргарлик кўриши;
- туристик хавфсизликни таъминлаш учун керакли бўлган барча шароитларни баҳолай олиши ва уни таъминлаши;
- бир суткадан ортиқ муддатга қолиш имкониятининг мавжудлиги ва ҳ.к.;

XXI асрга келиб туризм шу қадар жадал ривожланиб бормоқдаки, унинг амалиёти илмий-назарий асосларига нисбатан илгарилаб кетди. Туризм турларини таснифлашда эса унинг визуал кўрсаткичлари, яъни кўзга ташланадиган индикаторлари олинмоқда. Масалан – тоғ туризми, қишлоқ туризми, табиий туризм, дарё туризми, денгиз туризми ва ҳ.к. (С.Р.Ердавлетов, 2000). Лекин туризмни ушбу амалий–визуал синфлаш илмда кўпгина чалкашлиklar ва ноаниқликларга олиб келмоқда. Масалан, «табиат қўйни»га туристларнинг ноэкологик мақсадларда (спорт билан шуғулланиш, балиқ ёки ҳайвонла

рни овалаш, хордиқ чиқариш ёки чўмилиш, даволаниш ёки доривор ўсимликларни йиғиш, табиат қўйнида овқатланиш) саёҳатлари экотуризм дея эътироф этилмоқда (А.Нигматов, Н.Шомуратова, Я.Холов, 2013). Қишлоқ жойларда яшаш орқали жойнинг агросаноати билан танишиш эса қишлоқ туризми дея таърифланди (А.Нигматов, Ш.Якубжонова, 2007, 2008).

Мазкур жумбоқли масалаларда табиат туризми билан экотуризм ёки тоғ туризми ўртасидаги фарқ нимада, қишлоқ туризми билан агротуризм ўртасидаги таффовутлар нималардан иборат деган ўринли

саволларни туғдиради ва бунинг жавобини илмий асослаш зарурати юзага келди.

Таснифлаш ёки классификация – бу бирор ҳодиса, жараён, ҳолат ёки воқеликни маълум бир кўрсаткичларига қараб *тизимли даражалаш ёки туркумлаш*¹. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки кўп тармоқлашаётган ва жадал суръатларда ривожланаётган туризмни таснифлаш ўта муҳим илмий–амалий аҳамият касб этмоқда. Туризмни таснифлашда мутахассисларнинг эътибори кўпроқ унинг объектига, яъни сайёҳларнинг танлаган манзилига қаратилмоқда (А.Нигматов, Н.Шомуратова, 2007). Лекин туризмни турларга ажратиш, синфлаш ва туркумлашда сайёҳларнинг олдига қўйган мақсадлари бирламчи аҳамият касб этиши А.Нигматов ва Б.Камоловнинг 2013-2017 йиллар мобайнида Наманган вилоятида олиб борган турли социал гуруҳларни қамраб олган анкета–сўровнома натижалари ҳам исботлаб берди.

Шундай қилиб туризмни таснифлашда сайёҳнинг нима мақсадда 24 соатдан 6 ойгача саёҳат қилиши ва меҳнат вазифасига кирмаган ҳаётий фаолиятининг асосий кўрсаткичи эканлигини очиб беришда қўл келди. Масалан:

Тарихий туризм жаҳон туризм индустриясида қадимдан энг оммалашган сайёҳлик тури бўлиб ҳисобланади. Чунки ҳар бир халқнинг ўз тарихи бор ва уни тасдиқловчи қадамжойлари мавжуд. Ҳар бир давлат ёки маъмурий бирлик ўзининг тарихий ёдгорликлари, музейлари ва обидалари орқали кенг жамоатчилик олдида миллий қадриятларни тарғиб қилади, маънавияти ва маърифатини намоён этади. Бунга Ўзбекистоннинг дунёга машхур Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент, Наманган каби шаҳарларида ҳанузгача сақланиб қолingan ва республикамиз мустақиллиги туфайли кундан кунга ўз кўркини ҳамда сайёҳлик жозибадорлигини ошириб бораётган тарихий обидалари ва археологик манбаларини мисол қилиб олиш мумкин. Шундай қилиб тарихий туризмнинг мақсади — сайёҳлик ташкил этилган жойнинг ёки объектнинг тарихи билан таништириш орқали миллий қадриятларни сақлаш, маърифатни

¹ Краткий словарь иностранных слов.- М.: «Изд.иностран.и нац. слов.»,1952.- С.179.

тарғиб қилиш ва маънавиятни юксалштиришга қартилган туризм туридир.

Диний туризм тарихий туризм каби энг қадимий сайёҳлик турларидан бири. Унинг мақсади асосан учта вазифани ўз таркибига қамраб олади. *Биринчиси*, диний ақида, фарз ва урф-одатларни шахс томонидан рўёбга чиқаришга хизмат қилиш. Бунга мусулмонлар, яъни ислом динини эътиқод қилувчиларнинг 5 та фарзларидан бири бўлиб ҳисобланган «Ҳаж» ва «Умра» сафарини адо этишлари учун Саудия Арабистондаги Макка ва Мадина шаҳарларига қиладиган сайёҳатлари. Католикларни Италия ҳудудида жойлашган ва алоҳида бир мамлакат тариқасида рўйхатга олинган ҳамда Рим папаси қароргоҳи жойлашган Ватиканга қиладиган сайёҳатлари. Иудей ва Христиан дини проваславларнинг Иерусалим(Қундуз)га, буддизмга эътиқод қилувчиларни эса бир қатор Осиё қитъаси мамлакатларида жойлашган будда обидаларига қилинадиган сайёҳатларини мисол тариқасида олиш мумкин.

Иккинчиси, муайян бир динни юзага келиши, ривожланиши ва оммалашувида роль ўйнаган диний шахслар билан боғлиқ бўлган қадамжойларга қилидагин сайёҳатлар. Буларга Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларидаги азим-авлиёлар Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Зангиота, Муллаохун каби шасларнинг руҳи поклари ётган жойларига сайёҳатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Учинчиси, Диний қадамжойлар – мақбара, масжид, эҳромлар, ҳайкал, будда, музейлар кабиларга қилинадиган сайёҳатлар киради.

Шундай қилиб диний туризмнинг мақсади – диний фарз, одат, кўникма ва ўзига хос хусусиятлари билан сайёҳликни ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритишдир.

Географик фанларда энг мунозарали илмий мушоҳадалардан бири рекреация ва туризм тушунчаларидир. Деярли барча илмий, ўқув, ўқув-методик адабиётларда туризм рекреациянинг бир тури сифатида қаралади. Лекин аслида эса бунинг акси, яъни рекреация туризмнинг бир туридир. Чунки **рекреация** сўзи полякчада «rekraśiya» – дам олиш, лотинчада эса «rekratio» – соғлиқни тиклаш деган маъноларни англатади. Замонавий туристик таснифлашда

(Ю.П.Супруненко, 2005) соғлиқни тиклашга тегишли ижтимоий муносабатлар «нозотуризм» ёки «медикотуризм» таксономик бирлиги алоҳида тур сифатида ажратилиб кўрсатилмоқда. Шунинг учун ҳам рекреацияни шахснинг дам олиши ва ҳордиқ чиқариши мақсадида уюштириладиган алоҳида сайёҳлик тури деб ажратиш мақсадга мувофиқдир.

«Нозотуризм» ёки «Медикотуризм» рекреация туризмдан фарқли равишда, шахсга икки функционал туристик вазифаларни, яъни кишиларнинг соғлиғини сақлаш ва реабилитация қилишга (путур етган саломатликни қайта тиклаш) йўналтирилган бошқарув, менежмент ва маркетингдир. Аксарият адабиётларда нозотуризм икки тармоққа ажратилган – маҳаллий (локал) ва ташқи халқаро (Т.Тошмуродов, 2007). Бундай туризм турини тиснифлаш тўғри эмас. Зеро, одатда, «локал» сўзининг синоними — «регионал», «глобал», «ташқи» сўзининг синоними эса «ички» деган атамалардир.

Бизнингча, «Нозотуризм»нинг ҳудудийлик кўрсаткичларига қараб нозогеографик шароит ва имкониятларни тўрт:

- ✓ локал (маҳаллий миқёсдаги);
- ✓ миллий (давлат миқёсдаги);
- ✓ регионал (минтақавий миқёсдаги);
- ✓ глобал (жаҳон миқёсдаги) турга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки аксарият касалликларни даволаш учун Ўзбекистон аҳолисининг 17 мингга яқини Германия, Ҳиндистон, АҚШ, Россия каби даволаниш масканларида хирургия операцияларини ўтказиб келмоқдалар. Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд даволаниш масканларида Марказий Осиё давлатларидан йилига 3000–4000 киши Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларидан келиб ўз саломатликларини тиклаб кетмоқдалар.

Аҳолининг соғлом турмуш даражасининг ўсиши, спортга бўлган юксак эътибор, транспорт логистикасининг тармоқлашуви, глобал миқёсда қуролли тўқнашувларнинг бартарф этилганлиги **«Спорт туризми»**ни оммлашиб кетишига олиб келди. Бунга турли миқёсдаги спорт ўйинлари ва мусобақаларининг доимий равишда ўтказилиши, унда барча мамлакатлардан келган турли ёшларнинг кенг

тармоқлашган спорт турларига бағишланган мусобақаларининг мунтазам равишда йил бўйи ўтказилиши унинг ўзига хос туризм тури сифатида шаклланишига олиб келди. Биргина 2018 йилнинг июнь-июль ойларида Россия Федерациясининг 11 та шахрида ўтказилган Жаҳон бўйича футбол мусобақасига 3,1 млн. сайёҳни жалб этди. Лекин, мазкур мусобақани ташкил этган мутахассислар ва унда қатнашган футболчиларга жуда катта миқдорда пул тўланди. Шунинг учун ҳам улар турист эмас, балки уни томоша қилишга келган шахслар турист мақомига эга бўлдилар.

Шундай қилиб спорт туризмнинг мақсади – *шахснинг спорт билан шугулланиши, мусобақаларга тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказилишини ҳамда томоша қилишини ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритишига доир пул тўлланмайдиган саёҳат туридир*. Агарда ушбу мусобақаларда иштирокчиларга пул тўланадиган бўлса у сайёҳликка кирмайди.

Экстремал туризм – сўнги йилларда кенг маънода турли миқёс ва даражага таваккалчилик билан боғлиқ бўлган дам олишнинг алоҳида турига киритилаётган сайёҳлик. Унда *замонавий техник воситалар ва қуроллардан (GPSи бошқа навигаторлар, ўқ олиш каби) фойдаланишни инкор этувчи сайёҳлик* инобатга олинади. Унда *инсонларнинг ибтидоий имкониятларини (қадимий анжомлар ва жиҳозлар, энг оддий ва содда қуроллар – пичоқ, гугурт, фляга, ёғоч тайоқ кабилардан) ёки катта тўлқинлар, шовқинли сойлар, баланд бино ва миноралардан фойдаланиш мумкинлигини эслаб ўтиш* даркор. Экстремал туризмда кишини табиат қўйнида яккама-якка яшаш тарзини олиб бориш усули ҳам киритилмоқда. Кўпгина телеканалларда айнан туризмнинг энг хавфли турини кенг тарғиб қилиниши уни ёшлар ўртасида оммалашиб боришда катта туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур туризм турига – «Чернобил тур» (Украина), «Ўлим йўли» (Боливия), «Сак Актун» (Мексика), «Алпинизм», «Рафтинг» (Германия, Австрия, Россия, Швейцария, Канада, АҚШ), «Дайвинг» (Япония, БАА, Шри Ланка, ЖАР), «Спелеотуризм» (Чехия, Россия, Хитой, Хорватия), «Роуп-джампинг» (Словакия, АҚШ, Польша) мисол қилиб олиш мумкин.

Шоп туризм – аксарият ҳолларда *ривожлаётган мамлакатлардан ривожланган мамлакатлар томон туристик оқимнинг арзон моддий неъматларни савдо қилиш орқали тижоратни юритишига қаратилган сайёҳлик*. Шоп туризмни ташкил этиш, олиб бориш ва назоратини йўлга қўйиш барча мамлакатлардаги туристик фирмаларнинг фаолият функцияларига киритилган савдо билан бир қаторда туризмнинг бошқа турларидан кенг фойдаланишни назарда тутди. Унинг давомийлиги одатда 4-6 кунни ташкил этади ва унда ўзига хос усуллардан фойдаланилади. Масалан, Европа мамлакатларига қилинадиган шоп турларга мавсумийлик, яъни йилнинг арзонлаштирилган («sale») савдо вақтига тўғри келишини инобатга олиш, Россия Федерацияси, Эрон, Хиндистон, Қозғистон ва Қирғизистон республикалари, Араб амирлиги ва Хитой Халқ Республикаларига ташриф этиладиган шоптурлар арзон ва кенг товар ассортиментлиги билан ўзини йил бўйи сайёҳларни жалб этади.

Экотуризм тор маънода кишиларни табиат қўйнига саёҳат қилишлари. Кенг маънода эса экотуризм – шахсларнинг доимий яшаш жойларидан дам олиш, спорт билан шуғулланиш, соғломлашиш, иқтисодий, ижтимоий, маърифий-маънавий ишларни амалга ошириш ёки бошқа мақсадларни кўзлаган ҳолда табиат қўйнига қиладиган саёҳатлари. Юқорида туризмга берилган таърифдан келиб чиққан тарзда экотуризмни – *шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик бирор жойга 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, унинг экотизимларидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат муамуларини қайта тиклашни мақсад қилиб олган пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати*. Бундай тушунча унинг Барқарор риволаниш таълимига (БТТ) берган талабларига мос тушади (А.Нигматов, Б.Камолов, 2018).

Туризмнинг энг жадал суратларда ривожланаётган турларидан бири – «Агротуризм» тадқиқот предмети бўлгани учун ҳам қуйида унга алоҳида эътибор қаратамиз.

1.2. Агротуризм тушунчаси ва туризм индустриясидаги ўрни

Барча фанлар фундаментал, амалий ва инновацион кўринишда намоён бўлади ва доимо ўзгариб ҳамда такомиллашиб бораверади. Мазкур диалектик қонуният агротуризмга ҳам тегишлидир. Айниқса бу жараён ХХІ асрда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки ҳозирда туризм нафақат моҳиятан балки мазмунан ҳам тез ўзгариб бормоқда.

Мамлакатимизда кўп асрлик бой меросга эга бўлган бетакрор қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ турмуш тарзи мавжуд бўлиб, улар кўплаб сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон деҳқончилигининг энг қадимий ўчоқларидан биридир. Унинг ҳозирги ҳудудида ғўза милоддан аввалги VII-VI асрлардан буён етиштириб келинмоқда. Ўрта Осиёда бундан қарийб 3 минг йил аввал ғалла экинлари, шоли, кунжут, қовун, ток ва бошқа мевалар, ўсимликлар ўстирилган ва улар ўзининг юқори озуқа сифати билан алоҳида ажралиб турган. Узоқ ўтмиш мероси, ҳозирги замон аграр маданияти мамлакатимизда ўзига хос қишлоқ хўжалик турлари ва анъаналари, урф-одатлари, байрамларининг шаклланиши барчада катта қизиқиш уйғотмоқда ва агротуризмнинг шаклланиши ҳамда ривожланишига тўлиқ асос бўла олади. Масалан, «Наврўз» байрами аграр соҳага оид кўплаб қадимий урф-одатлар ва маросимларни қамраб олади. Мавжуд аграр рекреацион имкониятлар ҳар хил турларни ташкил этиш ва сайёҳларни йил давомида қабул қилиш имконини беради. Аграр соҳанинг мавжуд бой имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, айниқса уни агротуризм орқали ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини ошириш долзарб муаммолар қаторига киради.

Сўнгги йилларда туризмни ривожлантириш орқали иқтисодиётни тараққий топтириш ва халқ фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда 2016 йил 2 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат

қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда:

- анъанавий маданий-тарихий туризм баробарида, унинг зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, даволаш-соғломлаштириш, спорт, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик турларини кенг оммалаштириш

- соҳани комплекс ривожлантиришга доир миллий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш

- халқаро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш;

- БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, хорижий мамлакатларнинг шу фаолият билан шуғулланадиган ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;

- республикамизнинг барча ҳудудларида туризм индустрияси объектларини жойлаштириш;

- тизим учун етук кадрларни тайёрлашни тубдан такомиллаштириш каби долзарб вазифалар кўзда тутилган бўлиб, ушбу йўналишда муайян чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, соҳада бошқарувни такомиллаштириш мақсадида «Ўзбектуризм» Миллий компанияси негизида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда республикамизда туризм соҳаси замонавий талаблар даражасига кўтарилди. Қисқа давр ичида жаҳон андозалари даражасидаги ўнлаб меҳмонхона мажмуалари ва оромгоҳлар қад ростлади, сайёҳликнинг янги турлари ва йўналишлари вужудга келди, хорижий сармояларнинг кириб келиши изчил ошиб бормоқда. 2017 йилда республикага ташриф буюрган сайёҳлар сони 2 млн.. 520 минг нафардан ортиқни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 24,3 фоизга кўпдир. Шу билан бир қаторда ҳозирда туризм хизматлари экспорти 2016 йилга нисбатан 24 фоизга ошиб 1 млрд. 557 млн. АҚШ долларини ташкил этмоқда. 2017 йил давомида жами 128 та туроператорлик хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларнинг бугунги кундаги сони 561 тани, туризм хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари

сони 442 тани ташкил қилди¹. Мазкур тадқиқот учун ибратли ҳорижий тажрибаларни ўрганиш ва улардан мамлакатимизда агротуризмни ривожлантиришда фойдаланиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Агротуризм дастлаб қишлоқ, деҳқон, фермер туризми каби номлар билан XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб ривожлана бошлади. Хусусан Италияда 1985 йил 5 декабрда агротуризм тўғрисида махсус қонун қабул қилинди (Мария Пия Раджоньери, Марко Валлетта, 2006). Қонунда туризм билан шуғулланаётган фермерларга солиқ имтиёзлари, имтиёзли банк кредитлари бериш белгиланди, информацион маълумотларни бепул олиш имкониятлари яратилди. Булар агротуристтик сервис ва маршрутларни жадал ривожлантиришни рағбатлантирди. Натижада 1985 йилда Италия провинцияларида фермерлар 550 минг агротуристларни қабул қилган бўлса, 2017 йилга келиб сайёҳларнинг сони 12 млн. кишидан ортиб кетди, соф даромад эса 750 млрд. лирани ташкил этди. Бундай ижобий тажриба Франция, Германия ва Ирландия каби мамлакатларда ҳам агротуризмнинг ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилди. Сўнгги ўн йилликларда шундай жараён Польша, Чехия, Болгария, Украина, Россия каби давлатларда ҳам содир бўлмоқда².

Туризмнинг географик жиҳатлари америкалик олим Д.Пирс, Россияда П.Н.Зачиняев, Н.С.Фалькович, Е.А.Котляров, М.А.Ананьев, Ю.С.Путрик, В.В.Свешников, А.А.Самойленко, Ўрта Осиёда С.Р.Ердавлетов, А.Н.Нигматов, А.Г.Низамиев, О.Б.Мазбаев каби олимлар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган. Улар муайян бир табиий ва маъмурий ҳудудда туризмни ташкил этиш ва ривожлантириш учун жойнинг сайёҳлик имконияти, табиий ресурс потенциали, реал экологик, иқтисодий, ижтимоий шароитининг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятларини баҳолаш, районлаштириш, назоратлаш, истиқболини белгилаш билан

¹ <https://www.facebook.com/uzbektourism.uz>

² <http://www.kaicc.ru/content/agroturizm-v-evrope>

бошланиши зарурлигини исботлашган. Лекин ушбу изланишларда тадқиқот объекти ва предмети агротуризм нуқтаи назаридан қаралмаган.

Қишлоқ хўжалигининг сайёҳлик имкониятларидан келиб чиқадиган илмий-тадқиқот ишлари Италияда Мария Пия Раджоньери ва Марко Валлетта, Францияда Франсуа Муане, Беларусияда С.А.Лученок, Россияда А.Н.Дегтярев, М.Шнайдер, И.Ю.Усманова, А.Н.Булгакова каби олимлар томонидан олиб борилган. Улар «Қишлоқ туризми» ва «Агротуризм» атамаларини синоним сифатида қўллаб, уни туризм соҳасининг мустақил тури сифатида шакллантириш учун умумэътироф этилган илмий асосини яратишни таклиф этганлар. Зеро, агротуризмни тўғри номлаш, унинг объекти ва предметини тўғри белгилаш, агротурларни бошқа туристик маршрутлар билан аралаштириб юбормаслик масаласи агротуристлик илм ва таълимга қўйилаётган асосий талаблардан бири эканлигини эътироф этишган. Тадқиқотчилар агротуризм ёки қишлоқ туризми минтақавий ва даврий хусусият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Чунки табиий шароит ижтимоий муҳитни, у эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигини юритиш тарихи, ҳозирги ҳолати ва туристик имкониятларини турлича эканлигини кўрсатади. Ўзбекистонда агротуризмга оид фикрлар А.Нигматов, Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, И.Ҳасанов, А.Солиев, М.Назаров каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Улар миллий, маҳаллий ва регионал хусусиятларга эга қишлоқ туризмининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқиб мустақил сайёҳлик йўналиши сифатида шакллантиришни таклиф қилганлар. Бу тадқиқотлар агротуризм ва унинг географик жиҳатларининг илмий фундаментал асосларини яратилиши учун муайян имкониятларни беради. Бироқ, юқоридаги тадқиқотларда агротуризмнинг илмий-назарий асослари муайян кетма-кетлик, узвийлик ва узлуксизликда кўриб чиқилмаган, агротуризмнинг объектлари, таснифий даражалари, предмети ва методик хусусиятлари етарлича очиб берилмаган.

Масалан, илмий адабиётларда ҳозирга қадар агротуризм атамасининг умумэътироф этган аниқ таърифи ишлаб чиқилмаган. Бу

борада мутахассисларнинг турли қарашлари мавжуд ва улар ўртасида принципиал фарқлар бор. Чунончи, Н.Тухлиев ва Г.Абдуллаевалар (2006) агротуризмни таърифлашда уни иккига, яъни қишлоқ ва фермер (деҳқон) туризмларига ажратадилар. Уларнинг фикрича қишлоқ туризми – сайёҳлик гуруҳларини анъанавий равишда узок қишлоқ, овул ва посёлка ёки уларнинг атрофида жойлаштиришни ташкил этиши, фермер туризми эса туристларни фермер хўжаликларининг уйларида жойлаштириш билан фарқ қилади. Бу фикрга тўла қўшилиб бўлмайди: унда қишлоқ туризми фақат сайёҳларни қаерда жойлашишига қараб ажратилган. Зеро, сайёҳликдан мақсад фақатгина жойлашишни назарда тутиш билан чекланмайди. Бунда қишлоқ туризми (farm tourism) – туризмнинг бир тури сифатида қишлоқ ҳудудларига йўналтирилган сайёҳлик эканлиги эътибордан четда қолган. Чунки ушбу туризм сайёҳларга қишлоқдаги маҳаллий музейлар ва урф-одатлар билан таништириш каби хизматларни ҳам кўрсатади.

А.Н.Булгакова (1998) фикрича, қишлоқ туризми – бу туризмнинг махсус тури, қишлоқ табиати, ҳаёт тарзи ва қишлоқ хўжалик юритиш анъаналари (профессионал ва непрофессионал тарзда) билан таништириш мақсадида қишлоқ ҳудудларида ташкиллаштирилган ва ташкиллаштирилмаган шакллариини ўз ичига оладиган туристларнинг дам олиш шакли. Қишлоққа туристлар оқимининг ортиши уларнинг бўш вақтларини агроландшафтлар бағрида ўтказиш, қишлоқ ҳаётини ҳис этиш ва қишлоқ аҳолиси билан мулоқотда бўлиш, ҳатто қишлоқда яшаш ва ишлаш хоҳиши ортиб бориши билан изоҳланиши мумкин. А.Н.Булгакова туризм тушунчалари тизимида қатъий иерархияга амал қилиш зарур, деб таъкидлайди. «Қишлоқ жойларда туризм» тушунчаси умумий бўлиб, у «Қишлоқ туризми» тушунчасидан фарқ қилади, яъни унинг синоними эмас. Масалан, қишлоқ туризмида туристлар уй ҳайвонларини парвариш қилиш, маҳаллий таомларни таътиб кўриш, қишлоқда сайр қилиш каби фаолиятлар билан шуғулланишлари мумкин. У тарихий, диний, археологик, экологик турлари билан ҳам қўшиб олиб борилади (География и туризм, 1973). Бунда муаллиф қишлоқ туризмига аниқ

таъриф бермаган, уни бошқа туризм турлари билан қўшиб юбориш сабабларига аниқлик киритмаган.

Агротуризм атамаси «аграр» ва «туризм» каби икки сўз бирикмасидир. Бунда туризм сўзи француз тилида tourisme – саёҳат қилиш, дам олиш билан бир қаторда спорт ва умумтарбиявий ёки сиёсий-маърифий вазифаларни бажариш деган кенг маъноли тушунча (Yakubjanova Sh.T. va bosh., 2017). Аграр (лот. agrarius) – 1) ерга, ердан фойдаланишга, унга эгалик қилишга оид; 2) саноатга нисбатан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши асосий ўринда туришини ифодаловчи сўз (Тожиев У ва бошқ., 2004). Кенг маънода аграр тушунчаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва уни реализация қилиш билан боғлиқ бўлган барча воқеа, ҳодиса ва жараёнларга оид ижтимоий муносабатларни ифодалайди. Бевосита ер ва ундан фойдаланишда юзага келадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди.

Бизнинг фикримизча, умумлаштирган тарзда ва тор маънода **агротуризм** – *кишиларнинг аграр соҳа объектларига қиладиган саёҳатлари. Кенг маънода эса у кишиларнинг доимий яшаш жойларидан муайян муддатга дам олиш, спорт билан шугулланиш, соғломлаштириш, маърифий-маънавий каби вазифаларни кўзлаган шаклдаги қишлоқ табиати, ҳаёт тарзи, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, унинг маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган объектларга уюштириладиган, ташкил этиладиган саёҳатлардир.*

Юқорида (1.1 параграфда) туризмга берилган тушунчадан келиб чиққан тарзда **агротуризмни** – *шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет қишлоқ табиати, ҳаёти, хўжалиги ва улар билан боғлиқ бўлган аҳолининг яшаш тарзига тегишли сайёҳлик объектларга уюштириладиган, пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати.*

Ўзбекистонда агротуризмни фан ва амалиёт йўналиши сифатида ривожлантириш унинг назарий-методологик асосларини ишлаб

чиқишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан *энг муҳим вазифалар* қаторига қуйидагилар киради:

- ✓ умумэътироф этилган агротуризмнинг илмий-назарий асосларини яратиш;

- ✓ давлатлар ва халқаро ҳамжамиятнинг агротуризмга оид тактик режа ва стратегик дастурларини ишлаб чиқиш ва уларга юридик тус бериш;

- ✓ агротуризм индустриясининг махсус норматив-ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизмини аниқлаштириш;

- ✓ агротуризм давлат бошқарув тизими, статистика, маркетинг ва менежментни йўлга қўйиш;

- ✓ агротуристтик объектларни кадастрлаш, баҳолаш, мониторинг ва прогнозлашни олиб бориш;

- ✓ аҳолининг агротуристтик онг ва маданиятини ўстириш йўллари излаб топиш;

- ✓ агротуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни йўлга қўйиш;

- ✓ агротуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

- ✓ юридик шахс мақомидаги агротуристтик фирмалар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоратадбирларини белгилаш;

- ✓ агротуризмга оид ижобий ҳаракатларни рағбатлантирувчи механизмни яратиш;

Агротуризмнинг мақсади – қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришда унинг туристик салоҳияти ва имкониятларидан кенг фойдаланиш. Ушбу мақсадни амалга оширишда жаҳонда, шу жумладан, мамлакатимизда қатор мавжуд муаммолар ечимини топиш талаб этилади (1.2.1-жадвал).

Туристларни ўзига жалб этувчи хусусиятлар, салоҳият ва имкониятларга эга бўлган хилма-хил туристик объектлардан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- қишлоқ хўжалик агроландшафтлар – улар ўзига хос кўриниш ва ҳудудий ташкил этиш хусусиятлари, маҳсулот етиштириш технологиялари занжири, маҳсулотларни сақлаш ва реализация

қилишнинг ҳудудийлигига хос бўлган агротуристтик салоҳиятга эгаллиги;

➤ аграр соҳанинг бир-биридан тубдан ҳудудий фарқ қиладиган макрозонал турларининг мавжудлиги;

➤ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган этнографик одатлар, технологиялар, воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг мавжудлиги;

➤ қишлоқ аҳолисининг тарихан шаклланган, ўзига хос агротуристтик хусусиятга эга бўлган турмуш тарзи билан боғлиқ миллий ўзига хослик (анъаналар, урф-одатлар, маросимлар);

Агротуризмнинг юқорида кўрсатилган объектларининг ҳар бири қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

✓ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш, маҳсулотларни қайта ишлаш ва реализация қилиш жараёнлари билан узвий боғлаш;

✓ ўзига хос ҳудудий мазмун ва моҳиятга эга қилиш;

✓ сайёҳларнинг 24 соатдан ортиқ бўлишини таъминлайдиган ёки уларнинг тунаб қолиш имкониятини яратиш;

✓ қишлоқ ҳудудларида табиат ёдгорликлари, нозо ва рекреацион объектларни сақлаб қолиш;

✓ қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш, сақлаш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган анъаналарни инобатга олиш;

✓ ирригация ва мелиорация ишларини кўрсата билиш;

✓ қишлоқ байрамларининг жозибардорлигига эътибор қаратиш;

✓ барча йўналишларда табиат муҳофазаси ва хавфсизликни таъминаш.

Агротуризм субъектлари қаторига ёки унинг қатнашчилари тоифасига жисмоний шахслар (фуқаролар, оилавий пудратчилар, якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар) ва юридик шахслар (фермер ва деҳқон хўжалиги, қишлоқ фуқаролар йиғини, алоҳида ташкил этилган ташкилотлар ва жамоалар)ни киритиш мумкин. Чунончи, юридик шахслар жисмоний шахслардан фарқли ўлароқ, ўзининг ҳуқуқий мақомига кўра уюшган, махсус рухсатномага эга бўлган, баланс ва сметасида тегишли агротуризмга оид ҳаражатларни кўзда тутган, салбий оқибатларга ўзининг мол-мулки билан жавобгар

Агротуризмнинг асосий муаммолари ва уларнинг ечимлари

Т/р	Агротуризм муаммолари	Муаммолар ечими	
		Глобал миқёсда	Ўзбекистон Республикасида
1	2	3	4
1	Ягона ва умумэтироф этилган назарий-методологик асосининг ишлаб чиқилмаганлиги	Халқаро ташкилотларнинг ихтисослашган (ВТО, ФАО, ИКАРДО ва ҳ.к.) анжуманларида ушбу масалани кун тартибига киритиш, муҳокама қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш	Илмий-амалий анжуманлар ўтказишни режалаштириш ва уларнинг тегишли қарорларини давлат ва халқаро ҳамжамият ташкилотларига етказиш
2	Глобал, регионал ва миллий махсус концепция, дастур ва режаларнинг яратилмаганлиги	«Барқарор ривожланиш ва агротуризм» мавзусида халқаро анжуманларда тегишли концепция, дастур ва режаларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш тавсияларини бериш	Иллий хусусият касб этувчи, халқаро дастур ва режаларга мос равишда тегишли ишларни йўлга қўйиш
4	Норматив-ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга тадбиқ этиш механизмини яратиш	Агротуризмга оид халқаро шартномалар, келишувлар, хартиялар, декларацияларни қабул қилиш	Агротуризмга оид халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган қонун, давлат дастури, фармон, фармойишлар ва қарорлар қабул қилиш ҳамда уларни реализация қилиш

1	2	3	4
5	Агротуристтик таълим ва тарбияни йўлга қўйилмаганлиги	Агротуристтик таълим ва тарбияга оид халқаро стандартларни ишлаб чиқиш	Давлат таълим ва тарбия ўқув, ўқув–методик асосларини ишлаб чиқишда агротуристтик хусусиятларни инобатга олиш
6	Агротуристтик маънавият ва маърифатни шакллантирилмаганлиги	Баркамол инсонни тарбиялашда агротуристтик маънавият ва маърифат мезонларини аниқлаш	Миллий ғояни шакллантиришда агротуризмнинг ўрнини белгиловчи мезон ва омилларни аниқлаш
7	Агротуризмни мустақил туристик тармоқ сифатида шакллантирилмаганлиги	Агротуризмни туризм индустриясининг мустақил тармоғи сифатида шакллантириш ва ривожлантириш талаблари, йўллари ва қоидаларини яратиш	Миллий ва маҳаллий миқёсда агротуризмни ихтисослашган тармоқ сифатида шакллантириш ва ривожлантириш
8	Агротуризмни ривожлантириш учун ягона маркетинг, менежмент ва иқтисодиётни яратилмаганлиги	Агротуризмни моддий ва молиявий бошқариш ва қўллаб–қуватлашнинг глобал механизмининг яратиш	Махсус фондларни ташкил этиш, имтиёзли кредитлар беришни рағбатлантириш
10	Агротуризм кенг тарғиб қилинмаганлиги	Глобал Интернет тармоғида махсус сайтларни барпо этиш ва халқаро танловларни ўтказиш	Миллий ва маҳаллий Интернет тармоғида махсус сайтларни барпо этиш, танлов ва кўргазмаларни ўтказиш
11	Агротуризмга тегишли кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малкаси оширилмаганлиги	Давлатлараро келишувларда агротуризмга тегишли муносабатларни юридик жиҳатдан мустахкамлаш	Соҳага тегишли кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малкасини замон талабларига мос равишда ошириб боришни йўлга қўйиш

ва даъвогар бўла оладиган шахслар ҳисобланадилар. Бошқача қилиб айтганда, юридик шахсларнинг туризм билан шуғулланиш фаолияти жисмоний шахсларга нисбатан давлат, нодавлат ва ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тартибга солиш имконияти юқори бўлганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам келажакда махсус тайёргарлик ва жавобгарликка эга бўлган аграр йўналишдаги туристик фирма, ташкилот, бирлашма ва муассасаларни ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Агротуризмнинг объекти ва субъекти ўртасида узвийлик бевосита унинг предмети аниқлаш имкониятини беради. Шу маънода, агротуризмнинг предмети агротуристлик объектларнинг туристик хусусиятлари ташкил этади. Бизнингча, агротуризм мазмун ва моҳиятига кўра шахсларнинг турғун яшаб турган жойларидан маълум бир мақсадларни кўзлаган ҳолда агротуризм объектларига қилган саёҳатлари ҳисобланади. Киши саёҳатчи ёки турист бўлиши учун доимий яшаш жойидан пул тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда 24 соатдан 6 ойгача бўлган узлуксиз муддатга вақтинчалик турар жойига (мамлакатга) бориб келиши ёки у ерда камида бир тунни ўтказиши зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, агротуризм қишлоқ ҳудудларининг табиати, ижтимоий-маданий, иқтисодий, экологик, тарихий ва бошқа ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган туристик соҳа бўлиб, у комплекс тур маҳсулот яратиши билан туризмнинг бошқа соҳаларидан ажралиб туради. Агротуризмда тўлақонли рақобатбардош туристик маҳсулот яратиш учун аниқ бир ҳудуднинг мавжуд табиий, ижтимоий-маданий, иқтисодий, экологик ресурсларидан комплекс фойдаланиш орқали унга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг ошишини таъминлайди. Масалан, шаҳарликларнинг дам олиш мақсадида қишлоқ туманларига ташрифи асрлардан бери давом этиб келмоқда. Ҳозирги кунда қатор ривожланган мамлакатларда агротуристлик бизнесни ташкил қилишда инфорацион ва инновацион технологияларни қўллаш агротуристлик хизматлар ҳажмини сезиларли оширишга имкон бермоқда. Булар агротуризм соҳасида нисбатан

янгича прогрессив қарашлар, яъни концепцияларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

1.3. Агротуризмни ташкил этиш принциплари, концепциялари ва моделлари


Агротуризмни шакллантириш ва ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш муайян принципларга, яъни мақсадга йўналтирувчи қоидаларга амал қилишни талаб этади. Лекин мавжуд адабиётларда агротуризм принциплари тўғрисида талабларга тўлиқ жавоб берадиган маълумотлар учрамайди. Шу сабабдан биз Интернет сайтларида берилган маълумотлар, хорижий адабиётларда олимлар ва мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар ва қарашларни танқидий таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида агротуризмнинг бош принципларини (1.3.1-расм) қуйидагича изоҳлаш мумкин деб ҳисоблаймиз (Косинова Е.А., 2009; Франсуа Муане, 1993):

1. Давлатни тартибга солишнинг устуворлик принципи.

Мазкур принципга асосан агротуризмни ривожлантиришда давлат сиёсати, унинг тартибга солувчи қонун ва қонуности муҳим аҳамиятга эга. Улар агротуризмни қишлоқ жойларда ривожлантиришга хизмат қиладиган, истиқболга мўлжалланган мақсадли дастурлар, режалар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш тадбирларини ҳамда кадрлар тайёрлашни давлат томонидан амалга оширилишини талаб этади. Ривожланган мамлакатларда агротуристлик фирмалар ва туристларга солиқ, кредит имтиёзлари бериш, информацион маълумотларни бепул олиш қонун асосида белгиланган. Масалан, Италиянинг аксарият провинцияларида агроэкотуристлик хизматларда мижозларнинг ёши ҳисобга олинадиган чегирма нормалари белгиланган: 2 ёшгача бўлган болаларга хизматлар бепул, 3 ёшдан 12 ёшдаги болаларга эса 20 фоизгача чегирмалар бериш белгилаб қўйилган.¹

¹<http://www.blogoitalliano.com/regions-of-italy/piemonte/agroturizm-v-italii-otdyx-s-koloritom-derevni.html>.

1.3.1-расм. *Агротуризмни ташкил этиш принциплари*



Ўзбекистонда ҳам ташқи туризмни ривожлантириш учун 2018 йилнинг 15 июлидан 101 давлатдан келадиган сайёҳлар учун виза режимини соддалаштирилди, яъни 5 кун транзит визалар бекор қилинди, 3 кунлик сайёҳлар учун визани эса Ўзбекистон Республикасидаги халқаро аэропортларида бериш тартиби ўрнатилди. Бунинг натижасида 7 иш кунида мингдан ортиқ Буюк Британия, Ҳиндистон, Хитой, Польша, АҚШ ва Финляндиядан келаётган сайёҳлар учун электрон визалар расмийлаштирилди.

2. Ватанпарварлик принципи. Мазкур принцип хорижий сайёҳларни юртимиз маданияти, табиати, қишлоқ хўжалигини юритиш усуллари ва анъаналари билан таништиришни, мамлакатимиз ёшларини эса Она ватанга меҳр-муҳаббат ва унинг миллий қадриятларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашни кўзда тутди.

3. Табиий ресурслардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш принципи. Мазкур принцип туристик фаолият жараёнида агротуристтик ресурслар салоҳияти ва имкониятларидан мақсадли фойдаланиш ва уларни асраш, яхшилаш, муҳофаза қилишни зарурий шартга айлантиради.

4. Агротуризмни ташкил этишнинг комплекслилик принципи. Унга мувофиқ қишлоқ жойларнинг табиий, ижтимоий-маданий, иқтисодий, экологик, тарихий ресурсларидан комплекс фойдаланиш мақсадларида агротуризмни тарихий, диний, этник туризм турлари билан бирга қўшиб ташкил этиш заруратга айланади. Масалан, Италия ҳудудида 5 та миллий боғ (умумий майдони 272 минг га), 150 дан ортиқ резерватлар ва буюртмалар (умумий майдони 103,5 минг га) ташкил этилган бўлиб, уларда йилнинг ҳамма мавсумида агротуризм экологик туризм билан қўшиб олиб борилади¹.

5. Маънавий бирлик ва фаровонлик манбаи принципи. Миллий анъанавий қадриятларнинг қишлоқ жойларда сақланиб қолганлиги агротуризмда этномаданий интеграцияни вужудга келтирмоқда. Бу эса миллий маънавий қадриятларга ҳурматнинг ошиши ва уларни

¹ www.mariolia.ru/agroturizm.

асраб-авайлашга ёрдам беради. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси агротуризм орқали қишлоқ жойларда ишсизлик, аҳоли миграцияси ҳамда турмуш даражаси пасайишининг олдини олиш мумкинлигини исботламоқда. Агротуризм аграр ҳудудларда ортиқча меҳнат ресурсларини муқобил хизмат кўрсатиш соҳаларига ўтказишга ҳамда кўплаб янги кичик корхоналарни ишга туширишга имкон беради. Масалан, Германиянинг биргина вино ишлаб чиқарувчи агрофирмалари қошида агротуристларга сервис хизмати кўрсатувчи ва сувенир ишлаб чиқарувчи кўплаб кичик корхоналар ташкил этилган. Бир неча фермер хўжаликлари эса ресторан ва кафеларни сут, сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослашган (<http://turist.posmev.ru>).

6. Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантиришга кўмалашиш принципи. Мазкур принципга кўра агротуризмнинг ташкил этилиши ва ривожлантирилиши қишлоқ жойларда янги тармоқлар пайдо бўлиши, янги иш ўринларининг ташкил этилиши, аҳолининг иш билан таъминланиши ва даромадининг ошишига, шу асосда қишлоқ жойларнинг барқарор ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратади.

7. Қишлоқ ва шаҳар маданиятлари ўртасида воситачилик принципи. Бу принципни амалга ошириш орқали агротуризм шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига, қишлоқларда шаҳарга хос қулайликларнинг яратишга хизмат қилади. Мазкур принцип Ўзбекистонда амалга оширилаётган қишлоқларни ривожлантириш «Обод қишлоқ» моделига мос келади.

8. Агротуристлик таълимнинг зарурийлиги принципи. Бугунги кунда туризм индустриясини малакали кадрларсиз шакллантириб ва ривожлантириб бўлмайди. Мазкур принцип кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантиришни кўзда тутди. Бу тадбирларни амалга ошириш бўйича Россия Федерациясининг Ярослав областида ташкил этилган ўқув марказларининг самарали фаолиятини мисол қилиб кўрсатиш мумкин (<http://daudeneg.ru>). Бу марказларда агротуризм билан шуғулланувчилар учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил

этилган ва уларда агротуризмни ривожлантириш амалиёти асослари ўргатилади.


Агротуристик концепция нима? Концепция лотинча *conceptio* – қабул қилмоқ, қараш, ғоя, яъни бирор соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушуниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтаи назарни билдиради¹. Концепция, хусусан, давлат, жамият ёки ҳамжамятнинг бирон бир ижтимоий муносабатларга нисбатан қаратилган ва ёзма ифода этилган ғоялар тизими. **Агротуристик концепция** – давлат, жамият ёки ҳамжамятнинг агротуристик ижтимоий муносабатларни ҳолати ва келажак истиқболларини ривожлантиришга оид ғоялар тизими. Шу нуқтаи назардан агротуризм концепцияси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий вазифаларни бажаришга йўналтирилади. Бунга кўра агротуризм турли минтақа ва давлатларнинг табиий-ижтимоий тараққиёти ва мафкуравий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда турли йўналишларда ривожланмоқда. Масалан, Россия Федерациясида агротуристик концепция асосида кичик ва ўрта шаҳарларда агро ва экотуризмнинг ривожланишида муниципал тузилмаларга ёрдам кўрсатиш лойиҳаси амалга оширилди. Бу лойиҳа 2003–2004 йилларда «ЕвроОсиё» жамғармасининг молиявий кўмагида «Муниципал иқтисодий ривожланиш» ассоциацияси, йигирмадан ортиқ муниципал тузилмалар ва бешта минтақа вакиллари билан биргаликда ишлаб чиқилган Россия Федерациясида эко-агротуризмнинг ривожланиш концепциясига асосланди. Мазкур концепция Россия Федерацияси Давлат Думаси ҳамда Федерация Кенгаши томонидан тасдиқланди ва қатор ташкилотларнинг ижобий баҳосини олди. Бу ҳолат агротуризмга қизиқишнинг кучайишига сабаб бўлди. Мазкур концепция Россияда агротуризмни ривожлантириш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишни кучайтиришга асос бўлиб хизмат қилди (<http://www.kaicc.ru/content/agroturizm-v-evrope>) .

¹ Концепция. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.–Тошкент: ЎМЭ ДИН, 2000. 5-жилд 23–24–б.

Е.Карчевская (2005) агротуризм халқаро амалиётда кенг қўлланилаётганига қарамай, унинг умумий концепцияси ишлаб чиқилмаганлигини, терминологик бирлиги қабул қилинмаганлигини таъкидлайди. Кўпгина мамлакатларда миллий туристик соҳанинг ривожланишида агротуризмга етакчи йўналишлар сифатида аҳамият берилади, бу ҳолат уларнинг миллий ривожланиш концепцияларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Россия, Белорусия, Украинада агротуристлик концепциялар асосида қишлоқ жойларда сайёҳликни ривожлантиришнинг қатор моделларидан фойдаланилмоқда. Мазкур моделларнинг ўзига хос хусусиятларини туркумлаш натижалари 1.3.2-расмда кўрсатилган.

Кичик оилавий меҳмонхона бизнеси модели. Бу модел маълум ҳудуднинг ижтимоий-маданий муҳитини ўзгартирмаган ҳолда, қишлоқ жойларининг мавжуд туристик ресурсларига таяниб агротуристлик фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантириш йўналиши ҳисобланади, улар асосан миллий концепцияларга асосланиб ривожлантирилмоқда. Модел аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадларида аграр секторда банд бўлган аҳолини хизмат кўрсатиш секторига ўтказишни давлат сиёсати даражасига кўтаришни кўзда тутди. Унда туристларга қулай шарт-шароит яратиш учун қишлоқларда мавжуд турар-жой ва хўжалик объектлари (ферма, балиқчилик хўжаликлари, деҳқон уйлари) имкониятларидан фойдаланиш масалалари ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Мазкур модел Ўзбекистонда ҳам агротуризмни ривожлантиришга асос бўлиши мумкин.

Тарихий аграр объектлар модели. Бу моделнинг йўналишини «тарихий қишлоқ», «миллий қишлоқ» «ҳунармандлар посёлкаси» каби турар жойлар ёки турли хил тарихий-миллий объектлар (Европа мамлакатларида дворян ва савдогар усадбалари, черковлар ва ҳ.к.) белгилайди. Бунда мазкур объектлар агротуризм эҳтиёжига мос йўналишда қайта қурилади. Шу мақсадда комплекс лойиҳалар ишлаб чиқилади, илмий тадқиқот ишлари амалга оширилади, замонавий менеджмент ташкил этилади, инвестициялар ажратилади, тегишли ҳуқуқий—



1.3.2-расм. *Агротуризмни ривожлантириш моделлари*

меъёрий асослар яратилади. Бугунги кунда мазкур модел намуналари кўп ҳолларда музей мажмуалари асосида ташкил этилган. Бунга Тула вилоятидаги Ясная поляна ва Смоленскдаги Хмелита музей мажмуаларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Республикамизда ҳам кўплаб тарихий аграр объектлар: Нурота этаклари, Пашхурт, Попда юзлаб кориз тизимлари, Мирзачўл, Малик, Қарши чўлларида сақланиб қолган сардобалар, Зарафшон, Нурота этакларидаги минглаб кудук, ҳовуз, бандлар, ўнлаб кулфакли ҳовуз, дошқоқлар, ер ости сув омборлари мавжуд (Низомов А., 2008). Шунингдек, Самарқанд атрофида Амир Темур томонидан бунёд этирилган тарихий боғларни (Боғи Баланд, Боғи Беҳишт, Боғи Давлатобод, Боғи Дилкушо, Боғи Жаҳаннамо, Боғи Майдон, Боғи Нав, Боғи Чинор, Боғи Шамол) қайта тиклаб истиқболда шу мақсадда фойдланиш мумкин.

3. Ихтисослаштирилган хусусий агротуристтик объектлар модели. Бу модел фақатгина агротуристларни қабул қилиш ва уларнинг тўлақонли дам олишларини ташкил этишга қаратилган.

Бунда «туристик қишлоқлар» ва «сайёҳлар уйи» шаклидаги ихтисослаштирилган хусусий турар жойлар, юқори даражада хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар ҳамда уларнинг қошида маданий этнографик марказларни ташкил этиш кўзда тутилади. Мазкур модел қишлоқ ҳудудларида юқори даражада туристик потенциалга эга бўлган Франция, Италия, Швецария, Канада, АҚШ каби мамлакатлар учун хос. Бу хизматнинг самарали ишлаши учун маҳаллий ва ташқи ресурслардан фойдаланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга ҳамда давлатнинг қўллаб қувватлашига боғлиқ бўлади.

4. Давлат ёки хусусий қишлоқ хўжалик парклари (агропарклари) модели. Мазкур модел тегишли моддий-техника базаси ва инфраструктурага эга бўлган кўп функцияли туристик (кўргазмали-экспозицион, маданий-тарғибот, илмий-тадқиқот ва инновацион ишлаб чиқариш) мажмуаларни барпо этишни кўзда тутади. Бунда давлат ёки хусусий инвестициялар ёрдамида комплекс лойиҳалар ишлаб чиқилади, илмий-техник ва илмий-тадқиқот базаси яратилади. Мазкур моделда туризмдан тушадиган даромаддан ташқари, мамлакат қишлоқ хўжалик ютуқларини ва миллий (анъанавий) қишлоқ хўжалик ёки инновацион агротехнологик усулларни намоиш ва тарғиб этиш биринчи даражали вазифа ҳисобланади.

Барча моделларни қўллашда ҳудуднинг туристик ресурсларидан ташқари, қишлоқларда туристларни жойлаштиришга мослаштирилган (ихтисослашган) объектларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Европада шу мақсадда кичик оилавий меҳмонхона бизнеси модели кўп қўлланилади. Бундай модел сўнгги йилларда Шарқий ва Марказий Европа, Болтиқбўйи, Болқон ва МДХ мамлакатларида кенг татбиқ этилмоқда. Кичик оилавий меҳмонхона бизнеси модели Ўзбекистонда ҳам (Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарлар атрофида) қисман қўлланилмоқда.

Кичик оилавий меҳмонхона бизнеси моделини қўллашда қуйидаги шартларга амал қилиш талаб этилади:

- агротуризмни ривожлантиришда давлатнинг қўллаб қувватлаши;
- кичик шаҳар, қишлоқ ва уларнинг атрофида агротуризм талабларига жавоб берадиган кичик меҳмонхоналарнинг мавжудлиги;
- агротуристлик хўжаликларни ташкил этишнинг тегишли ҳуқуқий-меъёрий асосларининг яратилганлиги;
- агротуризм бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга йўналтирилган инфор­мацион технологияларнинг жорий қилинганлиги;
- агротуризм субъектлари бирлашмалари бошқарувининг ташкил этилганлиги;
- миллий ва минтақавий агротуристлик хизматларни ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги;
- тарғибот ва намойиш тизимининг яратилганлиги (реклама-инфор­мацион таъминот, интернет-портал орқали мижозлардан буюртма олиш тизими).

Юқорида таърифланган принцип, концепция ва моделлар жамият ҳаётида агротуризмнинг муҳим аҳамият касб этишини ва Ўзбекистонда ҳам ундан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

1.4. Агротуризм – мустақил туризм йўналиши


Бутунжаҳон туристик ташкилотининг маълумотларига кўра, европаликларнинг 70 фоизи табиий ва қишлоқ туризмига, шундан 32 фоизи айнан қишлоқ туризмига, 28 фоизи қишлоқ жойлари ва табиат қўйнида дам олишга, 10 фоизи эса табиий туризмга қизиқиш билдирадилар (Тухлиев Н., Абдуллаева Т., 2006). Бундан кўринадики, туризм турлари ичида туристларнинг қишлоқ туризмига талаби юқори ҳисобланади. Аммо агротуризмнинг туризм йўналишларида тутган ўрни турли тадқиқотларда турлича ифодаланган. Масалан, қозоғистонлик олим С.Р.Ердавлетов агротуризмни рекреациянинг спорт-соғломлаштириш турига киритган (1.4.1-расм).



1.4.1-расм. *С.Р.Ердавлетов(2000)нинг рекреация билан туризмни «омухта» қилиш таснифи*

А.Ю.Александрова қишлоқ туризмини шаҳар, ишчанлик, экологик ва спорт туризми каби махсус турлар қаторига киритади (Ҳайитбоев Р., Саттаров А., 2009). Бу мулоҳазада қишлоқ туризмга нисбатан унинг қамрови ва имкониятларини чеклайдиган бир томонлама ёндошув мавжуд. Бизнингча агротуризмга туризмнинг асосий тури сифатида қараш мақсадга мувофиқ (1.4.2-расм).

Мазкур кўринишда агротуризмнинг ўзига хос хусусиятлари етарли ҳисобга олинмаган. Рекреация сўзи полякча *rekreatio* (лот.) – тиклаш, *recreation* (франц) – кўнгилочиш, дам олиш деган маъноларини англатади (Ердавлетов С.Р., 1989). Географик адабиётларда ҳар икки ибора умумлаштирилиб, рекреация тушунчасига дам олиш ва саломатлигини тиклаш мақсадида уюштириладиган тадбирлар мажмуаси сифатида қаралади (Котляров Е.А., 1978; Царфис П.Г., 1979; Усмонова М.Р., 2001). Бироқ рекреация тушунчаси туризм тушунчаси билан доим ҳам мувофиқ келмайди. Чунки рекреацияга кўра дам олиш 24 соатдан ошмаслиги,



1.4.2-расм. *Замонавий туризм йўналишлари*

дам олувчи эса яшаш жойидан узоққа чиқмаслиги ҳам мумкин. Бироқ туризм шартларида турист яшаш жойидан узоқлашиши, камида бир кечани борган жойида ўтказиши керак. Ундан ташқари, соғломлаштиришга доир туризм тури ҳозирги кунда мустақил шаклланди – нозотуризм.

Ҳозирги пайтда агротуристларни табиат музейларидаги экспонатлар билан ҳайратлантириб бўлмайди. Агротуристлар бевосита табиат қўйнига, экологик ресурслар, аграр салоҳият ва имкониятлар, ютуқлар билан яқиндан танишишга ва улардан эстетик завқ олишга интиломоқда. Мазкур эҳтиёжларни агротуризмни шакллантириш ва ривожлантириш орқали қондириш мумкин. Чунки агротуризм бир вақтнинг ўзида кишиларнинг табиат қўйнида дам олишига, қишлоқ турмуш тарзи билан яқиндан танишишига, етиштирилган экологик тоза маҳсулотлардан фойдаланишига имкон беради.

Тадқиқотимиз натижасида агротуризм қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги аниқланди. Булар:

1. Агротуризмда сайёҳларни қабул қилиш учун барча қулайликларга эга алоҳида меҳмонхоналар талаб этилмайди, улар бевосита фермерларнинг уйларида ёки очик ҳавода тез ташкил этиладиган чодир (палатка)ларда жойлашишлари ҳам мумкин. Булар турли тоифага мансуб кишиларга арзон ва сифатли, қулай агротуристтик хизматлардан фойдаланиш эркинлигини беради.

2. Агротуризм, экотуризмдан фарқли ўлароқ, туристик фирмалар учун катта молиявий-иқтисодий ҳаражат талаб этмайди, чунки уни ташкил этишда сайёҳлик объекти сифатида қишлоқ аҳолисининг турар жойи, турмуш тарзи, урф-одатларидан фойдаланиш мумкин.

3. Агротуризмни тарихий, зиёрат, спорт, этнографик ва шу каби туризм йўналишлари билан бирга қўшиб олиб бориш самарали ҳисобланади. Зеро, санаб ўтилган туризм турлари қадимдан айнан қишлоқ жойларда ривожланган. Бунда туристларни бир вақтнинг ўзида қишлоқ жойларининг маънавий-маърифий, диний, табиий, тарихий, ижтимоий-маданий жиҳатлари билан таништириш имкони яратилади.

4. Инсонларнинг табиатга техноген босими ва экологик талабларни инобатга олмаслиги қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан агротуризм экотуризм сингари ўзининг ривожланиши йўналишида қишлоқ хўжалигида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, агроландшафтларни муҳофаза қилиш ва бузилган ерларни қайта тиклашга бевосита ва билвосита ёрдам берадиган вазифаларни ҳам бажаради.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар агротуризмнинг асосий мақсадларидан бири – қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришда уларнинг туристик имкониятларидан кенг фойдаланишни ташкил этишдан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги пайтда туризмнинг барча эътироф этган аниқ классификацияси (таснифи) мавжуд эмас. Бунинг тадқиқотчилар туризм йўналишида ягона тўхтамга олиб келувчи аниқ шакл ва турларни ажратиш амалий жиҳатдан мушкул

эканлиги билан тушунтирадилар (Ердавлетов С.Р., 2000). Туризм географиясида мамлакат туризмнинг ривожланиш даражасига кўра таснифлаш масалаларига турлича ёндашув бор. Ваҳоланки, туризм таснифи уни ҳудудий ташкил этиш ва муайян мақсад сари ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Туризм объектлари, улардан фойдаланиш усуллари, сайёҳларнинг ёши, касби, қизиқиши, жисмоний имкониятлари, маршрутларнинг узоқ ёки яқинлиги, мураккаблиги ва моддий қийматига қараб мутахассислар томонидан турлича таснифланган. Масалан, С.Р.Ердавлетов (2000) туризмни таснифлашда қуйидаги омилларга эътибор бериш лозимлигини уқтиради: бўш вақтнинг мавжудлиги ва давомийлиги; саёҳатчиларнинг ёши, жинси, саломатлиги, маънавий-маданий даражаси, шахсий хоҳиш ва моддий таъминланганлиги; табиий шароитнинг хилма-хиллиги ва мавсумийлиги; ҳаракат қилиш воситасининг мавжудлиги ва ҳ.к. У туризмнинг мақсади, шароити, йўналиши ва кўламига қараб шакл, синф (класс), тур ва кўринишларга ажратган.

Туризм ўзининг функцияси ва технологиясига кўра соғломлаштириш, дам олиш, табиий, зиёрат, спорт, даволаш, билиш, ўрганиш каби инсонларнинг жисмоний ва маънавий тикланиши ҳамда ривожланишида хизмат қилади. Масалан, географ олимлар А.С.Солиев ва М.Р.Усмоновлар (2005) Самарқанд вилояти мисолида туризмнинг ички (маҳаллий) ва ташқи (халқаро) турларга бўладилар. Бу турларни, ўз навбатида касбий, спорт, соғломлаштириш, соғлиқни тиклаш, зиёрат, танишув, саёҳат каби кўринишларга ажратадилар.

В.С.Преображенский ва И.В.Зорин (1975), А.С.Кусков (2006), И.Низамиев (2005) каби олимларнинг тадқиқотларида табиат мажмуалари рекреацион жиҳатдан таснифланган. Улар аҳолининг дам олишида рекреацион ресурсларнинг аҳамияти ва хусусиятларини туризм орқали очиб беришга ҳаракат қилганлар.

1. Туризм, хусусан агротуризмдан амалиётда фойдаланиш бўйича хорижда олиб борилган таснифлаш ишлари юксак илмий қимматга эга. Бу борада Италия, Германия, Франция тажрибалари муҳим


аҳамият касб этади. Масалан, Италияда туристик хизмат кўрсатиш бўйича агрохўжаликлар уч турга бўлинади: 1) табиат ва саломатлик; 2) миллий таомлар (гастрономия). 3) спорт-соғломлаштириш. Жумладан, биринчи турдаги агрохўжаликларда агротуризм экотуризм билан умумлашган ҳолда олиб борилади. Бундай агрохўжаликлар Кьянти, Умбрия, Сицилия провинцияларининг минерал сувли ҳавзалари, қўриқхоналар ва миллий боғ ҳудудларида жойлашган. Иккинчи турдаги агрохўжаликлар Лигурия, Тоскана, Венето, Умбрия, Марке, Пулья, Калабрия каби районларида ташкил этилган бўлиб, ҳар бир агрохўжалик бирорта экзотик маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Масалан, Лацио вилоятида вино, Абруццода зайтун мойи ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади. Учинчи турдаги агрохўжаликларда эса агротуристларнинг фаол дам олишига ихтисослаштирилган спорт объектларига кенг ўрин берилган. Туристлар сузиш, велоспорт, теннис, отларда сайр қилиш каби машғулотлар билан шуғулланишлари учун шароитлар яратилган (<http://www.blogoitaliano.com/regions-of-italy/piemonte/agroturizm-v-italii-otdyx-s-koloritom-derevni.html>).

Италияда деҳқон хонадонларида агротуристларга хизмат кўрсатиш сифатига кўра 1 ва 5 «гулли» хизмат кўрсатиш даражалари мавжуд ва унга кўра нархлар табақалашган тарзда белгиланади. Германияда эса агротуризм сайёҳларнинг жойлашишига кўра қуйидаги турларга бўлинади: 1) фермер хўжаликларида; 2) қишлоқларда. 3) вино ишлаб чиқарувчи хўжаликларда (<http://www.kaicc.ru/content/agroturizm-v-evrope>).

Агротуристтик тасниф – агротурларнинг муайян кўрсаткичлари мажмуалари асосида тизимли даражалаш ёки туркумлашни билдиради. Шунга кўра агротурларни таснифлашда уларни синф – тур – кўриниш – гуруҳ – даража каби иерархик қисмларга ажратиш мақсадга мувофиқдир (1.4.3-расм).

Агротуризм объектига кўра агротурларни қуйидаги синфларга ажратиш мумкин:

1. Агромажмуаларда ташкил этиладиган агротурлар. Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари (пахта, ғалла, шоли майдонлари), шунинг-



1.4.3-расм. *Агротуризмнинг агротурлар бўйича таснифланиши.*

дек, чўл ва тоғ минтақаларида жойлашган боғ ва узумзор, ўрмонларга, чорвачилик хўжаликларига (қорамолчилиқ, қоракўлчилиқ, йилқичилиқ, балиқчилиқ, асаларичилиқ, пиллачилиқ, паррандачилиқ ва ҳ.к.) қилинадиган саёҳатлар. Бу агротурлар орқали туристлар қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва реализация қилишга доир жараёнлар ва уларнинг ҳудудий-зонал фарқлари билан танишадилар.

2. Табиатнинг мавсумий байрамларида уюштириладиган агротурлар. Бундай агротурлар туристларни маҳаллий аҳолининг анъаналари асосида ўтказиладиган мавсумий байрам тантаналари билан таништириш мақсадларида уюштирилади. Масалан, табиатнинг уйғониши, экин-тикин агротехникаси тадбирларининг бошланиши ёки тугаши билан боғлиқ бўлган баҳор мавсумидаги («Наврўз», «Сумалак сайли»), баҳор-ёз («Сув сайли», «Тут сайли»), йиғим-теримга бағишланган куз («Пахта байрами», «Меҳржон» ва «Ҳосил») байрамлар, «Қовун сайли», «Узум сайли», «Анжир сайли», «Анор сайли» ва ҳ.к.) сайллар ва тадбирлар. **3. Қишлоқ урф-одатлари ва маросимларида ўтказиладиган агротурлар.** Масалан, атмосфера ёғинларига бағишланган Хоразм вилояти, Бойсун, Фориш, Зомин каби туманларда – «Суст хотин», булоқ-сой сувлари билан боғлиқ – Шоҳимардонда «Кўли Қуббон», Наманганда «Пешқирон», Бойсунда «Биби сешанба», Ургутда «Сув чашмалари» каби маросимлар агротурнинг мазкур синфига мансубдир.

Шуни таъкидлаш зарурки, агротуризм объектлари ҳар бир мавсумда ўзига хос томошабоплиқ хусусиятига эга. Агротурларга қилинадиган саёҳатлар йил бўйи давом этади. Мавсумий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда агротурларнинг қуйидаги турларини кўрсатиш мумкин:

1. Баҳор мавсумида ўтказиладиган агротурлар. Бу агротурлар фақат баҳорги мавсумга хос. Масалан, экин экиш жараёнлари, «Шохмойлар», «Таганак» каби маросимлар асосида ўтказиладиган агротурлар.

2. Ёз мавсумидаги ўтказиладиган агротурлар. Агроландшафтларнинг ёз мавсумидаги эстетик кўриниши ва экинларнинг пишиқчилик даври бу турнинг асосий мезони ҳисобланади.

3. Куз мавсумидаги ўтказиладиган агротурлар. Бунга экинларни йиғиб олиш билан боғлиқ жараёнлар ва байрам, сайлларда ўтказиладиган агротурларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

4. Қиш мавсумидаги ўтказиладиган агротурлар. Мазкур агротурлар кенгқамровли бўлмаса-да, бироқ айрим ҳудудларда ўзига хос тарзда амалга оширилиши билан ажралиб туради.

Геоморфологик нуқтаи назардан баландлик зоналари бўйича баландлик-зонал агротурларни ҳам ажратиш мумкин. Текислик – паст тоғ (адир) – ўрта тоғ – баланд тоғ қишлоқ хўжалигида мавжуд фарқларни агротехника тадбирларини ўтказиш, ҳосилни йиғиб олиш, меваларнинг пишиш муддатларида («баландлик-зонал конвейерлар») ёз, куз ойларида кузатиш сайёҳларда ҳайратланишга сабаб бўлади. Бундай фарқларни агротуризмни тоғ туризми билан қўшиш асосида кузатиш имконияти мавжуд.

Агротурларда сайёҳлар маршрутларнинг масофаси, маҳаллий шароити, мавсумга мослигига қараб ихтиёрий тарзда турли ҳаракатланиш воситаларидан фойдаланадилар, бунда танлаб олинган **ҳаракатланиш воситаларига** кўра агротурларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Темир йўл транспортида амалга ошириладиган агротурлар.
2. Автотранспортда амалга ошириладиган агротурлар.
3. Авиатранспортда амалга ошириладиган агротурлар.
4. Комбинациялашган (автомобиль, уловларда) воситалар ёрдамида амалга ошириладиган агротурлар.

Агротурларни **сайёҳларнинг ёши, ижтимоий аҳволи ва дунёқарашига** кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Ўқувчиларга мўлжалланган агротурлар.
2. Талабаларга мўлжалланган агротурлар.
3. Кексаларга мўлжалланган агротурлар.
4. Оилавий агротурлар.
5. Хорижий сайёҳларга мўлжалланган агротурлар

6. Илмий тадқиқотчилар учун агротурлар ва ҳ.к.

Сайёҳларнинг *моддий имконияти*га кўра агротурларни қуйидаги даражаларга ажратиш мумкин.

1. Моддий имконияти юқори қатлам учун агротурлар.

2. Аҳолининг кам таъминланган қатлами учун агротурлар.

3. Ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар учун мўлжалланган агротурлар.

Кўрсатиб ўтилган таснифлардаги хусусиятлар барча туристик маршрутларда қўлланилади. Агротуристтик тасниф агротурларнинг мақсади ва вазифаларига қараб турли таснифий белгиларга эга бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, уларни таксономик бирликларга ажратишда бирон бир қатъий мезон ишлаб чиқилмаган. Шундай бўлса-да, мавжуд имконият, шароит, ҳолатдан келиб чиққан тарзда агротуристтик тасниф турлича кўриниш ва шаклларни олиши мумкин. Бундан ташқари, агротуристтик тасниф илмий тадқиқотларни мақсадли йўналтириш, агротурларни режалаштириш, амалга ошириш ҳамда миллий ва халқаро миқёсдаги лойиҳа, дастур ва режаларни ишлаб чиқиш имкониятини беради.



2-боб. АГРОТУРИЗМНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

2.1. Агротуризм салоҳиятининг ҳудудий ва даврий жиҳатлари

XX асрнинг охир ва XXI асрнинг бошида бутун инсоният тарихида туб сиёсий–иқтисодий ислохотлар даври бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Дунё сиёсий картасида турли шакл ва оқимда ривожланаётган кўплаб янги давлатлар юзага келди. Бундай сиёсий ўзгаришлар ўз навбатида, кескин ижтимоий, иқтисодий, экологик, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий ўзгаришларга олиб келди. География фани ҳам бундай жараёнлардан четда қолмади. Унда қуйидаги кўзга ташланадиган ўзгаришлар содир этилмоқда:

- ✓ фундаментал йўналишда – умумгеографик фанларнинг назарий–методологик асослари сиёсий оқимдан илмийга томон юз ўгирди;
- ✓ янги инновацион технологиялар географик билишда жадал суратларда қўлланила бошланди;
- ✓ географик тадқиқотларни экологиялаштириш билан қаторда гуманитарлашувига олиб келди;
- ✓ туризм, жумладан унинг янги турларини (агротуризм, экотуризм, нозотуризм, халолтуруризм) ривожланишида географиянинг роли яққол кўриниб қолди.

Агротуризм географияни қишлоқ хўжалиги билан боғлайдиган амалий йўналишлари қаторидан жой олмоқда. Шу сабабдан унинг назарий асосларининг ривожланиши ва шаклланиши давом этмоқда. Шу кунгача агротуризмга оид тадқиқотлар асосан унинг соф ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатларини ўрганишга қаратилган, лекин унинг географик жиҳатларига етарлича эътибор берилмаган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб туризм географиясининг турли жабҳалари бўйича хорижий давлатларда бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Айниқса, бу борада Франция, Германия, Италия,

АҚШ, Буюк Британияда салмоқли ишлар бажарилган (Боголюбов В.С, Орловская В.П., 2005). МДХ давлатларида ҳам туризм ва рекреация географиясининг турли масалалари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилган (В.С.Преображенский, 1971, 1975; Ю.А.Веденин, 1975; И.В.Зорин, 1975; Е.А.Котляров, 1978; С.Р.Ердавлетов, 1989, 2000; К.Н.Мусин, 1998; Ж.Алиева, 2001, 2007 (Қозоғистон); И.Низамиев, 1998, 2005 (Қирғизистон); Т.Джумаев, 1998; И.Ҳасанов, 2004, 2006; А.Солиев, 2004, 2005, А.Н.Нигматов, 2007–2018 (Ўзбекистон).

В.С.Преображенский ва Ю.А.Веденин (1971) туризмни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тадқиқ этишда аҳоли, аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар ва шаҳар атрофи ҳамда урбанизация жараёнининг туризмни ривожлантиришдаги ўрнига аҳамият қаратган.

Хусусан агротуризмнинг географик жиҳатлари билан Францияда Франсуа Муане, 1993; Италияда Мария Пия Раджоньери, Марко Валлетта, 2006; Беларусияда С.А.Лученок, 2008; Россияда А.Н.Дегтярев, М.Шнайдер, И.Ю.Усманов, 2008 ва бошқалар шуғулланганлар.

Агротуризмнинг турли мамлакатларда ривожланиш тенденциялари, унинг ҳудудий жиҳатлари О.П.Грец ишларида атрофлича ўрганилган¹. У ҳудудларни рекреацион ва туристик жиҳатдан тадқиқ қилишда географик ёндашув масаласи глобал ва регионал мониторинг ҳамда ресурслардан оқилона фойдаланиш тизимини ишлаб чиқишда ўзини намоён этади, деб таъкидлаган. Ҳар бир минтақанинг географик ўрни ва табиий шароитига ҳамда ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига боғлиқ тарзда тарихан маълум бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашиш қарор топади. Бу ҳолат ўз навбатида қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатларининг бошқа ҳудудларда яшовчи халқлардан фарқ қилишига олиб келган. О.П.Грец маълум бир ҳудудда жойлашган кишиларнинг қишлоқ ҳаёт тарзидаги бу тафовут

¹ География туризма / Под ред. д.г.н., профессора А.Ю.Александровой.– М.: «КНОРУС», 2008.– 592 с.

ва ўзига хос хусусиятлар туристларни ўзига жалб этувчи асосий омил вазифасини бажаришини исботлаб берган.

Глобал миқёсда туризм, жумладан агротуризмнинг имкониятлари ва улардан фойдаланиш даражалари турличадир (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

Минтақаларнинг туризм турлари ва шакллари бўйича имкониятлари ҳамда улардан фойдаланиш даражаси¹

(Ии – ички имкониятлари, Фд – фойдаланиш даражаси: 0 – шароитлар мавжуд эмас, 1 – паст, 2 – ўртача, 3 – юқори)

<i>Туризм турлари ва шакллари</i>	<i>Европа</i>	<i>Шимолий Америка</i>	<i>Жанубий Америка</i>	<i>Яқин Шарқ</i>	<i>Марказий Осиё</i>	<i>Жанубий – шарқий Осиё</i>
Қишлоқ	Ии-3, Фд-3	Ии-2, Фд-1	Ии-3, Фд-1	Ии-2, Фд-1	Ии-3, Фд-0	Ии-3, Фд-1
Стационар	Ии-2, Фд-1	Ии-1, Фд-0	Ии-1, Фд-1	Ии-1, Фд-0	Ии-1, Фд-1	Ии-1, Фд-1
Сув	Ии-3, Фд-3	Ии-3, Фд-3	Ии-3, Фд-1	Ии-3, Фд-2	Ии-1, Фд-0	Ии-3, Фд-2
Авиа	Ии-2, Фд-1	Ии-2, Фд-1	Ии-1, Фд-1	Ии-1, Фд-1	Ии-0, Фд-0	Ии-1, Фд-1
Гастрономик	Ии-2, Фд-3	Ии-1, Фд-1	Ии-3, Фд-2	Ии-3, Фд-2	Ии-2, Фд-1	Ии-3, Фд-3
Диний	Ии-2, Фд-2	Ии-0, Фд-0	Ии-0, Фд-0	Ии-3, Фд-3	Ии-2, Фд-1	Ии-3, Фд-3

Жадвал маълумотларидан кўринадик, Европа минтақаси давлатларида агротуризм ривожланган ва улар бу соҳада катта тажрибага эга. Яқин Шарқ, Шимолий ва Жанубий Америка, Жануби-Шарқий Осиё минтақаларида агротуризмдан фойдаланиш ўртача даражада ва ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Марказий Осиё давлатлари эса ресурсларга бой, аммо уларда агротуризм деярли йўлга қўйилмаган.

Адабиётлар таҳлиliga асосланиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир мамлакатда агротуризмнинг ҳудудий жиҳатлари уларда мавжуд

¹ Манба: Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. –Т.: «ЎЗМЭ «ДИН», 2006. – С. 174.

бўлган ўзига хос хусусиятлар ва имкониятларни ўзида ифодалайди, булар эса ўз навбатида турли мамлакатлар ўртасида ҳудудий фарқланишига олиб келган (Туристские маршруты, 1985; Боголюбов В.С, Орловская В.П., 2005; Ибодуллаев Н.Э, Усмонов И.У., 2007). Агротуризмнинг ҳудудий ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиб агротуристлик фаолият билан шуғулланаётган давлатларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) агротуризм ривожланган ва тез суръатлар билан мустақил туризм индустрияси сифатида шаклланиб бораётган давлатлар; 2) агротуризм ривожланиш босқичида турган давлатлар.

Биринчи гуруҳга Италия, Франция, Германия, Испания, Буюк Британия, Ирландия ҳамда АҚШни киритиш мумкин. Лекин ушбу давлатларнинг ҳар бирида агротуризм ўзига хос кўриниш ва хусусиятларга эга.

Европада агротуризмнинг ривожланишини давлатлар даражасида кўриб чиқиш алоҳида олинган мамлакатнинг агротуристлик хусусияти уларнинг ўзига хос маданияти, тарихи, географияси, сиёсий тузилишига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан ҳар бир давлатда агротуризмни ташкил этишнинг ўзига хос модели шаклланган. Масалан, *агротуризмнинг «британча модели»*га қизиқишнинг юқорилиги, авваламбор, туристларни жойлаштириш тизимининг ўзига хослиги билан белгиланади. Бу модел уч хил вариантда ташкил этилган:

1. *Фермерлар уйида туристларни жойлаштириш орқали оиласи билан бевосита алоқада бўлиш.*

2. *Ўз-ўзига хизмат қилишга мослаштирилган алоҳида биноларда туристларни жойлаштириш орқали бўш бинолардан амарали фойдаланиш.*

3. *10-15 нафар туристлар гуруҳига мўлжалланган, барча қулайликларга эга махсус агротуристлик иншоотларни қуриш ва хизмат кўрсатиш.*

Учинчи вариант Буюк Британияда кенг оммалашган ва фермерлар учун самарали бўлиб ҳисобланади (бир киши учун бир кунлик тунашнинг ўртача нархи 10 еврони ташкил этади). Ундан аксарият

ҳолларда кичик талабалар гуруҳи ва ёшлар фойдаланадилар. Агротуризмни ташкил этишнинг британча моделининг эътиборли томони ёш авлодни она табиат билан яқиндан таништириш ва табиатга меҳр-муҳаббатни уйғотиш, яъни юксак маънавиятли шахсларни тарбиялашда намоён бўлади.

Италия модели. Италиянинг ўзига хос рельеф тузилиши, табиий ва иқлим шароити мамлакатда қадимдан аграр соҳанинг ривожланишига имкон яратган ва сайёҳларни ўзига жалб этувчи объектлардан бири бўлиб ҳисобланади (2.1.1-расм). Бу ерда қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқлари бўлган деҳқончилик ва чорвачиликка асосланган ҳолда қатор анъаналар шаклланган.

Италия ўзининг ям-яшил боғ ва узумзорлар, зайтунзорлари билан туристларни жалб этади. Агротуристлик объектлар сифатида ихтисослашган фермер хўжаликларининг экин майдонлари (узумзор, зайтунзор, цитрус мевазорлари), умумэътироф этилган байрамларни (янги йил, пасха, рождество каби), қишлоқ жойларда ўзига хос равишда ўтказилишини ҳам кўрсатиш мумкин. Италия вино ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринларда туради. Ҳозирги кунда мамлакат бўйлаб 70 дан ортиқ вино ишлаб чиқариш корхоналари агротуристлик объектга айлантирилган ва улар бўйича махсус агротуристлик маршрутлар ишлаб чиқилган. Италиянинг энг машҳур, дунё миқёсида танилган ва кенг тарқалган миллий таоми «Пицца» бўлиб, унинг 100 дан ортиқ турлари бор. Италияликларнинг «Ангуила» таоми, оқ вино - «Токай», қизил вино - «Каберне» каби винолари ҳам туристлар орасида шухрат қозонган.

Италияда агротуризмнинг ўзига хос ҳудудий хусусияти уни экотуризм билан биргаликда олиб борилишидир. Бунинг сабаби Италияда табиат, атроф-муҳит муҳофазаси давлат миқёсида кенг оммалаштирилганлиги ва қатъий назоратда туриши ҳисобланади (2.1.1-расм)¹. Италиянинг Кампанья, Пулья, Трентино-Альто-Адидже, Марке ва Калабрия каби провинцияларида кейинги 15 йил давомида

¹ <http://www.blogitaliano.com/regions-of-italy/piemonte/agroturizm>




2.1.1–расм Альп тогининг жанубий ён бағридаги Италиянинг қадимдан етиштириб келинадиган узумзорлари агротуристтик объект сифатида (А.Нигматов олган фотосурат)

туристларнинг қишлоқларда дам олишга бўлган қизиқишлари янада ортмоқда.

Франция модели. Франция Италия сингари Европа мамлакатлари ичида агротуризмни биринчилар қаторида ривожлантирган мамлакатлардан биридир. Мамлакатнинг мўътадил табиати ва иқлим шароити қишлоқ хўжалиги учун қулай ҳисобланади. Францияда қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар мамлакат ҳудудининг 35,6 фоизини ташкил этиб, шундан 40 фоизи яйлов ва пичанзорлардир. Мамлакат ҳудудида катта майдонларни яйловлар эгаллаши туфайли чорвачилик тармоқлари (қорамолчилик, қўйчилик, чўчқачилик) яхши ривожланган (Гулметов Ф.Е, 2004).

Франциянинг қишлоқ ҳудудларидаги чорвачилик Фермалари, узумзор ва боғзорлар (2.1.2–расм), вино, пишлоқ ишлаб чиқариш Фирмалари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ миллий анъаналар агротуризм объектлари бўлиб ҳисобланади.



2.1.1-расм. *Италиянинг агротуристтик районлари ва миллий боғлари карта-схемаси*

Францияда агротуризмнинг ўзига хос ҳудудий томони унинг кичик оилавий бизнес шаклида ташкил этилганлигидадир. Кичик оилавий бизнесшаклида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан туризм фаолияти бирга қўшиб олиб борилади. Асосий агрохўжаликлари — узумчилик, боғдорчилик, балиқчилик, йилқичиликка ихтисослашган фермалардан иборат. Буларда озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчилар ассоциациялари мунтазам иш олиб боради. Улар бой технологик тажриба ва миллий таомларни тайёрлаш анъаналарини авлоддан-авлодга ўтказиб келмоқдалар. Масалан, маҳаллий усуллар асосида биргина пишлоқнинг 400 дан ортиқ тури ишлаб чиқарилади. Шу билан бирга «Poitou-Charentes» товар белгиси остида пишлоқ, вино, денгиз маҳсулотлари каби истеъмол товарларини Франция бозорлари ва чет элларда сотилиши бўйича катта тарғибот ишлари олиб борилмоқда (Туристские маршруты, 1985).



2.1.2-расм. *Жанубий Франциянинг туристик жозибадор узумзор ва боғзорлари* (А.Нигматов олган фотосурат)



2.1.3-расм. *Юта штатининг маккажўхоризорлари ва уларга туширилган шакллар*

Француз туристлари фермерлар уйида яшашни ва экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан фойдаланишни хуш кўрадилар. Фермер хўжаликлари қошида барча замонавий қулайликларга эга бўлган арзон меҳмонхоналар мавжуд. Эрта тонгда агротуристларни қишлоқ хўроzlари овози билан уйқудан туришлари, дастурхонга янги узилган экологик тоза маҳсулотлар ҳамда миллий усулда тайёрланган ичимликларни тортилиши унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Кун давомида агротуристлар чинакам қишлоқ ҳаёт тарзи билан яқиндан танишадилар, отларда саёҳат қиладилар, узум теримида қатнашадилар. Булардан ташқари анъанвий байрамларни (рождество, пасха) ўзига хос равишда ўтказадилар, миллий урф-одатлар, миллий либослар билан танишадилар. Қишлоқ ҳудудларида қадимги миллий либослар ўз таъсирини ҳозиргача йўқотмаган. Маҳаллий қадимги пойафзал – «сабо» (ёғочдан ясалган оёқ кийими) ҳозирда кўпгина мамлакатларга тарқалган. Бундай оилавий дам олиш шаҳарликларда катта таассурот қолдиради (Гулметов Ф.Е, 2004). Кўп сонли хорижликлар, шу жумладан французларнинг ўзлари ҳам агротуризмни ўсиб келаётган авлод учун мустаҳкам тарбия воситаси сифатида эътироф этадилар.

Америка модели. АҚШ да агротуризм, асосан жанубий ва шимоли-шарқий штатларда ривожланган. АҚШ аҳолисининг 40 фоизи айнан шу ҳудудда истиқомат қилади. Кенг майдонлардаги маккажўхориזורлар ва унга туширилган шакллар (2.1.3-расм), пахтазорлар, шакарқамиш плантациялари, ўзига хос миллий анъаналари ва маҳаллий байрамлар асосий агротуристтик объектлардандир.

Агротуризм хизматидан фойдаланувчилар, жумладан шаҳар аҳолиси ҳафта охирида, яъни шанба ва якшанба кунлари қишлоқ ҳудудларида ҳордиқ чиқарадилар. Агротуристларнинг қишлоқларга ташрифи, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилини йиғиш даврига тўғри келади. Фермерлар агротуристларни ўз хўжаликларида қабул қиладилар. Агротуристлар кўнгилли равишда йиғимда иштирок этадилар ва ҳосилни ўз қўллари билан терадилар. Сўнгра териб олинган маҳсулотларни шу ернинг ўзидаёқ ўзлари

сотиб оладилар. Бироқ маҳсулотлар шаҳарга нисбатан юқори нархларда сотилади. Шунга қарамай, агротуризмдан фойдаланувчи туристларнинг сони кундан кунга ошиб бормоқда. Бунинг сабаби юқорида айтилганидек, туристларнинг ўз қўллари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб олишга ва янги узилган маҳсулотларни истеъмол қилишга бўлган қизиқишидадир (<https://www.facebook.com/uzbekotourism.uz>).

Статистик маълумотларга кўра (<http://www.kaicc.ru/content/agroturizm-v-evrope>) фермер хўжаликаларининг йириклашуви улар эгаллаган ер майдонининг катта қисмини тасарруф этишлари сабабли хусусий фермалар сони мунтазам қисқариб, корпорациялар кўпайиб бормоқда. Бу вазиятда фермерларга ўз мавқеларини сақлаб қолишгина эмас, балки қўшимча даромад олиш йўллари қидиришга ҳам тўғри келмоқда. Масалан, фермер Бретт Хербст (Brett Herbst) туристларни жалб этиш учун маккажўхори далаларини лабиринт шаклида ўриб чиқишга қарор қилди. Бундай ўзига хос йўл туристлар эътиборини тортмоқда ва уларнинг сони йилдан-йилга ошириб бормоқда. У ўз тажрибасини мамлакат бўйлаб кенг ёйиш мақсадида «The Maize» компаниясини тузди. Компания ҳар йили Европа, Канада ва АҚШдаги 190 дан ортиқ фермерларга лабиринтсимон шаклларни яратишга ёрдам бериш орқали агротуризмни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. АҚШда бундай тажрибалар фермерлар ўртасида оммалашиб, агротуризм билан шуғулланувчилар сонининг йилдан-йилга ортиб боришига олиб келмоқда.

Германия модели. Германияда агротуризмнинг оммавий ривожланиши ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган, аммо 90-йилларнинг ўрталарига қадар у фақат мамлакатнинг ғарбий қисмидагина ривожланди. Ғарбий ва Шарқий Германия давлатларининг бирлашувидан кейин унинг шарқий қисмида ҳам агротуризм ривожлана бошлади. Германияда сайёҳларининг 13 фоизи қишлоқ жойларида дам оладилар ва ферма, қишлоқ пансионларида жойлашадилар.

Германияда агротуризмга бўлган эътибор қишлоқ хўжалигининг иқтисодиётдаги ўрни сезиларли даражада пасайгандан сўнг бошланган. Бу даврда қишлоқ хўжалигининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишига қарамай, ишсизлик (аёллар ўртасида 30 фоизгача кўтарилган), меҳнатга лаёқатли аҳоли қатламининг қишлоқдан шаҳарга миграцияси, аграр соҳада даромаднинг пастлиги каби қатор муаммолар юзага келди. Мазкур муаммоларнинг ечимида мамлакатнинг турли ҳудудларида қишлоқ анъаналарига таянган агротуризмни ривожлантириш ўзига хос аҳамият касб этди.

Германия табиати ғоят хилма-хил ва бетакрор (текислик, тоғ, ўрмон, дарё, денгиз ва бошқалар). Қишлоқ хўжалигида шунга боғлиқ ҳолда юқори сифатли хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилади. Чорвачилик юқори даражада ривожланган. Мамлакатда етиштириладиган: қанд лавлаги, картошка, хмель ва бошоқли дон экинлари озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжнинг 90 фоиз ички имкониятни қоплайди.

Германияда агротуризм соҳасида: ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш, иштирокчиларнинг ўзаро шериклиги каби шакллардан кенг фойдаланилади. Ҳудудлар, ҳудудлараро ва тармоқлараро агротуризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Агротуризм ривожланиши босқичида турган давлатлар қаторига Чехия, Греция, Польша, Болгария, Россия, Украина, Беларусия каби давлатлар ҳам киради. Бу давлатларда аграр соҳа иқтисодиётнинг муҳим тармоғларидан бири бўлиб, уларда агротуризмни янада ривожлантириши учун фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд. Қуйида айрим давлатларда агротуризмнинг ривожланиши ва шаклланиши ҳолатига қисқача тавсиф бериб ўтамиз.

Чехия модели. Чехияда агротуризмдан Германия, Австралия давлатларига туташган чегарадош вилоятларда хорижлик сайёҳлар оммавий равишда самарали фойдаланиб келмоқдалар. Шарқий Чехиянинг Кралоупеградецкий ва Пардубицкий вилоятларида агротуризм эндигина ривожланмоқда.

Чехия қишлоқ хўжалигида дон, хмель, боғдорчилик ва сабзавотчилик маҳсулотлари кўп етиштирилади. Гўшт-сут чорвачилигига катта эътибор берилади (чўчка, қўй, қорамол, парранда боқилади), сув ҳавзаларида балиқ етиштирилади. Ҳозирги кунда мамлакатда агротуризмнинг ривожланиши учун молиявий маблағларнинг етишмаслиги муаммоси бор. Аммо Морава-Селезия вилояти бундан мустасно бўлиб, бу ерда туристларнинг қишлоқ жойларга кўплаб жалб этилиши натижасида қўшимча даромад олинмоқда, ишсизлик камаймоқда. Фермерлар агротуристларни кўпроқ жалб этиш мақсадида балиқ ови уюштирадilar, уларни отда саёҳат қилишга таклиф этадилар. Ривожланган баъзи агрофермалар гольф, теннис кортлари ва сквошларга эга. Қишлоқ ҳудудларида ўтказиладиган байрамларда қатнашувчиларининг анъанавий либослари ҳамда тортиқ этиладиган миллий таомлари сайёҳлар орасида машҳур (2.1.4–расм).

Греция модели. Греция ҳудудининг 2/3 қисми тоғлар билан банд. Иқлими Ўрта денгизга хос субтропик, қиши сернам ва юмшоқ, ёзи иссиқ ва қуруқ. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи – деҳқончилик бўлиб, у аграр соҳадаги даромадларнинг 75 фоизини беради. Мамлакат майдонининг 30 фоизга яқини экинзорлар. Грецияда зайтун дарахтининг 31 тури ўсади, улардан йилига икки марта ҳосил олинади. Мамлакатда қиши бошига 10 туп зайтун дарахти тўғри келади.

Туризм Греция иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, мамлакатга йилига 10 млн. аҳолидан хорижий сайёҳлар келиб кетади. Қишлоқ хўжалигининг юқори салоҳияти ва хилма-хиллигига боғлиқ ҳолда агротуризм жадал ривожланиб бормоқда. Туризм вазирлигининг ташаббуси билан миллий агротуризмга бағишланган икки тилли Интернет сайт очилган. Интернет орқали мамлакатнинг барча агротуристлик районлари, шунингдек, анъанавий оилавий меҳмонхоналар ёки табиат қўйнида жойлашган фермер хўжаликлар ҳақида маълумотлар олиш мумкин (www.tougenius.ru).



2.1.4-расм. *Чехиянинг Жанубий Моравия ўлкасидаги қишлоқда келин танлаш байрами ҳам туристлар учун* (А.Нигматов олган фотосурат)

Польша модели. Польша ҳудудининг 2/3 қисми текисликлар ва чорак қисми Беловеж Пушчаси ўрмонларидан иборат. Иқлими континентал. Ҳайдаладиган ерлар мамлакат ҳудудининг 46 фоизини, ўрмон ва даштлар 28 фоизини, ўтлоқ ва яйловлар 13 фоизини эгаллаган. Қишлоқ хўжалигида жавдар, буғдой, картошка, рапс маҳсулотлари кўп миқдорда етиштирилади. Чорвачилик яхши ривожланган бўлиб, унда қорамолчилик, йилқичилик, паррандачилик етакчи ўринни эгаллайди.

Польшада агротуризм сўнгги 10 йилдан ортиқ давр мобайнида муваффақият билан ривожланиб келмоқда. Агротуризм туризмнинг махсус йўналиши сифатида ўзининг қонунчилик асосларига эга бўлиб, давлат томонидан унинг ривожланиши учун зарурий шарт-шароитлар яратилмоқда. Махсус агротуристлик банклар ташкил этилган, фермерлар ва ер эгалари учун имтиёзли кредит ва ссудалар берилмоқда. Ҳозирги кунда Польшада 4 мингтага яқин агротуристлик хўжаликлар фаол ишламоқда, уларда тегишли сервис хизмати йўлга қўйилган. Агрохўжаликларнинг аксарият қисми йил давомида агротуристлар билан гавжумдир. Польшада кўшни мамлакатлар агротуристларини, шунингдек, французлар ва америкаликлар, австралияликлар, шведлар ва италияликлар, норвегияликлар ва россияликларни тез-тез учратиш мумкин. Яратилган қулайликлар, яъни жойлашиш ва овқатланишга тўловларнинг арзонлиги туристлар оқимининг ортишига сабаб бўлмоқда. Миллий таомларнинг ўзига хос анъаналари асосида тайёрланиши, кенг ассортиментга эгаллиги ҳам туристларни ўзига жалб қилмоқда.

Агротуризмнинг туризм йўналиши сифатида пайдо бўлганига унча кўп вақт бўлмасада, унинг ривожланишининг даврий фарқларини ўрганиш фан ва амалиёт учун муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан агротуризмнинг ривожланишида қуйидаги учта даврни ажратиш мумкин:

1. XX асрнинг 70–80–йиллари – агротуризмнинг мустақил туризм йўналиши сифатида юзага келиш даври.

2. XX асрнинг 90–йиллари – агротуризмнинг регионал миқёсда ривожланиш даври.

3. XXI асрнинг боши – агротуризмнинг глобал миқёсда туризм индустрияси сифатида ривожланиши даври.

Агротуризмнинг ривожланиш давлари бўйича кўрсаткичлари 2.1.2-жадвалда берилган.

2.2. Табiiй шароит ва агротуристтик имконият

География фанининг бошқа фанлардан фарқи айнан унинг комплекслик тадқиқот предметида. Ҳар қандай ҳудуд, хоҳ у геотизим ёки геомажмуа бўлсин, хоҳ у геотизим ёки ландшафт бўлсин, барибир ундаги табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг умумлашган жиҳатлари, яъни комплекслилиги география фанининг тадқиқот предметиға киради (А.Нигматов, 2017).

Айнан географик тадқиқотларнинг комплекслилиги хусусияти агротуризмда ажратилган объектларда табиат, хўжалик ва аҳолининг ўзаро узвий боғланган томонларини очиб беришда ёинки агротуризмни бошқа туризм турлари билан комплекс олиб боришда ўз хизматини кўрсатади.

Н.А.Гвоздецкий, Ю.К.Ефремов ва бошқалар геотизимлардан тўғри фойдаланишнинг комплекс географик асослари сифатида қуйидагиларни ҳисобға олиш зарурлигини кўрсатиб ўтишган:

1. Табiiй компонентларнинг ўзаро алоқаларини ва бу алоқаларнинг антропоген таъсир натижасида ўзгариши.

2. Геомажмуаларнинг ҳудудий ўзгариши қонуниятлари ва комплекс компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқалар.

3. Табiiй комплексларнинг ички энергияси таъсиридаги ўзгаришларининг йўналишлари ва суръатлари.

4. Табiiй ҳудудий комплексларнинг инсон фаолияти таъсирида ўзгариши тўғрисида тўхтовсиз маълумот олиб туришнинг зарурлиги¹.

Мазкур географик талаблар агротуризмни ташкил этиш, ривожлантириш ва жойлаштиришда ҳар томонлама ҳисобға олиниши лозим. Масалан, ҳар бир ҳудуд ўзига хос табiiй ва маданий туристик

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.–Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2000. 5-жилд.– 23—24-б.

Агротуризмни ривожланиш босқичларига хос кўрсаткичлар

Т/р	Ривожланиш босқичлари ва уларнинг кўрсаткичлари
<i>I. Агротуризмнинг мустақил туризм йўналиши сифатида юзага келиш даври (1970–1980 йиллар)</i>	
1.1.	Аграр соҳадан туризмда фойдаланиш заруратининг юзага келиши
1.2.	Агротуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши
1.3.	Агротуристик маршрутларнинг ташкил этилиши ва уларнинг ишга туширилиши
1.4.	Агротуризмдан фойда олишнинг бошланиши
<i>II. Агротуризмнинг регионал миқёсда ривожланиш даври (1990–2010 йиллар)</i>	
2.1.	Агротуризмнинг мустақил туристик йўналиш сифатида эътироф этилиши
2.2.	Агротуристик реклама, хизмат кўрсатиш ва сервиснинг йўлга қўйилиши
2.3.	Агротуризмнинг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланиши
2.4.	Агротуризмга оид ўқув ва илмий-методик адабиётларнинг яратилиши
2.5.	Тегишли туризм йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш сиёсатининг йўлга қўйилиши
2.6.	Агротуристик таълим ва тарбиянинг йўлга қўйилиши
<i>III. Агротуризмнинг глобал миқёсда туризм индустрияси сифатида ривожланиш даври (2010 кейинги йиллар)</i>	
3.1.	Агротуризмнинг миллий миқёсдан халқаро миқёсга чиқиши
3.2.	Агротуризм оид халқаро анжуманларларнинг мунтазам ўтказилиши
3.3.	Агротуристик информацион хизмат соҳасининг йўлга қўйилиши
3.4.	Агротуризм билан шуғулланувчи ташкилот, муассаса ва корхоналар фаолиятининг йўлга қўйилиши ва ривожланиши

масканлари, шифобахш булоқлар, шунингдек, манзарали ландшафтлар, қўриқхоналар, буюртмалар, тўқайзорлар, ҳайвонот олами, нураш шакллари ва бошқаларни киритиш мумкин. Маданий туристик объектлар инсон томонидан яратилиб, асрлар давомида сақланиб келинаётган тарихий-меъморчилик ёдгорликлари, ресурслар

салоҳияти ва имкониятларига эга. Туристик объектларга табиат яратган ноёб ёдгорликлар, жумладан, карст ғорлари, шаршара, археологик топилмалар, харобалар, зиёратгоҳлар, қадамжолар, миллий хунармандчилик ва анъаналар кабиларни ўз ичига олади. Шу билан бирга инсон томонидан мақсадли яратиладиган агроландшафтлар ҳам туристик объект бўла олиши ва улардан туризм мақсадида фойдаланиш мумкинлиги юқорида баён этилган.

Табиат комплексларини рекреация мақсадларида баҳолашга оид ишлар В.С.Преображенский, Ю.А.Веденин, Е.А.Котляров, П.Г.Царфис, Н.А.Данилова асарларида таҳлил қилинган (Преображенский В.С., Веденин Ю.А., 1971; Котляров Е.А., 1978; Царфис П.Г.1979; Данилова Н.А., 1980). Аммо бу тадқиқотларда алоҳида туризм турлари учун табиат комплекслари ва унинг компонентларининг имкониятлари баҳоланмаган. Қозоғистонлик тадқиқотчи К.Б.Егембердиевнинг ишларида геомажмуаларда туристик фаолият олиб борилаётганида ҳудуднинг табиат компонентлари – рельефи, тоғ жинслари, иқлими, сувлари, тупроғи, ўсимлик ва ҳайвонот олами хусусиятлари ҳисобга олиниши зарурлиги кўрсатилган (Егембердиева К.Б., 2010). М.Р.Усмонова (2001) Қашқадарё вилояти табиат компонентларини рекреация мақсадида баҳолашда комплекс, ландшафт ва экологик-илмий тамойиллар самарадорлигини асослаб берган [76]. А.С.Кусков ва бошқалар табиий ресурсларни баҳолашнинг уч асосий турини – тиббий-биологик, эстетик-психологик ва технологик методларини ажратганлар (Кусков А.С., Голубева А.С., Одинцова Т.Н., 1978).

Тиббий-биологик баҳолашда табиат компонентларининг одам организмига таъсири ва комфортлилиги аниқланади. Бунда иқлим ресурсларини баҳолаш асос қилиб олинади.

Эстетик-психологик баҳолашда табиий ландшафтлар ёки компонентларининг инсонга ҳиссий таъсири ва эстетик қиммати баҳоланади. Эстетик қиммат ландшафтнинг морфологик тузилиши (рельеф, ўсимлик қоплами, гидрография, ландшафт компонентларининг ўзаро алоқалари характери) ва ранг-баранглигига боғлиқ.

Технологик баҳолаш у ёки бу туризм турида табиат ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг техник-технологик масалалари, инфратузилма объектларини яратиш учун ҳудуд имкониятларини баҳолашни ўз ичига олади. Лекин А.С.Кусков (2006) иқтисодий баҳолашни эътибордан четда қолдирганлигини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Ўзбекистон табиат комплексларини экотуризм мақсадида баҳолаш масалалари Н.Т.Шомуратова (2012) тадқиқотларида мувоффақиятли амалга оширилган. Ҳудуднинг табиий омиллари – рельефи, иқлими, сувлари, тупроқ ва ўсимлик қоплами, ҳайвонот дунёси ва ландшафтлари экотуризм учун таҳлил қилинган.

Геомажмуаларнинг агротуристик имкониятларини аниқлашда табиий географик комплекс ва агротуризм ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш тадқиқотимизнинг асосини ташкил этади. Шунинг учун биринчи навбатда агротуризмнинг табиатга қўядиган талабини ўрганишимиз ҳамда агротуризмнинг табиий муҳитга таъсирини аниқлашимиз лозим. Агротуризмнинг ривожланиши ва шаклланиши ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, агротуристик объектларнинг мавжудлиги, табиий шароити ва ресурслари, географик ўрнига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан геомажмуаларнинг агротуристик имкониятларини ўрганишда агротуризм талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, геомажмуаларнинг агротуризм учун яроқли, қулай ёки ноқулайлик даражасини белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотимизда геомажмуалар ва уларнинг компонентларининг агротуристик имкониятларини аниқлашда баҳолаш объекти – геомажмуалар ва уларнинг компонентлари, баҳолаш субъекти – агротуристлар, баҳолаш предмети – геомажмуаларнинг агротуристик жиҳатлари ҳисобланади. Табиий комплексларнинг агротуризм имкониятлари *рельеф, иқлим, сув режими, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси* билан белгиланади. Уларнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш ўзига хос хусусиятларга эга.

Рельеф шароити. У француз тилидан олинган бўлиб, кўтараман, кўтариламан деган маънони англатади. Рельеф географик қобик компонентларининг ўзаро мураккаб таъсири натижасида келиб

чиққан, ернинг мусбат ва манфий нотекислигининг йиғиндиси ёки тузилиши, катта-кичиклиги, эволюцияси ва турлича ривожланиш босқичидаги ер юзасининг ташқи қиёфасидир.

Рельеф турли шакл ва элементлардан ташкил топади ҳамда уларга қараб ном берилади. Рельеф шакли унинг ташқи геометрик кўринишида ифода этилади. Масалан, йирик рельеф шакллари – тоғ, тепалик, адир, текислик, қир, ботиқ, сойлик, плато, йирик конуссимон ёйилма, ер юзаси ва сув ости вулкани кабилар. Рельеф шаклларида ўзига хос равишда намоён бўлувчи морфологик белгалар: тоғ чўққиси, давон, карст ғори, варонка, карр, жарлар, балка, сурилма кабилар (М.Маматкулов, А.Нигматов, Р.Юсупов, 2006).

Рельефнинг гипсометрияси, яъни шаклларнинг денгиз сатҳига нисбатан абсолют баландликда жойлашганлигига қараб турларга ажратилади: чўкма ва ботиқлар (баъзилари денгиз сатҳидан пастда жойлашган), пасттекислик (0-250 м абсолют баландлиги) ва текисликлар (200-300 м), баланд текислик (300-500 м), плато, қир ва адирлар (200-1000 м). Лекин адир, паст тоғ, ясси тоғнинг баландлиги бир хил эмас. Масалан, адирларнинг ўзи паст (400-800 м), ўртача баландликдаги (700-1000 м) ва баланд (1700 м гача) адирларга бўлинади. Ўрта Осиё геоморфологиясини ўрганган А. Соатов ва Р. Юсуповлар, 2003) паст тоғларнинг мутлақ баландлигини 1000-2000 метргачани белгилаш зарурлигини уқтиради. Ҳақиқатан, биринчидан, Марказий Қизилқумдаги Султон Увайс, Букантоғ, Томдитоғ, Кулжуктоғ кабиларнинг мутлақ баландлиги 1000 метрга етмайди. Иккинчидан Нурота, Урал тоғларининг мутлақ баландлиги 2000 метрдан зиёд бўлсада паст тоғлар деб аталади. Ўртача баландликдаги тоғларнинг абсолют баландлиги 2000-3000 м, баланд тоғлар 3000-5000 м, энг баланд тоғлар 6000 м дан юқори.

Рельефни агротуризм мақсадларида баҳолашда унинг тури, морфологик тоифалари, ёнбағир қиялиги, ўйдим—чуқурлиги, парчаланганлиги каби хусусиятлари эътиборга олинади. Рельефни геоморфологик таснифлашда тоғ ва текислик рельефи турларининг агротуристтик имкониятлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, Текисликда экинзорларни жойлаштириш ва агротехник

тадбирлар ўтказиш учун қулай. Тоғли ҳудудларда мутлақ баландлик ошган сари баландлик минтақалари алмашинади, аграр салоҳият пасаяди, айти пайтда агротуризм нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга ва туристлар учун қизиқарли бўлган баландлик-пояс ўзгаришлар қисқа масофада хилма-хиллиги ошади. Айтиан шундай хилма-хиллик агротуристларни ўзига жалб этадиган ижобий омилга айланади.

В.П. Буров ва бошқалар (1973) ишлаб чиққан мезонга кўра, ёнбағир қиялиги 3°C – барча туризм турлари, шунингдек туристик объектлар қуриш учун ҳам қулай ҳудуд; қиялиги $3-15^{\circ}\text{C}$ – ҳавфсиз, пиёдалар туризми учун қулай, қиш фаслида эса тоғ чанғи спортига имкон беради; $15-35^{\circ}\text{C}$ – ҳаракатланиш қийин ва мураккаб маршрутларда фойдаланиш мумкин; қиялик 35°C дан юқори – туристик фаолият учун ноқулай (экстремал туризмдан ташқари).

Рельефнинг ёнбағир қиялиги $3-15^{\circ}\text{C}$ бўлган ерлар қишлоқ хўжалиги учун нисбатан қулай ҳудудлар бўлиб ҳисобланади. Бу ҳудудларларда агротуризмни ривожлантириш, жумладан, инфратузилма объектларини жойлаштириш учун яхши имкониятлар мавжуд.

Иқлим шароити. Ёил давомида кузатиладиган қулай, ўртача ва ноқулай иқлим шароитлари туризм учун комфорт, субкомфорт ва дискомфорт шароитларни яратади. Е.М.Ратнер турли об-ҳаво шароитлари ва одам организми терморегуляция тизимининг зўриқиши ўртасидаги алоқаларни ўрганиб, уларни об-ҳавонинг таъсири даражасига кўра 9 та типга ажратган. Ўз навбатида, нейтрал 1 та, иссиқ ва совуқ иқлим шароит 4 тадан типга ажратилган :

✓ нейтрал (Н) – терморегуляция аппаратининг энг минимал зўриқиш ҳолати;

✓ иссиқ шароит: T_1 – кучсиз, T_2 – ўртача, T_3 – кучли, T_4 – ўта кучли;

✓ совуқ шароит: X_1 – кучсиз, X_2 – ўртача, X_3 – кучли, X_4 – ўта кучли.

И.С.Кандрорнинг таъкидлашича, об-ҳаво шароитлари таъсирида одам организмида физиологик жараёнлар турлича кечади (Царфис П.Г., 1979). Н.А.Данилова туризм ва дам олиш мақсадлари учун

кулай ва комфорт даврнинг давомийлигини ўрганган (Данилова Н.А., 1980). Унинг тадқиқотларида комфорт, шунингдек совуқ ва иссиқ субкомфорт даврлар ажратилган (2.2.1-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадикки иссиқ ва совуқ ҳароратда организмнинг терморегуляция механизми ўзгаради. 34°C дан юқори ҳароратли кунлар туристлар учун ноқулай (иссиқ дискомфорт), $33-34^{\circ}\text{C}$ оралиғидаги ҳарорат кам қулай (иссиқ субкомфорт), $31-32,9^{\circ}\text{C}$ ҳарорат қулай (комфорт), $30,9-29^{\circ}\text{C}$ оралиғида кам қулай (салқин субкомфорт) ҳамда $28,9-23^{\circ}\text{C}$ ноқулай (совуқ дискомфорт) давр ҳисобланади.

Н.А.Данилованинг аниқлашича (1979), йил даври ва турли иқлим шароитида одам терисининг ҳарорати $31-33^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Ҳароратнинг бунда ҳам кўтарилиши ёки тушиши организм терморегулятор механизмнинг зўриқишига олиб келар экан. Кўпчилик одамлар учун «Комфорт зона» ҳаво ҳароратининг $+17-23^{\circ}\text{C}$ ҳисобланади (Ердавлетов С.Р., 2000). М.Р.Усмонованинг фикрига кўра бу

кўрсаткич асосан Россиянинг Европа қисмига мос келиб, Ўзбекистонда қуёш радиацияси миқдорининг мўллигини эътиборга олиб, қуруқ ҳаво шароитида туристларга энг қулай ҳарорат $+24-27^{\circ}\text{C}$ ҳисобланади (Усмонова М.Р., 2001).

Комфорт об-ҳаво шароити (энг қулай) туризмнинг барча турларини ташкил этиш учун имконият яратади, субкомфорт об-ҳаво (ўртача қулай) табиий ресурс омилларидан туризм турларида Фойдаланишни бир қадар чеклайди, дискомфорт об-ҳаво (ноқулай) эса Фақат ёзги турларни ўтказиш учун имкон беради. Шунингдек, агротуризм учун комфорт ва субкомфорт об-ҳаво қулай шароит яратади. Ўзбекистонда комфорт даврнинг давомийлиги май-октябрь ойларида 60-80 кунни ташкил этади. Бу давр қишлоқ хўжалик экинларининг ривожланиш (апрель–май) ва етилиш (сентябрь–октябрь) мавсумига тўғри келади. Ўзбекистон тоғларида илиқ кунлар тоғ этакларидан чўққиларга томон камайиб боради. Масалан, Ховосда (денгиз сатҳидан 356 м) 230 кун, Тошкентда (473 м) 216 кун, Обликда (847 м) 211 кун, Сангзорда (1307 м) 184 кун давом этади.

**Одам териси юзаси ўртача ҳароратининг физиологик ҳолати
ва об-ҳаво типига боғлиқлиги ***

Терининг ўртача ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$	Иссиқ- ликни сезиш	Тер ажра- лиш, <i>г/соат</i>	Терморе- гуляция юки	Об- ҳаво типи	Туризм учун кулайлик даражаси	
					ҳолати	даври
>34	Ўта жа- зирама	750	Ўта кучли	T ₄	Иссиқ диском- форт	Нокулай давр
>34	Жазира- ма	750-400	Кучли	T ₃		
>34	Жуда иссиқ	400-250	Ўртача	T ₂		
33–33,9	Иссиқ	250-150	Кучсиз	T ₁	Иссиқ субком- форт	Кулай давр
31–32,9	Комфорт	150-100	Жуда кучсиз	H	Комфорт	
29–30,9	Салқин	<100	Кучсиз	X ₁	Салқин субком- форт	
27–28,9	Совуқ	<100	Ўртача	X ₂	Совуқ диском- форт	Нокулай давр
23–26,9	Жуда совуқ	<100	Кучли	X ₃		
<23	Ўта совуқ	<100	Ўта кучли	X ₄		

*Царфис П.Г. Рекреационная география СССР.– М.: «Мысль», 1979.– С. 160-164.

Туристларнинг кўнгилли дам олишида ҳавонинг нисбий намлиги муҳим ўринни эгаллайди. Ҳавонинг нисбий намлиги туристларнинг умумий ҳолатига таъсир этади. Ғ.З.Зокиров, К.Р.Раҳмоновларнинг маълумотларига кўра (1991), ҳавонинг нисбий намлиги 30% дан камайса куруқ, 30-60% оралиғида қулай, 71-80% да ўртача нам, 80% дан юқори бўлса жуда нам ҳисобланади. Ҳавонинг нисбий намлиги 30% ва ундан кам кунлар, яъни қурғоқчил кунлар республикамизнинг чўл ҳудудларида 200 кун, тоғ олди ва тоғли ҳудудларда 125-180 кун, суғориш тармоқлари ривожланган ва

ўсимлик қоплами анча қалин бўлган Фарғона водийсида 75-100 кунни ташкил этади (Глазирин Г.Е., Чанишева С.Г., Чуб В.Е., 1999). Чўллардаги ёз мавсумида нисбий намликнинг пастлиги, ҳаво ҳароратининг юқорилиги сайёҳлик учун ноқулай даврни юзага келтиради ва туристларнинг физиологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Бу даврда фақат муддатли сайёҳликни ташкил этиш мумкин, холос.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида қуёшдан келадиган йиллик ялпи радиация миқдори турлича бўлиб, шимолда 140 ккал/см^2 дан, жанубда 160 ккал/см^2 гача ўзгаради. Ўзбекистон шимолида қуёш ёғдуси давомийлиги 2800 соатни ташкил этса, жанубга томон унинг кўрсаткичи ортиб (Термизда 3050 соат) боради (Ҳасанов И.А., Ғуломов И.Н., Қаюмов А.А., 2010). Май–октябрь ойларида (қишлоқ хўжалик экинларининг айни ривожланиш ва етилиш даврида) қуёшнинг нур сочиш муддатининг узунлиги жиҳатидан Ўзбекистон дунёда энг серқуёш ўлкалардан бири ҳисобланади. Қуёш нур сочиш муддатининг давомийлиги узун кунли ўсимликларни (жумладан, пахта) етиштириш учун қулайлик туғдиради ҳамда ҳудудда агротуристлик объектлар сонининг ошишига имкон беради.

Атмосфера ёғинлари минтақадаги барча дарёларни сув билан таъминлаб турадиган асосий манба бўлиб ҳисобланади ва маълум даражада табиий ландшафтлар ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш характери билан белгилайди. Ўзбекистон ҳудудларида ёғингарчиликнинг тақсимланиши уларнинг географик жойлашуви, рельефи ва атмосфера циркуляцияси хусусиятларига боғлиқ. Л.М.Молчанов маълумотларига кўра, ҳар 100 м баландликда ёғин миқдорининг йиллик ўртача йиғиндиси 60-70 мм га ошади. Текисликларда йил давомида ўртача 80-250 мм, ёғинли кунлар сони 35-60 кун, тоғ олдида 180-500 мм, тоғнинг юқори қисмида (Ғарбий Тянь–Шань ь) 2000 мм дан зиёд, ёғинли кунлар сони 70-90 кун бўлади.

Ҳудудларда шамол режими турлича бўлиб, бевосита жойнинг рельефига боғлиқ. Унинг тезлиги, йўналиши туристлар ҳолатига таъсир этади. Туристлик маршрутларни белгилашда шамолнинг

тезлиги 2,2-3 м/сек бўлган ҳудудларни танлаш зарур. Ўзбекистон текисликларида қишда шимолий ва шимоли-шарқий, ёзда шимолий ва шимоли-ғарбий шамоллар эсади. Уларнинг йиллик ўртача тезлиги 3-4 м/сек. дан ошмайди. Тоғ олди ва тоғли ҳудудларда кўп ҳолларда шарқий ва шимоли-шарқий шамоллар эсади, уларнинг йиллик ўртача тезлиги 3-5 м/сек ни ташкил этади.

Ер усти ва ер ости сувлари агротуризмни ривожлантиришда энг муҳим омиллардан биридир. Улар туристлар учун ичимлик суви манбаи бўлиши билан бирга, сайёҳларнинг дам олиши, сув спорти, балиқ ови билан шуғулланишларида ҳам кенг фойдаланилади. 3-4 ойдан кам бўлмаган муддатда сув ҳарорати 17⁰ дан юқори сақланадиган ҳавзалар дам олиш учун қулай ҳисобланади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик экинларининг турли туманлиги ҳам бевосита ер усти ва ер ости сувларининг мавжудлиги, мўллиги ва минералланиш даражасига боғлиқ.

Ўрта Осиёнинг суғориладиган минтақаларида асосий сув манбаи дарёлардир. Ҳудуддаги йирик дарёлар – Сирдарё ва Амударё ҳамда уларнинг ҳавзасидаги Норин, Қорадарё, Сўх, Чирчиқ, Оҳангарон, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шеробод дарёлардир. Дарёларда тўлинсув даври кичик дарёлар ва сойларда 1-2 ой, йирик дарёларда 3-4 ой давом этади. Бу даврда дарёлар йиллик сув ҳажмининг 70-95 фоизи оқиб ўтади. Сирдарё сувининг 95 фоизи, Амударёнинг 80 фоизи суғориш учун фойдаланилади. Грунт сувларининг катта заҳиралари Фарғона, Зарафшон, Чирчиқ-Оҳангарон водийлари ва Мирзачўлда мавжуд. Республикамиз умумий суғориладиган ер майдонининг 12 фоизи грунт сувларидан суғорилади.

Ҳудуднинг агротуристлик имкониятини баҳолашда ***тупроқ тип***и ҳам муҳим омиллардан биридир. Геомажмуалар тупроқ таркиби ва қопламанинг ўзига хос тузилиши билан бир-биридан фарқ қилади. Республикамизда тупроқлар баландлик минтақалари бўйича учта тупроқ-иқлим минтақасига бўлинади: тоғ, тоғолди, чўл. Чўлларда сур-қўнғир, тақир, шўрхоклар, чўл қумли тупроқлар кенг тарқалган. Бу тупроқлар таркибида гумус миқдори жуда кам (юқори қатламида 1% кам). Қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган суғориладиган

тупроқлар Чирчик, Фарғона ва Зарафшон водийси, Амударё куйи қисмида катта майдонларни эгаллаган. Лалмикор ерларнинг нисбатан катта майдонлари Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент ва Жиззах вилоятлари ҳудудларида жойлашган. Чўл яйловлари республикамизнинг энг катта майдонини – 26,5 млн. га ни ташкил этади (Тожиев У., Намозов Х., Нафетдинов Ш., Умаров К., 2004).

Тупроқ сифатини баҳолашда унинг унумдорлиги асосий омил бўлиб, у бонитет балл бўйича баҳоланади. Ўзбекистон суғориладиган деҳқончилик шароитида бонитировка асосан пахтачилик соҳасида кенг қўлланилади. Бонитировкада тупроқнинг асосий хоссалари ва табиий шароитлари: тип ва кичик типлар, суғориш бошланган давр, иқтисодий кўрсаткичлари, маданийлашгани, ҳарорат заҳиралари билан таъминланганлиги, механик таркиби, тупроқ ҳосил қилувчи жинс, қатламлар остининг сув ўтказувчанлиги, шўрланиш даражаси, тошлоқлиги, эрозияга учраганлиги, ва гипслашганлиги ҳисобга олинади. Баҳолаш ёпиқ 100 балли шкала бўйича амалга оширилади. Энг юқори 100 балли тупроқлар нафақат юқори ҳосилдор, балки жойлашган жойи билан ҳам баҳоланади. Тупроқнинг табиий унумдорлигини ҳисобга олиб, суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлиги ва уларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқлилигининг потенциал имкониятларига кўра республика суғориладиган ерлари бонитет бўйича 10 та класс ва 5 та зоналарга бириктирилган. Тупроқлар унумдорлиги маданий экин турларининг хилма-хиллигини белгилаб беради. Аксинча, тупроқнинг шўрланиши, шамол ва сув эрозияси каби жараёнлар агротуризм объектлари сонини қисқартиради.

Агротуризмни ривожлантиришда *табиий ўсимлик қоплами* ҳамда *уларнинг маданийлаштирилганлик даражаси* муҳим рол ўйнайди. А.Рафиқов ва бошқалар ўсимлик қопламининг зичлиги 30-100% гача туризм учун жуда қулай, 40-50% да қулай, 0-40% да кам қулай ва 0-30% да қулай эмас, деб ҳисоблайдилар (Рафиқов А., Ваҳобов Ҳ., Қаюмов А., Азимов Ш., 2008). Агротуристлик объектларни табиий ўсимликлар қоплами зич ва маданий экин турларини етиштириш имконияти мавжуд бўлган турли ҳудудларда

жойлаштириш мумкин. Ўзбекистонда ўсимликларнинг хилма-хил турларини текисликдаги қумли чўллардан тортиб, баланд тоғларгача бўлган турли рельеф ва тупроқ шароитида учратиш мумкин. Ўсимликларнинг агротуристик имкониятларини тавсифлашда 4 баландлик минтақаси (чўл, адир, тоғ, баланд тоғ) асос қилиб олинди. Ҳар бир минтақа ўзига хос рельеф, иқлим, тупроқ ва ўсимликлар дунёсига эга.

Республикамизда деҳқончиликнинг обикор ва лалмикор деб аталган икки соҳаси ривожланган. Обикор деҳқончилик аграр соҳанинг асосини ташкил этади ва унда пахтачилик, ғаллачилик, шоликорлик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик ва узумчилик каби соҳалари ривожланган. Лалмикор деҳқончиликда эса асосан буғдой, арпа, кунжут ва бошқалар экилади.

Агротуризмда чорвачилик хўжаликларида боқиладиган **уй ҳайвонлари** (қорамол, қўй, эчки, от, туя кабилар) ва, шунингдек, **пиллачилик, асаларичилик** муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳудудининг табиий шароити ва ем-хашак базасининг характериға кўра чорвачилик зоналар бўйича ихтисослашган. Ўтлоқ ва буталар ўсадиган чўлларда қоракўл қўйлари ва туялар боқилади. Воҳаларда яйловлар кам бўлиб, чорвачиликда қорамоллар беда, маккахўхори ва озиқ-овқат чиқиндилари билан боқилади. Буғдойиқ ва ҳар хил ўтлар тарқалган адир ва тоғларда эса думбали ҳисор зотли қўйлар, эчкилар, йилқилар ва қорамоллар боқиладиган хўжаликлар мавжуд. Бу каби чорвачилик хўжаликларининг агротуристик имкониятларидан агротуризмда фойдаланиш мумкин.

2.3. Ўзбекистон табиат комплексларини агротуристик баҳолаш

Ўзбекистон ҳудудида тоғ, тоғ олди ва чўл текислик, суғориладиган антропоген текислик каби табиат комплекслари ажратилади. Табиат комплексларини (геомажмуаларни) баҳолаш табиат компонентларининг агротуристик хусусиятларидан келиб чиқади. Уларнинг агротуристик имкониятларини баҳолашда рельеф

тури, ер юзасининг хусусиятлари, иқлим шароитлари (ҳаво ҳарорати, нисбий намлиги, ёғин-сочин миқдори, шамол тезлиги), ер усти сувлари (дарё ва сойларнинг тўйиниш манбаи), ер ости сувлари (ер юзасига нисбатан жойлашуви, минераллашуви), тупроқ хусусиятлари (тури, шўрланиш ва эрозияга берилганлик даражаси), ўсимлик қоплами ва зичлиги, ландшафтларнинг маданийлаштирилганлик даражаси ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилиши, инфратузилмаси (автомобиль ва темир йўллар ҳолати, туристлар учун меҳмонхоналар, дам олиш уйлари ва лагерларнинг мавжудлиги ва қулайлик даражаси) ҳисобга олинади.

Табиат компонентларининг баландлик бўйича минтақаланиши тоғ ва тоғ олди геомажмуаларининг тоғ этакларидан чўққилар томон ўзгариб, турли табиий шароитларнинг таркиб топишига сабаб бўлади. Тоғларда ҳарорат ва намлик миқдорининг баландлик бўйича пастдан юқорига томон ўзгариб бориши сабабли табиат ҳам шу йўналишда ўзгаради, яъни баландлик минтақаланиши рўй беради. Ўзбекистон тоғларининг этаги чўлларга бориб тақалгани учун баландлик минтақалари чўлдан бошланади ва паст тоғ (адир), ўрта тоғдан баланд тоғ (нивал) қор-музликларгача алмашинади.

Ўзбекистон текисликларидан тоғлар томон кўтарилиб борган сари умумий иқлим шароитларининг ўзгариб бориши кузатилади, яъни юқорига кўтарилган сари иссиқ иқлим илиқ иқлим билан, тоғнинг юқори қисмида эса совуқ иқлим билан алмашинади. Шунингдек, ёғингарчилик миқдори, ҳаво босими ва ҳавонинг нисбий намлиги ҳам ўзгариб боради. Натижада баландлик иқлим минтақалари таркиб топади. Бу ўзгаришлар баландлик табиат зоналарининг шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Тоғли ҳудудларда мамлакат жами аҳолисининг тахминан 10 фоизи яшайди. Аҳоли тоғ шароитига мослашган ҳолда қадимдан шаклланган ўзига хос миллий анъаналари, деҳқончилик ва чорвачиликни маданияти ва усулларига эга. Ўзбекистон тоғларида табиат, аҳоли, иқтисодиёт, шу жумладан қишлоқ хўжалиги хусусиятларининг қисқа масофада баландлик минтақалари бўйича тез ўзгаради. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ўзига хос «тоғ» шаклларига эгаллиги билан ажралиб туради

(тоғ воҳа суғорма деҳқончилиги, лалмикор деҳқончилик, тоғ боғдорчилиги, терраса деҳқончилиги, тоғ ўрмончилиги, тоғ-яйлов чорвачилиги (2.3.1-жадвал).

Тоғ баландлик минтақаси қишлоқ хўжалиги агротуризм учун жуда жозибадор объект бўлиб ҳисобланади, лекин ундан ҳозирги вақтда унумли фойдаланилмаяпти. Бу ерда махсус тоғ агротуризмни ривожлантириш имкониятлари ҳам катта. Тоғлар учун булутли кунларнинг давомлилиги, қорнинг узоқ туриши, ёғин миқдорининг мўллиги, ҳаво ҳароратининг паст бўлиши, тоғ-водий, ёнбағир шамолларининг эсиб туриши хосдир. Умуман тоғли рельеф, яъни тоғ тизмаларининг мутлақ баландлиги, қуёшга нисбатан қандай туриши, ҳаво оқимларига рельефнинг таъсири, тоғ оралиғида водий, ботиқ, платоларнинг бўлиши турли хил ландшафтлар пайдо бўлишига хизмат қилади.

Ёнбағир бўйлаб 100 м кўтарилганда ҳаво ҳарорати ўрта ҳисобда $0,6^{\circ}$ га пасаяди. Ўзбекистон тоғлари жанубий кенгликларда бўлишига қарамасдан 3200 метрдан юқорида ҳавонинг йиллик ўртача ҳарорати манфийдир. Тоғларда ҳаво ҳароратининг ўзгариши тоғ тизмаларининг йўналиши ва ёнбағирларнинг қуёшга нисбатан қандай туриши каби бир қатор ҳудудий жиҳатларига боғлиқ. Ўзбекистон тоғларида ёғин текисликка нисбатан бирмунча кўпроқ ёғади. Ёғин республикамизнинг тоғ тизмаларига, айниқса уларнинг ғарбий ёнбағирларига (1500-3000 м баландликларда) энг кўп тушади ва йиллик миқдори айрим жойларда 900 мм дан ҳам ошади. А.Рафиқов ва бошқалар томонидан Ўзбекистоннинг чўл ва чала чўл минтақаларида суғоришга яроқли ерлар табиат комплексларининг мураккаблик даражаларини аниқлашда рельеф тури, юзасининг хусусияти, тупроқлар ва уларнинг шўрланиши, эрозияга берилганлиги, грунт сувларининг чуқурлиги ва минераллашув даражаси, ерларнинг мелиоратив ҳолатини мезон қилиб олиб, уларни оддий, ўртача, мураккаб, жуда мураккаб каби даражаларга

Ўзбекистоннинг баландлик минтақаларининг хўжалиги ва функциялари
(Т.Жумаев маълумотлари асосида тузилган, 2004)

<i>Т/р</i>	<i>Баландлик минтақалари ва уларнинг абсолют баландлиги</i>	<i>Баландлик минтақаларининг хўжалиги ва функциялари</i>
1.	Аҳоли яшамайдиган баланд тоғ минтақасилари, >3000 м	1. Хўжалик юритилмайди. Маърифий ва маънавий мақсадларда фойдаланилади 2. Ёғингарчиликлар захира ва энергетик ресурслар шаклида тўпланади.
2.	Аҳоли сийрак яшайдиган ва мавсумий фойдаланила- диган баланд тоғ минтақаси, 2000-3000 м	1. Тоғ-яйлов чорвачилиги. Ўрмон хўжалиги. Табиат муҳофазаси. 2. Муҳит ҳосил қилувчи ва сув тақсимловчи .
3.	Аҳоли кам яшайдиган ва кам ўзлаштирилган ўрта тоғ минтақаси, 1200-2000 м	1. Тоғ-яйлов чорвачилиги, боғдорчилик ва узумчилик. Ўрмон хўжалиги. Тоғ-кон саноатини. Туризм. 2. Атроф-муҳит муҳофазаси, этно-маданий меросни сақлаш; биргаликда хўжалик юритиш. 1, 2 ва 4 минтақалар орасида интеграл алоқаларни ривожлантириш.
4.	Аҳоли зич яшайдиган ва ўзлаштирилган тоғ олди ва паст тоғ минтақаси, 400- 1200 м	1. Кўп тармоқли агросаноат, инфратузилма, тоғ-кон саноати, энергетика, рангли металлургия. Туризм. 2. Экоҳамкорликда хўжалик юритиш. Текислик-тоғ, Тоғ-текислик, Тоғ-тоғ тизимлари воситачилиги. Транспорт–инфратузилма каркаси ва тоғ минтақаси иқтисодий интегратори.

ажратганлар. Тоғ туризми мақсадларида табиат комплексларини баҳолашда қулай эмас, камроқ қулай, қулай, жуда ҳам қулай каби тўрт поғонали шкала қўлланилган. Баҳолаш мезонлари сифатида рельеф тури, юзасининг хусусиятлари, ётқизикларнинг литологик таркиби, грунт сувларининг чуқурлиги ва минераллашганлиги, тупроқ тури, унинг шўрланиш даражаси, сув ва шамол эрозиясига берилганлиги, ўсимлик қопламининг зичлиги, турлари, агроландшафтларнинг маданийлаш-тирилганлиги ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар, инфратузилма даражаси, агротуризмда фойдаланиш даражаси каби омиллар олинди. Уларнинг кўрсаткичлари асосида табиат комплекслари агротуризм жиҳатдан жуда қулай, қулай, кам қулай, қулай эмас табиат комплексларига ажратилди (2.3.2-жадвал ва 2.3.3-жадваллар).

Текисликларда агротуризмда фойдаланиш имконияти жиҳатидан жуда қулай – табиат комплексларига тоғ олди пролювиал ва дарё водийларининг юқори террасалари (Зарафшон, Қашқадарё, Амударё, Сирдарё ва бошқа водийлар), қулай – конус ёйилмалари ва дарё дельталарининг бош қисмлари, кам қулай – конус ёйилмалари ва дарё дельталарининг ўрта қисмлари, қуйи террасалар, қулай эмас – дельталарнинг этак қисмлари, пролювиал текисликларнинг қуйи ёки чекка жойлари, адирлар, плато ва баландликлар киради.

Тоғларда агротуризмда фойдаланиш жуда қулай бўлган баланд-лик геомажмуаларига тоғ олди текисликлари, адирлар, адир олди текисликлари (500 м дан 600–700 м гача), қулай геомажмуаларга паст тоғлар, адирлар (500 м дан 1200 м гача), кам қулайга ўртача баланд тоғлар (ўрмон–ўтлоқ–дашт минтақаси, 1200 м дан 2000 м гача), қулай эмасга баланд тоғларни (субальп ва альп ўтлоқлари минтақаси, 2000 ва ундан юқори баландликдан бошланиб қор чизигигача) киритиш мумкин.

Агротуристик мақсадда текислик табиат комплексларини баҳолаш мезонлари

Т/р	Қулай-лик даражаси	Рельеф		Ўтқизикларнинг литологик таркиби	Грунт сувларининг	
		тури	морфометрияси		чуқурлиги, м	минераллашуви г/л
1	2	3	4	5	6	7
1.	Жуда қулай	Тоғ олди пролювиал текислик, юқори аллювиал терраса	Қияроқ	Лёсс ва лёссимон ўтқизиклар ва дағал жинслар	20-100	≤ 3
2.	Қулай	Конус ёйилмалари ва дарё дельталарининг бош қисми	Тўлқинсимон	Лёссимон ўтқизиклар, қум ва баъзан шағал, улар остида дағал жинслар	10-15 ва ундан паст	$\geq 3-10$
3.	Кам қулай	Конус ёйилмалари ва дарё дельталарининг ўрта қисмлари, қуйи террасалар	Қия	Қумоқ, қумлоқ ўтқизиклари қум қатламлари билан аралаш	5-10	5-10 ва 10-30
4.	Қулай эмас	Конус ёйилмалари ва дарё дельталарининг этак қисмлари, қирлар, платолар	Ясси, қия, тўлқинсимон ботик	Оғир механик таркибли ўтқизиклар (гил, оғир қумлоқ) шағал аралаш жипслашган қумлоқ	3-5 ва ундан паст	$\geq 10-30$

2.3.2-жадвалнинг давоми

Тупроқ		Ўсимлик қоплами зичлиги, % ҳисобида	Агроландшафт- ларнинг маданийлашти- рилганлиги	Табиий жараёнлар ва ҳодисалар	Инфратузилма	Агротуризм- да фойдаланиш имконияти
типи	шўрланиши ва эрозияланиши					
8	9	10	11	12	13	14
Типик ва оч тусли бўз	Қисман шўрланган ва кам ювилган	Маданий ўсимликлар 90-100	Юқори (суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик)	Эрозия, суффозия, шўрланиш	Автомобиль ва темир йўл, меҳмонхона ва дам олиш уйлари	Йил бўйи қисқа ва узоқ муддатли сайёҳлик
Типик ва оч тусли бўз, қумли чўл, тақирли	Турли даражада шўрланган, ювилган ва дефляцияланган	Маданий ўсимликлар 60-80	Ўртача (суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик)	Эрозия, дефляция, суффозия ва шўрланиш	Автомобиль йўллари ва дам олиш уйлари	Баҳор, ёз ва кузда қисқа ва узоқ муддатли сайёҳлик
Оч тусли бўз, қумли чўл, тақирли	Турли даражада шўрланган ва дефляцияланган	Юлғун, боя- лиш, каурек, шўралар, 30-50	Ўртадан паст (қисман суғорма деҳқончилик ва мавсумий яйлов)	Дефляция ва шўрланиш	Автомобиль йўллари	Баҳор ва ёзда қисқа муддатли сайёҳлик
Оч тусли бўз, ўтлоқи ва тақирли, шўрхоқ	Кучли шўрланган ва дефляцияланган	Эфемер, жузғун, шувоқзор 10-20	Паст (баҳорги ййлов)	Дефляция, қум кўчиши	Махсус қопланмаган автомобиль йўллари	Баҳорда қисқа муддатли сайёҳлик

Агротуристик мақсадда табиат комплексларини баҳолаш мезонлари
(тоғ олди ва тоғли ҳудудлар учун)

Т/р	Қулай-лик даражаси	Рельеф			Ер усти сувлари	
		тури ва абсолют баландлиги	қиялиги	ётқизикларнинг литологик таркиби	Дарёларнинг тўйиниш манбаи	Қўл ва сув омборлари
1	2	3	4	6	7	8
1	Жуда қулай	Тоғ ва адир олди текисликлар, адирлар (500 м – 600-700 м)	Ўртача	Лёсс ва лёссимон қумоқ, тош аралаш талқон тупроқли эллювий, деллювий ва пролювий	Ёмғир, булоқ, сизот	Мавжуд
2	Қулай	Паст тоғлар ва адирлар (500 – 1200 м)	Ўртадан юқори	Лёссимон қумоқ, эллювиал–деллювиал тош аралаш талқон тупроқли ётқизиклар	Қор, ёмғир, булоқ	Мавжуд
3	Кам қулай	Ўртача баландликдаги тоғлар (1200 – 2000 м)	Жуда қия ва тик ён бағирлар	Кристалл тоғ жинслар ва локал лёссимон жинслар	Қор, ёмғир, булоқ	Мавжуд
4	Қулай эмас	Баланд тоғлар (2000 м дан юқори)	Жуда қия, баъзан тик ён бағирлар	Аксарият ҳолларда очилиб қолган кристалл тоғ жинслар	Қор, музлар булоқ	Мавжуд эмас

2.3.3-жадвалнинг давоми

Тупрок		Ўсимлик қопламининг зичлиги, % ҳисобида	Агроландшафт- ларнинг маданийлашти- рилганлиги	Табиий жараёнлар ва ходисалар	Инфратузилма	Агротуризмда фойдаланиш имконияти
типи	шўрланганлиги ва эрозия- ланганлиги					
9	10	11	12	13	14	15
Оч тусли бўз	Локал шўрланган ва эрозияланган	Буталар, бир ва кўп йиллик ўтлар, 30-90	Юқори (қисман лалмикор, асосан суғорма деҳқончилик ва чорвачилик)	Сурилма, эрозия, суффозия, шўрланиш	Автомобиль ва темир йўллар, меҳмонхона ва дам олиш уйлари	Йил давомида қисқа ва узоқ муддатли сайёҳлик
Типик ва тўқ тусли бўз	Турли даражада ювилган, локал шўрланган ва дефляцияланган	Бута ва ярим бутали гуруҳ- лар, эфемер- лар, 40-50	Ўртача (яйлов, лалмикор ва қисман суғорма деҳқончилик)	Сел, сурилма, эрозия	Автомобиль йўллари, дам олиш уйлари ва оромгоҳлар	Баҳор, ёз ва кузда қисқа ва узоқ муддатли сайёҳлик
Тоғ жигар- ранг	Эрозияга учраган, ўрта ва кучли ювилган	Арчазор, бута- лар, тоғ ксеро- фитлари, 0-40, баъзан 50	Ўртадан паст (баҳорги, ёзги, кузги яйловлар ва тоғ боғдорчилиги)	Тош қулаши, қор кўчкиси, сурилма, сел ва эрозия	Турли даражада қопланган автомо- биль йўллари, дам олиш уйлари	Баҳор ва ёзда қисқа муддатли сайёҳлик
Оч ва тўқ жигар- ранг ва кўнғир	Ювилган, эрозияга учраган	Сийрак бута, бутачалар, 0-30	Паст (ёзги яйлов)	Тош қулаши, қор кўчкиси, тош қуруми, сурилма, сел ва эрозия	Сўқмоқлар	Ёзда қисқа муддатли сайёҳлик

2.4. Ўзбекистоннинг агротуристик районлари

Районлаштириш география фанларида кенг қўлланиладиган ҳудудий тизимларни тартибга солиш ва тизимлаштиришнинг универсал методи ҳисобланади. У кўплаб географик муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Географиянинг турли соҳаларида районлаштириш муаммолари билан турли йилларда Н.А.Гвоздецкий, В.И.Прокаев, Ф.Н.Мильков, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, П.Баратов, И.В.Зорин, Ш.С.Зокиров, И.Мўминов, А.А.Соатов, А.Солиев, Р.Маҳмадалиев, Т.Джумаев, И.А.Ҳасанов, А.Н.Нигматов, Н.Шомуратова ва бошқалар тадқиқотлар ўтказганлар.

Мазкур районлаштириш йўналишлари бўйича олинган натижалардан Ўзбекистоннинг агротуристик салоҳияти ва имкониятларини баҳолаш асосида амалга оширган районлаштириш схемаларини аниқлашда биз фойдаландик. Айниқса, агротуристик салоҳиятни аниқлаш ва табиий географик районлаштиришда ажратилган ландшафт мажмуаларининг ҳудудий фарқларини ҳисобга олиш алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

Район сўзи француз тилида «гауон» – «жой», «ҳудуд» деган маънони англатади. Районлаштириш эса, муайян маъмурий ёки табиий ҳудудни турли мақсадларда, унинг маълум бир кўрсаткичларига биноан таксономик бирликларга ажратиш ва номлашдир. Районлаштиришда муайян маъмурий ва табиий ҳудуд таксономик бирликларга мувофиқ равишда, яъни тизимлашган иерархик поғоналар асосидаги ареаллардан иборат бўлади. Районлаштириш икки жараёни – ривожланиш ва шаклланиш ҳамда мазкур районларни аниқлашни қамраб олади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, агротуристик районлаштириш бўйича ҳозирга қадар Ўзбекистонда махсус тадқиқотлар ўтказилмаган. Шу сабабдан биз туризм бўйича умумий районлаштириш ва унинг баъзи йўналишлари бўйича амалга оширилган тадқиқотларни таҳлил қилдик. Масалан, Е.А.Котляров (1978) рекреацион районлаштиришни амалга оширишда ҳудуднинг ихтисослашувини ифодаловчи курорт–соғломлаштирувчи

хўжаликларнинг ривожланиши, мазкур ҳудудда жойлашган ишлаб чиқариш тармоқларининг курорт–туристик–соғломлаштириш хўжаликлари билан ўзаро алоқаларини, курорт–туристик–соғломлаштириш хўжалигида аҳолининг иш билан бандлиги каби кўрсаткичларни асос қилиб олган. Бунда муаллиф тўрт поғонали таксономик тизим бирликларидан фойдаланган: республика (ўлка, область), район, рекреацион жой, рекреацион микрорайон. Ю.С.Путрик ва В.В.Свешников (1986) туристик районлаштиришда ҳудудни зона ва районларга ажратган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини экотуристтик районларга ажратиш бўйича А.Н.Нигматов ва Н.Т.Шомуратова (2007) тадқиқотлар олиб борганлар. Ўзбекистон ҳудудини экотуризм нуқтаи назардан районлаштириш экотуризм ресурсларининг мавжудлиги ва экотуристтик имкониятининг даражасига кўра амалга оширилган.

Ўзбекистонда Табиатни муҳофаза қилиш (Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси) давлат қўмитаси (2006) қатор илмий-тадқиқот институтлари ва мутахассисларни жалб этиш асосида экологик вазиятни баҳолаш бўйича республика ҳудудини экологик районлаштиришни амалга оширган. Мамлакатимизда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳудудларида экологик вазият бўйича 4 та экологик зоналар ажратилган: нормал, қалтис, фавқулодда, экологик офат. Бунда энг кичик таксономик бирлик сифатида туман ва шаҳарлар асос қилиб олинган. Ҳар бир таксоннинг экологик вазияти 18 та индикатор бўйича баҳоланган ва шу асосда умумий баллар ҳисоблаб чиқилган. 400 баллдан ортиқ кўрсаткичли ҳудудлар фавқулодда танг, 250-400 – кучли танг, 150-250 – ўртача танг, 120-150 – суст танг, 120 кам бўлса нормал экологик вазият зонасига киритилган. Мазкур районлаштириш натижаларидан агротуристтик районлаштириш ишларини олиб боришда ва уларни тегишли баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Агротуристтик районлаштириш хилма-хил омилларни (табиий, иқтисодий, экологик, ижтимоий, маъмурий, ҳуқуқий) ҳисобга олишни талаб қилади. Бундай районлаштириш турли ҳудудларда

мавжуд салоҳият ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва уларда агротуризмни мақсадга мувофиқ ташкил этишни назарда тутати. Худудларнинг агротуристтик салоҳиятини баҳолаш асосида турли хусусиятларга эга бўлган районлар тизими ажратилади.

Районлаштиришда табиий, антропоген ва табиий–антропоген ҳудудий комплекслар асос қилиб олинади. Мавжуд ландшафт карталари эса ахборот базаси вазифасини бажаради. Булар чекловчи ёки фаол кўрсаткичларга эга бўлган табиат компонентлари ва объектларини аниқлашга имкон беради.

Агротуристтик районлаштиришда худудларнинг туристларни ўзига жалб этадиган қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга:

1) ландшафтларнинг, шу жумладан агроландшафтларнинг турлитуманлиги ва такрорланиш даражаси;

2) агротуристтик ресурсларнинг жозибадорлиги, ноёблиги, даромад олиш имкониятлари;

3) маданий, аграр, этнографик қадриятлар (тарихий-меъморий ёдгорликлар, аграр ва хунармандчилик марказлари, этнографик ўзига хос манзиллар мавжудлиги ва бошқалар);

4) агротуризмда оммавий ва индивидуал фойдаланиладиган агроландшафт объектларининг мавжудлиги ҳамда уларнинг агротуристларнинг кўнгилли дам олишларига мослаштирилганлиги ва қулайлиги.

Умуман олганда, худудлардан агротуристтик мақсадларда фойдаланишнинг ҳудудий имкониятлари агроландшафтларнинг тизимли ташкил этилиши, уларнинг ички тузилмаси, ташқи алоқалари билан белгиланади. Бунда турли шароит ва омилларнинг агротуризм нуктаи назаридан кучли (фаол), чекловчи (ноқулай), оралик (омиллар, шароитлар тенглиги, альтернативлиги) жиҳатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш районлаштиришни ва ресурсларни баҳолашни илмий асосда амалга оширишга имкон беради. Лекин кучли (фаол) омиллар занжири қанча кўп бўлмасин, аграда битта чекловчи (ноқулай) бўғин мавжуд бўлса, унинг салбий таъсирига бардош бера олмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабдан

агротуристтик районлаштиришни айнан чекловларни ҳисобга олишдан бошлаш керак. Бундай чекловларга экологик ва санитар-гигиеник талаблар мисол бўла олади.

Юқорида баён қилинган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ***агротуристтик районларга ажратишни қуйидаги принципларга*** асосланиб амалга ошириш лозим:

1. *Маданийлаштирилганлик.* Геомажмуаларнинг антропоген ўзлаштирилганлик (к) даражасининг устуворлиги. Агротуризмни ҳудудий ташкил этишда бу принцип муҳим аҳамиятга эга. Зеро маданий ландшафтлар инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш мақсадида табиатни қишлоқ хўжалиги мақсадида ўзлаштирган агроландшафлардир. Маданий ландшафт табиий шароити ва ресурслари ўхшаш бўлган ҳамда кўп йиллар давомида хўжаликнинг маълум бир тармоғида (масалан, қишлоқ хўжалигида) фойдаланилаётган ҳудуддан ташкил топади. Уларнинг асосий хусусиятлари тупроқ унумдорлиги ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичилари билан баҳоланади.

2. *Комплекслилик*, яъни агротуризмни бошқа туризм турлари билан қўшиб олиб бориш зарурати. Агротуризмни тарихий, диний, маънавий-маърифий, экологик каби туризм турлари билан бирга қўшиб олиб бориш назарда тутилади. Районларни ажратишда агротуризмни бирор туризм билан бирга қўшиб олиб бориш унинг оммавийлиги ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Масалан, тарихий-археологик ёдгорликлар кўп бўлган ҳудудларда агротуризмни тарихий туризм билан, табиий ресурсларга бой ҳудудларда эса экологик туризм билан қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқ.

3. *Саёҳатбонлик.* Агротуристтик районларни аниқлашда агротуристтик ресурслар, яъни туристларни ўзига жалб қилувчи объектлар ва улардан фойдаланиш имкониятларнинг мавжудлиги ҳар томонлама ҳисобга олинади.

4. *Сервис ва хизматбонлик.* Ҳудуднинг агротуристтик имкониятларидан фойдаланишни оқилона ташкил этишда

агротуристларни қабул қилиш, жойлаштириш, дам олишни ташкил этиш ва уларнинг турли эҳтиёжларини таъминлашда тегишли сервис ва хизматларни кўрсатишнинг мавжудлиги асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

5. *Ноанъанавийлик.* Агротуризм объекти ва предметиға тегишли жойларнинг ўзига хослиги. Қишлоқ ҳаёти, турмуш тарзи, маросимлари, байрамлари ва тантаналари ҳудудларнинг ўзига хослигини белгилайди ва улар агротуристик районлар салоҳиятининг таркибий қисми сифатида туристларни жалб этувчи омилға айланади.

Агротуристик районларни ажратишда қуйидаги хусусиятлар ва кўрсаткичлар асос қилиб олинади:

✓ ҳар бир районнинг ўзига хос агротуристик салоҳияти ва имкониятлари;

✓ районлар чегарасининг баъзи ҳолатларда мавжуд маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларига мос келмаслиги ва бунда туманлараро чегаралардаги ҳудудларда ландшафт хусусиятлари асос қилиб олиниши (ички транзит агротуризми);

✓ ҳудудларнинг ўзига хос агротуристик объектларининг мавжудлиги ва уларнинг агротуристик ихтисослашишға таъсири;

✓ агротуризмнинг маҳаллий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ихтисослашувига мос келиши;

✓ ҳудудларнинг эстетик (гўзаллик, нафосат) хоссалари (диққатға сазовор объектлар, пейзажлар (манзаралар) ва уларнинг кузатишға қулайлиги кабилар);

✓ агротуристик маршрутларни бошқа туристик маршрутлар билан бирға олиб бориш имкониятларининг мавжудлиги ва ҳ.к.

Мазкур хусусият ва кўрсаткичлар агротуристик районларнинг туристик салоҳият ва имкониятларини баҳолашға имкон берувчи ахборотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш, ҳудудларнинг ўзига хос рекреация салоҳияти ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш йўналишларини аниқлаш ва агротуристик районлар чегараларини белгилашға имкон беради.

Агротуристик район – географик шароити ва табиий ресурслари, агроландшафтларнинг ўзига хос агротуристик салоҳият

ва имкониятларга эга бўлган, улардан фойдаланиш йўналишлари билан бошқа районлардан сезирарли тарзда фарқ қиладиган ҳудудлар. Агротуристтик кичик районлар эса агротуристтик районлар таркибида ажратилади ва улар мазкур район миқёсида агротуризм ихтисослашишининг айрим жиҳатлари билан бошқа ҳудудлардан фарқ қилади.

Агротуристтик районлар бир-биридан агротуристтик ҳолат, салоҳият, имконият ва ривожланиш истиқболлари жиҳатидан сезиларли фарқ қилади. Юқоридаги кўрсаткич ва хусусиятлар асосида олиб борилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон ҳудудида 15 та, яъни Устюрт, Оролбўйи, Қуйи Амударё, Қизилқум, Қуйи Зарафшон, Ўрта Зарафшон, Нурота, Қашқадарё, Ҳисор-Зарафшон, Бойсун-Боботоғ, Сурхон-Шеробод, Мирзачўл, Чирчиқ-Оҳангарон, Ғарбий Тянь-Шань, Фарғона агротуристтик районлари ажратилди. Фарғона агротуристтик райони таркибида 6 та кичик районларни ажратдик (4.2.1-расм). Ҳар бир агротуристтик район ўзига хос агротуристтик ресурслари салоҳияти ва имкониятига эгаллиги, агротуризмни шакллантириш ва ривожлантириш учун шарт-шароитларининг мавжудлиги, қишлоқ хўжалигининг ихтисослашуви билан ажралиб туради (4.2.1-жадвал).

Тўпланган мавжуд маълумотларни умумлаштириш асосида Ўзбекистоннинг геомажмуалари ва агротуристтик районларининг 1:1000000 масштабдаги картаси тузилди. Ушбу карта турли маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш ҳамда уларни картада тасвирлаш асосида яратилди. Карта макети ва электрон версиясини яратиш ҳамда уларни синовдан ўтказиш амалга оширилди. Мазкур картадан республикамиз ҳудудида жойлашган агротуристтик объектларга бориш ва томоша қилиш бўйича сайёҳлик маршрутларини ташкил этишда, шунингдек, ўқув муассасалари, туристик ташкилотлар ва фирмалар, меҳмонхоналар ва сайёҳлар ўз фаолияти ҳамда қизиқишлари йўналишида, агротуристтик салоҳият ва имкониятларини реклама қилишда фойдаланиш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАБИИЙ ГЕОМАЖМУАЛАРИ ВА АГРОТУРИСТИК РАЙОНЛАРИ КАРТАСИ



4.2.1-расм. Ўзбекистон Республикасининг табиий геомажмуалари ва агротуристик раёнлари картаси

Ўзбекистон Республикасининг агротуристтик районлари

Т/р	Агротуристтик районнинг	
	номи	тавсифи
1	2	3
1	Устюрт	Устюрт Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида жойлашиб, шимолда ва ғарбда Қозоғистон ҳамда жанубда Туркменистон республикалари билан чегараланган. Унинг шарқида Қуйи Амударё ва Оролбўйи агротуристтик районлари билан туташган. Мазкур арид-денудацион платонинг абсолют баландлиги 200-300 м. Районнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, унинг деярли ҳамма томони чинклар билан тугалланади. Унда учта ботиқ ва иккита баландлик мавжуд. Район иқлими кескин континентал, атмосфера ҳаво ҳароратининг пастлиги, қишнинг узоқ давом этишидадир. Қиши совуқ, январнинг ўртача ҳарорати -110°C, -12°C. Июлнинг ўртача ҳарорати $+26,8^{\circ}\text{C}$, $+28,5^{\circ}\text{C}$. Йиллик ўртача ёғин миқдори 100-122 мм. Районни қишлоқ хўжалиги нуқтаи назардан йиллик самарали ҳарорат йиғинидисига кўра унинг шимолидан жанубига томон шартли равишда 3 та зонага ажратиш мумкин: «узумчилик» (илиқ – 3500°C), «ўрта пишар маккажўхори» (жуда илиқ – $3500-4000^{\circ}\text{C}$), «тез пишар ва жуда тез пишар пахта» (мўътадил иссиқ – $4000-4500^{\circ}\text{C}$). Устюртда оқар сувлар йўқ, лекин ер ости сувлари мавжуд ва уларнинг аксарияти шўр. Ер ости сувлари яйловларни сув билан таъминлашга етади. Устюртда зич чўкинди жинслар устида унча қалин бўлмаган сур-қўнғир, қадимги қўл ётқизикларда тақир тупроқлар тарқалган. Сур-қўнғир тупроқларда чиринди миқдори 0,3-0,8% дан ошмайди, гипс ва сувда тез эрувчан тузлар кўп. Ўсимлик дунёси жуда сийрак. Сур тупроқларда шувоқ, боялич-шувоқлилар, тақирли тупроқлар, тақирлар ва шўрхоқларда эса бир йиллик шўралар, қора саксовуллар ва юлғунли ўсимлик гуруҳлари учрайди. Қишлоқ хўжалиги чорвачиликка (асосан қорақўлчилик ва туячилик) ихтисослашган. Чорва моллари учун ем-хашак заҳираси етарли ва суғориб экин экишга яроқли ерлар мавжуд. Ҳозирги кунда Устюрт яйловларидан чўл-ййлов чорвачилигида йил давомида фойдаланилмоқда. Автомобиль ва темир йўллар ўтган. Кемпинг ва меҳмонхоналар мавжуд эмас. Агротурларни археологик, экстремал, нозо ва экологик туризм турлари билан қўшиб олиб бориш мумкин. Зеро районда 12 та

		архелогик ёдгорликлар, бепаён текисликлар, ўзига хос чинклар ва даволаш хусусиятига эга юўлган тузконлар мавжуд.
2	О р о л б ў й и	Район шимолда Қозоғистон, ғарбда Устюрт, жанубда Қуйи Амударё ва шарқда Қизилқум агротуристтик районлари билан чегараланади. Орол денгизининг қуриган қисмида шўрхок, қумоқ, қум ва гилдан иборат замонвий ётқизиклари тарқалган. Район қиши совуқ, ёзи иссиқ. Орол денгизи сатҳининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда Оролбўйи ҳудудида ўзига хос янги ландшафтлар вужудга келмоқда. Ҳудуддаги аллювиал текисликлар Амударё олиб келган ётқизиклардир. Орол денгизидан бўшаган ерлар майдони 5,5 млн. га. Йиллик ўртача ҳаво ҳароратининг ва буғланишнинг нисбатан юқорилиги, йиллик ёғин миқдорининг 100 мм атрофида ёғиши тупроқ намлигининг камайиб, таркибида туз миқдори кўпайиши ва шўрхокларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Кучли шамол эрозияси (дефляция) жараёнини эол рельеф шакллариининг таркиб топишига шароит туғдиради. Денгиз Ер пўстининг ботиғида вужудга келган. Денгиз биомахсулдор сув ҳавзаси сифатида ўз аҳамиятини йўқотган. Шўрхоклар ва шўр тупроқларда сийрак бир йиллик шўралар ўсади. Районда ердан фойдаланиш коэффиценти паст ва ерларнинг шўрланишига қарши тадбирларни қўллаш зарур. Автомобиль ва темир йўллар билан таъминланмаган, кемпинг ва меҳмонхоналар етарли даражада мавжуд эмас.
3	Қ у й и А м у д а р ё	Район ғарбда Устюрт, шимолда Оролбўйи агротуристтик районлари, жанубда Унгизорти Қорақум, шарқда Қизилқум ва Султонвайс тоғлари билан чегараланади. Қиши нисбатан совуқ, январь ойининг кўп йиллик ўртача ҳарорати $-4,5^{\circ}\text{C}$, $-7,6^{\circ}\text{C}$, ёзи иссиқ, қуруқ, июль ойининг ўртача ҳарорати $+26^{\circ}\text{C}$, жанубида $+27^{\circ}\text{C}$, чўл қисмида $+29^{\circ}\text{C}$ атрофида ўзгаради. Йиллик ёғин миқдори 79-108 мм ни ташкил этади ва асосан қиш ҳамда баҳор ойларида ёғади. Қолдиқ тоғларда ва Ақчадарё дельтасида қумоқ, оч тусли кўнғир, дельтанинг чеккаларида эса тақир, тақирсимон тупроқлар ҳамда қолдиқ шўрхоклар тарқалган. Сизот сувлари ер юзига яқин бўлган жойларда ўтлоқ, ўтлоқ-тақир, ботқоқ-ўтлоқ тупроқлар ва шўрхокларнинг барча турлари учрайди. Суғориладиган ўтлоқ тупроқлар Амударёнинг қадимий дельтаси ҳамда ҳозирги дельтасининг қуйи қисми атрофларида тарқалган. Қуйи Амударёда асосан тўқай, галофит ва псаммофит ўсимлик турлари кенг тарқалган. Район ҳудуди жуда ҳам қурғоқчил бўлганлигидан

		фақат суғорма деҳқончилик билан шуғулланиш мумкин. Худуддан оқиб ўтадиган Кўнғирот-Мўйноқ, Кегайли ва бошқа каналлар суғорма деҳқончиликда муҳим роль ўйнайди. Районда пахтачилик, шoliчилик ва ғаллачилик етакчи ўринни эгаллайди. Полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик, пиллачилик тармоқлар ҳам ривожланган. Ҳозирги кунда ондатра ва балиқларни кўпайтиришга ихтисослашган хўжаликлар қайта ташкил этилмоқда. Бу сайёҳларни ўзига тортувчи кўплаб агротуристлик объектлари мавжудлигидан далолат беради. Хоразмдаги архитектура ёдгорликлари тарихий туризм марказларидан бири бўлиб, ўзига хос бой тарихий-этнографик меросга эга. Шу сабабли агротурларни тарихий турлар билан комплекс олиб бориш тавсия этилади. Район инфратузилмаси ривожланган, автомобиль ва темир йўлларида фойдаланиш яхши йўлга қўйилган, туристларни қабул қилиш учун меҳмонхоналар мавжуд.
4	Қ и з и л қ у м	Район Амударё билан Сирдарё оралиғидаги Қизилқум чўлининг жануби-шарқий, марказий ва ғарбий қисмларини эгаллаган. Ер юзаси тузилиши жиҳатидан жануби-шарқдан шимоли-ғарбга қараб пасайиб боради. Унинг ўртача мутлақ баландлиги 200-300 м, жануби-шарқда 350-400 м, шимоли-ғарбда эса 100 м ни ташкил этади. Рельефнинг асосий шакллари эол қумликлар, паст тоғлар атрофидаги пролювиал шлейфлар, платолар, оқимсиз ботиклар ва қадимги дарё ўзанларидир. Қизилқум районининг иқлими жуда қуруқ, доимий оқар сувлар мавжуд эмас. Лекин район ҳудуди ер ости сувларига анча бой. Ер ости сувларидан чорвачиликда фойдаланилади. Қизилқум райони иқлими атрофидаги воҳалар иқлимидан бироз кескинлиги билан фарқ қилади. Қишда ҳаво ҳарорати анча паст, январь ойининг кўп йиллик ўртача ҳарорати $+4,1^{\circ}\text{C}$, $-7,8^{\circ}\text{C}$. Ёзи иссиқ, июль ойининг ўртача ҳарорати $+30^{\circ}\text{C}$, $+31^{\circ}\text{C}$. Йиллик ёғин миқдори 70-108 мм ни ташкил этади. Жуда катта майдонни эгаллаган қумликларда чўл қумли тупроқ, қолдиқ тоғ этакларида оч тусли кўнғир тупроқ, ботикларда тақирли тупроқ, тақир ва шўрхоқлар тарқалган. Бу тупроқлар унумдорлиги паст, чиринди миқдори 0,4-0,5% дан ошмайди. Район қумликлардан иборат бўлсада, лекин ўзига хос ўсимлик турлари билан қопланган. Худудда ксероФит, псаммофит, эфемерлар ҳамда тўқай ва чўл ландшафтига хос бўлган ўсимлик ва ҳайвон турлари учрайди. Қизилқум аҳолиси, асосан чорвачилик (туячилик ва қорақўлчилик) билан шуғулланади. Ўзига хос қадимий

		анъаналарга эга. Районга ташриф буюрган сайёҳлар маҳаллий аҳоли овулларида дам олиб, маҳаллий удумлар, анъаналар билан танишишлари, туяларда сайр қилишлари мумкин. Агротуристтик маршрутларда агротурлар билан экотурларни қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқ. Худуднинг транспорт йўллар ҳолати ўртача даражада.
5	Қ у й и З а р а ф ш и о н	Зарафшон дарёсининг қуйи қисмини қамраб олган мазкур район шарқда Ўрта Зарафшон агротуристтик районида 2-4 км келадиган Хазар йўлаги орқали ажралиб туради. Унинг иқлими ўта қурғоқчил, киши жуда қисқа ва беқарор, январь ойининг ўртача ҳарорати -2°C дан $+1^{\circ}\text{C}$. Ёзи серқуёш, жазирама, июль ойининг ўртача ҳаво ҳарорати $+29,5^{\circ}\text{C}$, $+36^{\circ}\text{C}$. Йиллик ёғин миқдори 95-125 мм атрофида. Республиканинг текислик районлари ичида у термик ресурсларга бойлиги билан ажралиб туради. Район ўрта пишар пахта етиштириладиган минтақа ҳисобланади. Районнинг асосий сув манбаи – Зарафшон ва Амударё дарёлари. Қуйи Зарафшонга суғориш мақсадлари учун узунлиги 55 км келадиган Аму-Қорақўл ва 268 км ли Аму-Бухоро каналлари орқали Амударё суви келтирилган. Унда оч тусли қўнғир, қумлоқ, тақир, шўрхоқ, ўтлоқ-тақир, суғориладиган ўтлоқ, ўтлоқ-аллювиал, ўтлоқ ва ботқоқ тупроқлар кўп тарқалган. Районнинг қумли ерларида псаммофит ўсимлик турлари, гипсли чўлларида сингрэн, партек, шувоқ, боялич, каррак каби гуруҳлар, шўрхоқ жойларда сарсазан, жингил, ермак, ажриқ кабилар ўсади. Зарафшон дарёсининг қайири, қуруқ ўзанлари ва қўллар атрофидаги тўқайларда туронғил, жийда, тол, қамиш, жингил, янтоқ каби ўсимликлар тарқалган. Унинг ҳайвонот дунёси чўлга хос бўлиб, узоқ вақт давом этадиган жазирама иссиқ ёзга, қуруқ иқлимга мослашган. Қуйи Зарафшон Ўзбекистоннинг анъанавий обикор деҳқончилик ва маданият ниҳоятда ривожланган ўлкаларидан бири бўлиб, бу ердан қадимий «Буюк Ипак йўли» ўтган. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари – пахтачилик, ғаллачилик, шунингдек, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан ҳам шуғулланилади. Чорвачилиги кўп тармоқли, айниқса, Бухоро қорақўл қўйлари билан машҳур. Мамлакатда энг кўп қорақўл тери шу худудда тайёрланади. Бухоро “Жайрон” экологик маркази, Варданзе давлат табиат ёдгорлиги, Денгизқўл, Қорақир буюртмалари мавжуд. Агротуризмни тарихий, диний ҳамда экологик туризм билан олиб

		бориш мақсадга мувофиқ. Автомобиль ва темир йўллар билан таъминланган, кемпинг ва меҳмонхоналар мавжуд.
6	Ў р т а З а р а ф ш о н	Район Зарафшон водийсининг ўрта қисмини камраб олгани учун ҳам Ўрта Зарафшон деб номланади. Ушбу ҳудуд қадимдан ўзлаштирилган, агроландшафтлар, қишлоқ ва шаҳар селитеб ландшафтлари ривожланган, аҳоли зич жойлашган қисмидир. Район иқлими ўзига хос, қиш фаслида ҳарорат паст ва узоқ давом этади. Июль ойининг ўртача ҳарорати $+25^{\circ}\text{C}$, $+28^{\circ}\text{C}$ атрофида. Йиллик ёғин миқдори 300-400 мм. Мазкур районнинг шимолий қисмидаги 50 дан ортиқ сойларнинг барчасидан суғорма деҳқончиликда фойланилади. Дарё қайирларида гидроморф, адир ва тоғолди ҳудудларда бўз тупроқлар тарқалган. Ўсимлик дунёси хилма-хил бўлиб, тўқай ўсимликлари, эфемер-эфемероид ва буталардан иборат. Ўрта Зарафшон қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, унда мамлакатда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қарийб 1/10 қисми тайёрланади. Етакчи тармоқлар – пахтачилик, ғаллачиликдан ташқари боғдорчилик, узумчилик, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириш ривожланган. Район Ўзбекистонда узум етиштириш бўйича етакчи бўлиб ҳисобланади. Ургутда ўзига хос усуллар билан тайёрланадиган «соёки» майизи жуда машҳур. Зарафшон водийси хушманзара жойлар, тарихий ва диний кадамжойларга ниҳоятда бой. Шунинг учун ҳам мазкур районда агротуризмни туризмнинг деярли барча турлари билан комплекс тарзда олиб бориш имкониятига эга. Автомобиль ва темир йўллар билан таъминланган, кемпинг ва меҳмонхоналар мавжуд.
7	Н у р о т а	Агротуристтик райони таркибига Оқтоғ, Қоратоғ тизмалари ва уларнинг этаклари, Нурота ботиғи, Нурота тизмаси ва унинг жанубий ёнбағри киради. У асимметрик тузилган бўлиб, жанубий ёнбағри узун, кенг, Нурота чўкмасига аста-секин пасайиб тушади ҳамда параллел йўналган паст тоғларни ҳосил қилади. У ўз ичига Қўйтош-Нурота, Ғубдунтоғ, Қароқчитоғ, Оқтоғ ва Қоратоғларни ҳамда улар орасидаги Нурота, Қўшрабод-Қўйтош, Ғаллаорол ботиқларини олади. Район рельефи жиҳатидан бир хил эмас, ҳудуднинг мутлақ баландлиги 400-900 м дан 2000 м гача боради. Районда йирик дарёлар мавжуд эмаслиги туфайли суғориш манбаи тоғлардан оқиб тушадиган сойлар ва ер ости сувлардир. Район иқлими қишда ҳароратнинг пастлиги (январь ойининг ўртача ҳарорати -1°C), ёзининг иссиқ ва қуруқлиги (июль ойининг

		ўртача ҳарорати $+28^{\circ}\text{C}$) билан ажралиб туради. Районда жигарранг ва тўқ тусли бўз тупроқлар кенг тарқалган. Қишлоқ хўжалиги, асосан чорвачилик ва водийларда суғорма деҳқончиликка ихтисослашган. Катта майдонларни эгаллаган яйловлар ва экинзорлар ўзига хос табиат манзаралари ва тарихий архитектура ёдгорликлари бор. Нурота тоғ олдида жойлашган «Чашма булоғи» кўп асрлардан буён Нурота шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларни сув билан таъминлаш билан бир қаторда диний зиёратгоҳдир. Унда агротуризмни экологик, тарихий, диний туризм турлари билан умумлаштириб олиб бориш мақсадга мувофиқ. Сайёҳлар фермер хўжаликлари фаолияти билан танишишлари, ов, балиқ ови уюштириш орқали кўнгилли дам олишлари мумкин. Автомобиль ва темир йўллар билан таъминланган, кемпинг ва меҳмонхоналар мавжуд.
8	Қ а ш қ а д а р ё	Қарши ботиғини ўз ичига қамраб олган мазкур район ҳудудини шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон Қашқадарё кесиб ўтган. Дарёлар бўйида Ғузор-Қамаши ва Қарши воҳалари бунёд этилган. Ўтган асрнинг охириги чорагида Қарши чўлининг катта қисми Амударёдан Қарши магистрал канали орқали олиб келинган сув ҳисобига ўзлаштирилди. Иқлими қиши қисқа, илиқ (январь ойининг ўртача ҳарорати 0°C $-+2^{\circ}\text{C}$, баҳор эрта келиб, ёзи узоқ (июль ойининг ўртача ҳарорати $+28^{\circ}\text{C}$, $+29^{\circ}\text{C}$) давом этади. Бундай шароит районнинг айрим ҳудудларида ингичка толали пахта етиштириш ва бошқа иссиқсевар экинларни экиш учун имкон беради. Ёгин йил фасллари ва ҳудуд бўйича бир текис ёғмайди. Текисликларга жуда кам тушиб (190-200 мм), тоғ ёнбағирларига ва тоғларга кўп (550 мм) ёғади. Ички сувлари Қашқадарё ва унинг ирмоқларидан ҳамда Амударёдан насос орқали тортиб чиқарилган каналлардан иборат. 13 та сув омбори қурилган. Улардан бири сув сифими 1,5 млрд м^3 бўлган Таллимаржон сув омбори. Ер ости сувининг катта захираси бор, улардан халқ хўжалигида кенг фойдаланилади. Тупроқ қоплами, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси унинг рельефи, иқлими, ер ости сувларининг хусусияти ва тупроқларнинг она жинсига боғлиқ ҳолда турлича тарқалган. Районнинг ғарбий чўл текислик қисмини оч тусли кўнғир, тақирли, кумли тупроқлар, тоғ олди қия текисликлари, адирлар ва тоғ этакларини бўз тупроқлар эгаллаган. Дельта қисмида ер ости сувининг оқими яхши таъминланмагани оқибатида шўрланган ерлар майдони ортиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари – пахтачилик, узумчилик, полизчилик, сабзавотчилик, чорвачиликдан иборат.

		Чорвачилик хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Муборак, Усмон Юсупов, Нишон, Ғузор ва Баҳористон туманларидаги давлат наслчилик заводлари қорақўлчиликка ихтисослашган йирик хўжаликлардир. Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлар Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарларининг жойлашганлиги, Китоб шаҳрида Ер қутблари ҳаракатини ўрганувчи Улуғбек номидаги кенглик станцияси, «Китоб давлат геология қўриқхонаси», «Ҳисор» қўриқхонаси, «Муборак», «Сеченқўл» буюртмахоналари каби туристик объектлар агротуризмни экологик, тарихий ва диний туризм билан умумлаштириш орқали олиб бориш учун шароит яратади. Автомобиль ва темир йўллар билан таъминланган, кемпинг ва меҳмонхоналар мавжуд.
9	Х и с о р З а р а ф ш о н	Ҳисор ва Зарафшон тоғ тизмаларининг ғарбий ва жануби-ғарбий қисмини ўз ичига олган районда Ўзбекистоннинг энг баланд Ҳисор (Ҳазрати Султон чўққиси – 4643 м) тизмаси ва Қашқадарёнинг ирмоқларининг тор ва чуқур водийлари жойлашган. Районнинг мутлақ баландлиги 500-4500 м, айрим чўққилари 4600 м га етади. Район ёзи салқин, қисқа (ўртача ҳаво ҳарорати +27,5⁰С, +28,5⁰С), қиши совуқ ва сернам. У Ўзбекистонда энг кўп ёғин-сочин тушадиган ҳудудлардан ҳисобланади. Йиллик ёғин миқдори тоғларнинг қуйи қисмларида 200-400 мм, баландроқ қисмларида 400-1000 мм ни ташкил этади. Районда оқар ва ер ости сувлар мўл. Тўполондарё ва Қорадарё Ҳисор тоғларининг жанубий ёнбағирларидан бошланади ва уларнинг қўшилишидан Сурхондарё ҳосил бўлади. Ёмғир сувларини тўплаш ва суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида Тўполонг сув омбори қурилган. Районнинг 1200 м баландликларида типик ва сур бўз тупроқлар тарқалган. Яйловларда чорва боқилади. 1200-2500 м баландликлар орасида тоғ жигарранг, тоғ-ўрмон, тоғ-ўрмон-қўнғир тупроқлар арчазорлар билан қопланган. Тоғларнинг энг баланд қисмида (2500 м дан юқорида) субальп ва альп ўтлоқлари мавжуд, улардан ҲАЙДОВ чорвачилигида кенг фойдаланилади. Қишлоқ хўжаликнинг асосий тармоқлари чорвачилик, дон, ўрмон хўжаликлари, беда уруғчилиги, боғдорчилик ва узумчилик. Асаларичилик билан ҳам шуғулланилади. Кўп йиллик дарахтзорлар ва арчазорлар бор. Фермер хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади. Район ўзининг узоқ тарихи ва қадимий анъаналарга бойлиги учун ҳам агротуризмни тарихий, этнографик ва экологик туризм

		билан олиб бориш имкониятини беради.
10	Б о й с у н Б о б о т о ғ	Районни ғарбдан Сурхондарё, шимолдан Ҳисор, шарқдан Кофирнигон, жанубдан эса Амударё водийлари ўраб туради. Бу ерда мутлақ баландлик 1200-1500 м. Боботоғ ёнбағрида район чегараси 700-800 м мутлақ баландликдан то Кўхитангтоғга қадар 3000 м гача кўтарилиб боради. Январь ойининг ўртача ҳарорати +1⁰С, +2⁰С , июльники +28⁰С , +29⁰С атрофида. Йиллик ёғин миқдори 230 мм дан 450 мм гача тоғга томон ортиб боради. Тоғ ён бағирларида булоқлар, қиш ва баҳорда тўлиб оқиб, ёзда қуриб қоладиган сойлар бор. Сурхондарёга Сангардак ва Хўжайкон каби ирмоқлар қўшилади. Шерободдарё ҳам айнан ушбу ҳудуддан бошланади.. Жанубий Сурхон сув омбори ва бир нечта каналлар қурилган. Бу дарё ва канал сувлари суғорма деҳқончиликнинг ривожланиш омилидир. Оч тусли бўз ва жигарранг тоғ тупроқларида хилма-хил эфемер, эфемероидлар ўсади. 800-900 м баландликларда наъматак, зирк, бодом ав пистазорлар учрайди. Ундан баланд жойларда (Бешарча ва Заркоса тоғларида) арчазорлар мавжуд. Тоғ-яйлов чорвачилиги ривожланган, дунёга машҳур сур қорақўл териси олинадиган қорақўл қўйлари ҳам боқилади. Кофарнихон водийсида суғорма деҳқончилик ривожланган. Узумчилик, боғдорчилик, полиз маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар ташкил қилинган. Ҳудуд ўзининг гўзал табиат гўшалар ва дам олиш зоналарига бойлиги учун ҳам агротурларни экотурлар билан қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқ. Район автомобиль йўллари билан таъминланган ва тоғларда махсус транспортлардан фойдаланилади. Туристларни чорвадор фермер хўжаликлари ва маҳаллий аҳоли уйларида жойлаштириш учун шароитлар мавжуд.
11	С у р х о н Ш е р о б	Ўзбекистоннинг энг жанубий қисмидаги Шеробод–Сурхон водийсини қамраб олган мазкур районда баландлиги 270-550 м келадиган қия текисликлар кўп. Тоғлардан оқиб тушадиган дарёлар, сойлар текисликни парчалаб, ўнқир-чўнқир жарлар ҳосил қилган. Сурхондарёнинг ўнг қирғоғида кўплаб марзалар, жанубида эса қумликлар мавжуд. Йиллик ёғин миқдорининг камлиги (130-150 мм), кузининг куруқлиги, ёзининг куруқ ва жазирама иссиқлиги (июлда ҳавонинг ўртача ҳарорати +31,5⁰С, +32⁰С), қишининг юмшоқлиги ва илиқлиги (январь ойининг ўртача ҳарорати +3⁰С , +3,5⁰С), «афғон шамоли»нинг кўп ва кучли эсиши билан ажралиб туради.

	о д	Худудда тақирли ва қумли тупроқлар, шўрхоқлар кенг тарқалган. Амударё соҳиллирида эса ботқоқли ерлар учрайди. Қамиш ва тўқай ўсимликлари ўсувчи, ўтлоқ-ботқоқ, аллювиал тупроқли қайирлар ландшафти эфемерлар билан қопланган оч тусли бўз тупроқли, илоқи бутасимон псаммофитлар ўсувчи аллювиал текисликларнинг эол қум ландшафтларидан иборат. Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари: пахтачилик, боғдорчилик, токчилик, лимончилик, пиллачилик, чорвачилик ва бошқалар. Район иқлими субтропик зоналар иқлимига яқин бўлганлиги сабабли ингичка толали пахта, субтропик мевалар, эртаги сабзавот етиштиришга ихтисослашган. Сурхон–Шеробод чўлида янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига ингичка толали пахтачилик, экспорт йўналишидаги субтропик мевачилик ва эртаги сабзавотчилик ривож топган. Тоғ олди худудларида боғдорчилик, токчилик ва чорвачилик ривожланган. Хўжаликларида қорамол, қўй (қорақўл ва ҳисор зотли думбали қўйлар), эчки, йилки, парранда, қуён боқилади. Жаҳон мўйна ва тери аукционларида жуда қадрланадиган «Сурхон сури» қорақўл териси айнан шу районда тайёрланади. Йўллар билан таъминланган, меҳмонхоналар мавжуд. Агротурларни археологик, экологик ва этнографик турлар билан умумлаштириш мумкин.
12	М и р з а ч ў л	Район жануб томондан Нурота, Молғузар, Туркистон, шарқдан Мўғултоғ, Қурама тоғлари билан ўралган. Шарқдан Чирчиқ-Оҳангарон агротуристтик райони, шимол томондан район чегараси Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан бўлган давлат чегараси орқали ўтади. Мирзачўл агротуристтик райони қўшни Қизилқум агротуристтик районида ер юзасининг тузилиши, иқлими, серсувлиги, унумдор аллювиал ва бўз тупроқларнинг мавжудлиги билан фарқ қилади. Иқлими континентал, қиши совуқ (январь ойининг ўртача ҳарорати -2°C, -4°C), ёзи жуда иссиқ ва қурғоқчил (июль ойининг ўртача ҳарорати $+28,5^{\circ}\text{C}$, $+30^{\circ}\text{C}$). Ёғингарчилик йилига 200-300 мм. Вегетация даврида ҳарорат йиғиндиси $4300-5000^{\circ}\text{C}$ га етиб, пахта каби иссиқсевар ўсимликларнинг ўсиши учун имкон туғилади. Районда кучли шамоллар эсиб туради. Мирзачўл учун хос бўлган шамол Бекобод шамолидир. У Фарғона водийсидан «Хўжанд дарвозаси» орқали Мирзачўл текислиги томон эсади. Район худудидан Сангзор дарёси Туркистон тоғларидан бошланади ва унинг сувлари Жиззах воҳасини суғоришга сарфланади. Зоминсув қор-муз сувларидан тўйинади, шунинг учун у июнь ойида энг серсувдир. Дарё суви тўлиқ экинларни суғоришга сарфланади. Вақтинча оқар сойлар ва Жиззах,

		Чордара, Айдар-Арнасой каби сув омборлари мавжуд. Районининг чўл зонасига кирувчи текислик қисмида оч тусли бўз тупроқлар, ундан юқорида типик бўз тупроқлар тарқалган. Сирдарёнинг қайир ва терассаларини гидроморф тупроқлардан – қайир-аллювиал, ботқоқ-ўтлоқ, ботқоқ, бўз-ўтлоқлар ва шўрхоқлар эгаллаган. Ўзлаштирилмаган ерларда чўл ўсимликлари, жанубидаги тоғ ёнбағирларда писта, бодом, зирк ва бошқа буталар учрайди. Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағирида 1800-3000 м баландликда арчазорлар, ундан баландликда субальп ўтлоқлари ҳам учрайди. Ушбу ҳудуддаги Айдар-Арнасой кўллар тизимида балиқчилик хўжаликлари ташкил этилган. Қишлоқ хўжалигида пахта, ғалла, сабзавот, чорва маҳсулотлари, пилла етиштирилади. Боғдорчилик яхши ривожланган. Биргина Бахмалнинг мўътадил иқлими 20 дан ортиқ олма навини етиштириш имкониятини беради. Полиз маҳсулотларидан қовуннинг 30 дан ортиқ навлари етиштирилади. Фермер хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, шунингдек, йилқи боқилади. Транспорт йўллари билан таъминланган, меҳмонхоналар мавжуд. Районда Зомин миллий боғи, Зомин ва Нурота давлат кўриқхоналари ташкил этилган. Районнинг табиий шароити агротуризмни экотуризм билан қўшиб олиб бориш учун заминдир.
13	Ч и р ч и қ О ҳ а н г а р о н	Сирдарёнинг водийсининг ўрта қисми, Чирчиқ ҳамда Оҳангарон водийларининг қуйи қисмида жойлашган. Ғарбда Мирзачўл, жануби-шарқда Ғарбий Тяньшань агротуристтик районлари билан чегараланган мазкур районда ер юзаси турли геологик даврларда мураккаб геологик ва геоморфологик жараёнлар натижасида шаклланган. Унинг жанубий-ғарби текислик, шимолий-шарқи ва шарқи тоғли ҳудудлардан иборат. Чирчиқ-Оҳангарон ҳавзасининг ўзига хос хусусиятларидан бири ернинг орографик тузилиши билан боғлиқ бўлиб, тоғ тизмалари ва улар орасидаги дарё водийларининг шимоли-шарқдан жануби-ғарбга йўналганлиги ва шу йўналишда тизмаларнинг мутлақ баландликларини (4500-4000 дан 2000-1500 м гача) пасайиб боришидир. Район ҳудудида тектоник ҳаракатлар натижасида Чирчиқ, Оҳангарон водийлари ҳосил бўлган. Унинг энг жанубида Қурама тизмаси билан Сирдарё оралиғида Далварзин чўли жойлашган. Районда ёзги иссиқ узоқ давом этади (июль ойида ҳавонинг ўртача ҳарорат 26⁰С -27⁰С), қиши унча қаттиқ эмас (январь ойида ўртача ҳарорат -0,7⁰С). Ёғин микдори нотекис тақсимланган,

		ўртача 300-700 мм атрофида. Термик ресурслар суғориладиган ерларда пахтанинг ўрта пишар навларини етиштиришга имкон беради. Табиий намлик районнинг фақатгина юқори қисмидаги лалми ерларда донли экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлайди. Маданий ландшафтлар ҳудуднинг 70-80 фозини эгаллаган. Чирчиқ дарёси Сирдарёнинг энг серсув ирмоғи. Унинг суви текисликка чиққач, Заҳарик, Бўзсув, Қорасув, Шимолий Тошкент каби каналлар орқали таралади ва ерларни қадимдан суғоришда сарфланади. Оҳангарон дарёсининг тошқин сувларини тежаш мақсадида Турк (Оҳангарон), Туябўғиз, Чорвоқ, Хўжакент, Ғазалкент сув омборлари қурилган. Район ҳудудида кичик кўллар кўп, улардан деҳқончиликда кенг фойдаланилади. Районнинг тупроқ-ўсимлик қоплами жануби-ғарбий текислик қисмидан шимоли-шарқий тоғли қисмига қараб баландлик минтақаларини ҳосил қилади. Чирчиқ-Оҳангарон агротуристлик районида агротурларни деярли барча туризм турлари билан қўшиб олиб бориш имкониятини беради. Сервис ва зизмат кўрсатиш бўйича республикада етакчи ўринни эгаллайди.
14	Ғ а р б и й Т я н ь - Ш а н ь	Ғарбий Тянь-Шань жануби-ғарбга томон елпиғичсимон таралиб кетган Қоржонтов, Угом, Писком, Кўксув, Чатқол ва Қурама тоғ тизмаларидан иборат. Булар бир-биридан Писком, Чорвоқ, Юқори Чатқол, Чирчиқ тоғ оралиғи ботиклари орқали ажралган. Релъефининг ниҳоят даражада парчаланганлиги (ҳудуднинг 56% майдони релъефи кучли парчаланган тоғ ландшафтларидан иборат), ёғин миқдорининг ортиб бориши, Ғарбий Осиёга хос ҳайвон ва ўсимликларнинг кўп учраши билан ажралиб туради. Табиатида субтропикларга хос хусусиятлар мавжуд. Асосий дарёлари – Писком, Кўксув, Чатқол ва 20 та сойлар сувини Чорвоқ сув омборига қуяди. Район тоғлик ҳудуд бўлганлиги учун январь ойининг кўп йиллик ўртача ҳарорати паст (-2°C, -9°C), ёғин-сочиннинг кўп (900 мм гача), илиқ давр қисқа ва сернамлиги билан бошқа районлардан фарқ қилади. Тоғларнинг 600-800 м дан 1500 м гача баландлигида – тоғ олди текислик, 1500-2000 м – сийрак арчазор, ксерофил бутазор ва буғдойиқ-шувоқ-бетагали даштлар, 2000-3000 м – кенг баргли ўрмон, 3000-3500 м – субальп ўтлоқ, 4000-5000 м – нивал минтақа учрайди. Район ҳудудининг тоғли қисмларидан ёзги яйлов сифатида фойдаланилади ва ўрмон хўжаликлари ташкил этилган. Қишлоқ хўжалиги боғдорчилик, узумчилик, паррандачилик, чорвачиликка (йилқичилик, чўчқачилик, эчкичилик)

		ихтисослашган. Чорвоқ, Писком ҳудудларида табиий ёнғоқзорлар мавжуд. Район экотуристик ресурсларга нисбатан бойлиги билан ажралиб туради ва шунинг учун ҳам агротурларни экологик турлар билан қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир.
15	Ф а р ғ о н а	Мазкур районга тавсиф қуйида алоҳида боб қилиб берилган

Карта тўғри конусли проекцияда тузилди ва унинг компоновкаси ишлаб чиқилди. Унда давлат ва вилоят чегаралари, республиканинг энг чекка нуқталари координаталари кўрсатилди. Легенданинг жойи аниқланди. Картанинг мазмунини бойитадиган рангли суратлар берилди. Фойдаланилган картографик манбалар: географик асос тузилиб, умумгеографик картанинг баъзи элементлари, яъни сув объектлари, аҳоли пунктлари, алоқа йўллари (халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган темир ва автомобиль йўллар) тасвирланди. Карта агротуризмга оид маълумотларни умумлаштириш ва уларни картада тасвирлаш асосида тузилди. Ўзбекистоннинг табиий геомажмуалари, агротуристик районларини тасвирлаш картанинг асосий мазмунини ташкил этади. Агротуристик районлар ҳар хил рангларда тасвирланди, улар рақамларда кўрсатилди ва карта легендасида уларнинг номлари берилди. Шунингдек, картада табиий геомажмуалар ва агротуристик районларга қисқача тавсиф берилган. Методик жиҳатдан ажратилган районлар тизимида агротуристик объектларни ажратиш муҳим масаладир. Мазкур мақсадга маълум турдаги дам олишга имкон берадиган қатор белгиларга эга бўлган агроландшафт участкаларининг шароитлари ва ресурслари мос келади. Уларда агротуристик ихтисослашиш яққол кўриниб туради ва улар ўзига хос морфологик тузилишга эга. Бундай участкалар ҳудудларнинг туристик сифimini ҳисоблаш учун ҳам қулай. Шундай қилиб агроландшафт участкалари шундай табиий ва антропоген

комплексларки, улардан ҳудудий-туристик тизимларини баҳолашда «калит» сифатида фойдаланиш мумкин.

Агроландшафт участкалари турли районларнинг агротуристтик салоҳияти имкониятларини баҳолаш карталарини тузишда, турли дам олиш турларини танлаш ва уларни амалга ошириш учун қулай шароитлар мавжудлигини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Бунда микроиқлим, гидрологик ва биологик шароит, сув ва атмосфера ҳавосининг санитария-гигиеник ҳолати, сув манбаларининг чўмилишга қулайлиги (пляжлар мавжудлиги), ўрмон ва қишлоқ хўжалик ерлари хусусиятлари, ҳудуднинг ландшафт-эстетик жозибадорлиги, фермер хўжаликлари фаолияти каби кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Агроландшафт участкаларини агротуризм нуқтаи назардан баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилди:

- 1) ёзги ва қишки дам олишнинг барча турларига қулайлиги;
- 2) агротуризмнинг тоғ йўналишидаги қулай участкалар;
- 3) транзит агротуристтик маршрутлари ўтадиган участкалар;

агротуризмни ташкил этиш учун ноқулай участкалар. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ажратилган агротуристтик районлар ичида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида юқори самарадорлиги ва тарихан шаклланган ўзига хос анъана ва удумларга эга бўлган район – бу Фарғона водийсидир. Шунинг учун ҳам ушбу агротуристтик районни алоҳида таърифлашга, унинг сайёҳлик имкониятини баҳолашга ва келакжак истиқболини белгилашга ҳаракат қилинди.



3-боб. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ – МУСТАҚИЛ АГРОТУРИСТИК РАЙОН

3.1. Фарғона агротуристик райони – ўзига хос географик ҳудуд

Агротуризмнинг сайёҳлик кўрсаткичларининг барча жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган ҳудуд – Фарғона агротуристик райони. Бунинг сабаби мазкур районда:

✓ *биринчидан*, қишлоқ хўжалиги нуқтаи назардан, қадимдан миллий деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча тармоқлари ўзига хос равишда ривожланган;

✓ *иккинчидан*, табиий географик нуқтаи назардан, зонал ва азонал минтақаларнинг Ўзбекистонга хос бўлган деярли барча турлари учрайди;

✓ *учинчидан*, геоморфологик нуқтаи назардан, тоғ, типик адир, текислик каби барча рельеф кўринишлари намоён;

✓ *тўртинчидан*, сайёҳлик нуқтаи назардан, ҳеч қаерда қайтарилмайдиган маҳаллий анъана, удум, байрам ва одатлар ранг-баранг;

✓ *бешинчидан*, туристик жозибадорлик нуқтаи назардан, фақатгина шу ерга хос бўлган миллий ҳунармандчилик, нонвойлик, ва ошпазлик маҳоратига эга;

✓ *олтинчидан*, этнографик нуқтаи назардан, кескин контрастли этнографик ва демографик кўрсаткичлар мужассам;

✓ *еттинчидан*, тарихий ва диний нуқтаи назардан, қадимдан ривожланиб ва шаклланиб келинган тарихий обидалар ва диний зиёратгоҳлар жуда кўп;

✓ *саккизинчидан*, логистика нуқтаи назардан, автомобиль, темир ва ҳаво йўллари уризмни ривожлантириш учун етарли даражада ва ҳ.к.

Мазкур районни намуна сифатида комплекс тадқиқ этиш унинг натижаларидан истиқболда бошқа районларни ўрганишда методологик ва методик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Фарғона агротуристик районининг агротуризм салоҳияти ва имкониятларини баҳолашда ҳудуд табиати компонентлари – рельефи, иқлими, сувлари, тупроқ ва ўсимлик қоплами, ҳайвонот дунёси ва агроландшафтларининг агротуристик имкониятлари таҳлили асосий ўринни эгаллайди.

Фарғона райони Ўзбекистон Республикасининг энг шарқда, Тянь–Шань ва Олой тоғ тизимлари орасидаги тектоник ботик – Фарғона водийсида жойлашган. Районнинг атрофи тоғлар билан ўралган. Районни жанубдан Туркистон ва Олой, шарқдан Фарғона ва Отўйноқ, шимолдан Чотқол, шимоли-ғарбдан эса Қурама ва Қорамозор, ғарбдан Муғултоғ тоғ тизмалари ўраб туради. Фақат ғарб томондан район торгина (8-9 км) «Фарғона» ёки «Хўжанд» дарвозаси орқали Далварзин ва Мирзачўл текисликлари билан туташиб кетади. Маъмурий жиҳатдан Наманган, Андижон, Фарғона вилоятларини ўз ичига олади.

Фарғона агротуристик райони тектоник ботикдан иборат бўлиб, асосан пролювиаль ва аллювиаль тоғ жинслари билан тўлган. Районнинг атрофини ёш бурмалардан иборат бўлган тоғли минтақа ўраб олган. Бу ёш структурани «адир» ёки «адир бурмаси» деб юритилади. Фарғона районини ўраб турган тоғларда қуруқликнинг пайдо бўлиш жараёни палеозой эрасидан бошланса, адирлар қисми – мезозойда. Кайназой эрасида эса водийнинг текислик қисми қуруқликка айланган. Район ер юзасининг тузилиши ниҳоятда хилма-хил, уни бир неча гипсометрик поғонага (зонага) бўлиш мумкин. Марказий қисми текислик бўлиб, ундан Сирдарё оқиб ўтади. Районнинг марказий қисмини Сирдарёнинг қайирлари – I, II ва III террасалари ишғол этган бўлиб, баланд террасалар юзасидаги катта майдонларни қум тепалари эгаллаган. Уларнинг нисбий баландлиги 5-15 м дан ошмайди. Районда энг катта қум массиви Ёзёвон ва Қорақалпоқ чўли ҳисобланади. Ҳозирги кунда қум тепаларнинг кўп қисми текисланиб, экинзорларга айлантирилган. Фарғона районини ўраб олган тоғ тизмаларидан бир нечта йирик дарёлар бошланиб,

кўпчилиги Сирдарёга етмайди. Дарёларнинг қуйи қисмларида катта-катта ёйилмалар ҳосил бўлган. Ёйилмалар бир-бирлари билан тутшиб, аллювиал-пролювиаль текисликларни ташкил этади (Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А., 2002).

Фарғона райониининг марказий қисмини ҳалқа шаклида (Полвонтош, Найман, Андижон, Чимён, Чуст, Поп, Наманган каби) адирлар ўраб олган. Адирлар бир-бирига параллел йўналган тўлқинсимон паст, ўртача ва баланд адирлар зонасини ҳосил қилади. Ҳар бир адир оралиғида ботиқлар жойлашган. Ботиқларнинг ер юзаси, асосан, текис ёки бир оз нишабланган ясси текисликлардан иборат. Адир орқаси ботиқларидан кейинги минтақада паст тоғлар бошланади. Паст тоғлар ҳам кўп ҳолатларда асосий тизмаларга параллел ҳолда чўзилган. Ён тизмаларнинг мутлақ баландлиги 1500-2000 м, улар, асосан палеозой, мезозой, палеоген ва неоген даврлари ётқизикларидан иборат.

Райониининг ўзига хос иқлим хусусиятлари унинг географик ўрнига боғлиқ. Районнинг ёз фасли қуруқ ва давомли иссиқ, қиши мўътадил, ҳаво ҳарорати анча барқарор. Қишда тоғлардан тушиб келадиган совуқ ҳаво Фарғона ботиғининг марказида тўпланиб қолади ва январнинг ўртача кўп йиллик ҳароратининг пастроқ бўлишига (-3°C) олиб келади. Баъзан қишда шимолдан ва шимолишарқдан эсаётган совуқ ҳаво тоғларни ошиб ўтиб, водийда ҳаво ҳароратини жуда пасайтириб юборади ва январда мутлақ совуқ ҳарорат -31°C даражагача пасаяди. Районда баҳор қисқа келади, об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради, йиллик ёғин миқдорининг 30 фоиздан ортиғи шу фаслда ёғади. Кечки баҳорги совуқлар ўрта ҳисобда биринчи апрелгача давом этади (3.1.1-жадвал). Баҳорда, айниқса, унинг охирида кучли шамоллар эсиб, жала ва дўл ёғиши кузатилади (Баратов П., 1996).

Районда июлнинг кўп йиллик ўртача ҳарорати $+26^{\circ}\text{C}$, $+27^{\circ}\text{C}$, энг юқори ҳарорат $+40^{\circ}\text{C}$ $+42^{\circ}\text{C}$ (3.1.2-жадвал). Ўсимликларнинг вегетация даври 235–240 кун, ҳарорат $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган даврдаги ўртача ҳароратлар йиғиндиси $4400\text{--}4800^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади.

Фарғона агротуристтик районининг иқлими

Метеостанция номи	Ўртача йиллик харорат, °С	Энг юқори харорат, °С	Энг паст харорат, °С	Баҳорда охири совуқ тушиши- нинг ўртача муддати	Кузда биринчи совуқ тушиши- нинг ўртача муддати	Совуқ бўлмайдиган давр, кун	Йиллик ёғин миқдори
Киров	13,6	44	-24	29/III	21/X	205	108
Қўқон	13,4	42	-23	25/III	21/X	209	98
Ултарма	13,2	42	-24	30/III	20/X	203	96
Фарғона	12,8	42	-27	25/III	25/X	213	174
Федченко	12,9	42	-30	1/IV	17/X	198	186
Асака	12,8	42	-30	26/III	22/X	209	234
Андижон	13,1	40	-26	26/III	30/X	217	226
Толиқ- Яккатут	13,1	42	-29	1/IV	15/X	196	171
Косонсой	12,7	40	-26	29/III	4/XI	219	300
Наманган	13,4	42	-26	20/III	5/XI	229	188
Пахтали- кўл	13,3	41	-27	24/III	30/X	219	180
Қизил Равот	13,0	42	-31	31/III	21/X	203	208

Кузда эса ҳаво ҳарорати сезиларли даражада пасаяди, булутли кунлар тез-тез такрорланиб, ёғин-сочин кўпаяди. Кузнинг иккинчи ярмидан ҳаво ҳарорати кескин пасаяди ва кузги совуқ бошланади.

Районда ўртача йиллик ёғин миқдори 100-230 мм бўлиб, унинг ғарбидан шарққа томон ортиб боради. Йиллик ёғин миқдорининг 10-16 фози ёз ойига, 36 фози қиш ойига, қолган қисми баҳор ва куз ойларига тўғри келади (3.1.3-жадвал).

Қўқон шамоли октябрь ойидан март ойигача тез-тез такрорланиб туради. Баҳор ва куз ойларида Мирзачўлдан Фарғона водийсига эсан Қўқон шамолининг тезлиги 25 м/сек га етади.

Фарғона агротуристтик районининг ойлар бўйича ўртача ҳаво ҳарорати

Метеостанция номи	Ойлар, °С											
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Киров	-2,4	0,4	8,0	16,2	21,9	26,2	28,0	26,3	20,2	12,6	5,5	0,9
Қўқон	-2,2	1,0	8,4	16,2	21,4	25,4	26,8	25,1	19,6	12,2	5,7	1,0
Ултарма	-2,3	0,0	7,8	15,8	21,1	25,3	27,2	25,3	19,4	12,0	5,3	1,1
Фарғона	-2,7	0,2	7,5	15,2	20,4	24,5	26,4	24,8	19,0	11,8	5,4	0,6
Федченко	-3,3	-0,1	7,8	15,8	21,2	24,9	26,6	24,7	19,2	12,0	5,6	0,3
Асака	-2,9	0,0	8,1	15,5	20,8	24,7	26,1	24,2	19,0	12,2	5,5	0,4
Андижон	-3,5	0,3	8,1	15,8	21,2	25,4	26,7	24,9	20,0	12,7	5,6	0,2
Толиқ-Яккатут	-3,7	-0,4	8,0	15,6	21,3	25,5	27,4	25,7	19,8	12,4	5,2	0,8
Косонсой	-1,1	-0,7	6,8	14,0	18,5	23,0	25,8	25,2	20,7	13,2	6,8	0,5
Наманган	-2,3	0,2	9,0	16,4	20,7	25,0	26,3	25,1	20,2	13,2	6,4	0,2
Пахталикўл	-3,2	0,3	7,9	15,6	20,8	25,8	27,5	25,9	20,1	12,8	6,2	0,3
Қизилравот	-3,6	-0,5	7,6	15,8	20,8	25,6	27,4	25,4	19,8	12,4	5,7	0,2

**Фарғона агротуристтик районининг ойлар бўйича ўртача ёгин
миқдори**

Метеостанция номи	Ойлар, мм											
	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь
Киров	12	9	16	12	13	8	4	1	2	8	11	12
Қўқон	11	12	15	9	8	7	4	2	1	5	12	12
Ултарма	10	11	14	9	7	8	4	1	2	3	9	18
Фарғона	21	15	27	19	21	11	5	2	3	12	18	20
Федченко	22	17	28	20	22	12	6	3	3	12	19	22
Асака	32	23	42	20	23	12	5	2	3	12	26	31
Андижон	24	19	32	30	31	16	8	3	3	17	20	23
Толик- Яккатут	19	24	22	20	21	8	11	2	6	18	14	16
Косонсой	30	25	40	42	46	23	12	3	3	23	25	28
Наманган	24	19	30	19	20	8	6	2	4	18	19	19
Пахталикўл	21	16	25	21	22	8	6	2	5	20	16	18
Қизилравот	27	20	35	26	18	8	5	10	5	11	21	22

Қишда водийда ҳавонинг совиб кетиши натижасида антициклон таркиб топади. Ғарбда, Мирзачўлда циклон ҳаракати давом этиб турганда водийдан ғарбга қараб 15-20 м/сек тезликда Бекобод шамоли эсади.

Районда энг катта ва серсув дарёлар Норин, Қорадарё ва Сирдарёдир. Норин дарёси Марказий Тянь-Шань тоғларидан бошланувчи Кичик ва Катта Нориннинг қўшилишидан ҳосил бўлади. У қор ва музларнинг эришидан тўйинади. Учқўрғон ёнида йиллик ўртача сув сарфи секундига 427 м³ ни ташкил этади. Қорадарё Фарғона ва Олой тоғларидан бошланувчи Тор, Қорағулжа

дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади, қор ва музликлардан тўйинади. Қорадарёнинг Балиқчи қишлоғи яқинида йиллик ўртача сув сарфи $123 \text{ м}^3/\text{сек}$ га тенг (Баратов П., 1996). Сирдарёнинг йиллик ўртача оқими Қизилқишлоқ яқинида $568 \text{ м}^3/\text{сек}$ ни ташкил этади. В.Л.Шульц (1959) маълумотларига кўра, Сирдарёнинг йиллик оқимининг 45,2 фози март-июнь ойларга, 35,5 фози июль-сентябрь ойларга, 19,3 Фози октябрь-февраль ойларига тўғри келади. Фарғона водийсини ўраб турган тоғлардан оқиб тушадиган жуда кўп сой ва кичик дарёлар суви суғоришга сарфланиши туфайли Сирдарёга етиб келмайди.

Водийда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун қатор сув омборлари (Қайроққум, Учқўрғон, Андижон, Бозорқўрғон, Каркидон ва бошқалар), каналлар (Катта Фарғона, Катта Андижон, Шимолий Фарғона, Катта Наманган, Жанубий Фарғона, Охунбобоев номидаги канал ва бошқалар) қурилган. Ушбу сув омборлари ва каналлар экинларни сув билан таъминлашда катта аҳамият касб этади. Каналлар ўтган ҳудудларнинг катта майдонларини пахта, ғалла, сабзавот, полиз экинлари, боғ ва узумзорлар эгаллаган. Агроландшафтларнинг турли-туманлиги агротуристтик имкониятларни оширади.

Фарғона райони жуда катта ер ости сувининг захираларига эга, улар турли тоғ жинслари орасида қатлам-қатлам бўлиб жойлашган. Ер ости сувларининг динамик захираси катта, секундига 257 м^3 ни ташкил этади.

Район Ўрта Осиёдаги энг қадимги обикор деҳқончилик ўлкаси бўлиб, тупроғи, айниқса, унинг текислик қисмида воҳа маданий тупроғига айланган. Табiiй ҳолдаги тупроқларни Марказий Фарғонадаги Қорақалпоқ чўлида, адир минтақасида ва тоғларда учратиш мумкин. Литологик-геоморфологик ва иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда район ҳудудида ҳозирги вақтгача тупроқларнинг қуйидаги генетик гуруҳлари шаклланган: баландлик минтақалар тизимида – жигарранг, тўқ тусли, типик ва оч тусли бўз ҳамда бўз-ўтлоқи тупроқлар; чўл зонасида – колматажланган ўтлоқи-тақир тупроқлар ва шўрхоқлар. Суғориладиган тупроқлар орасида типик ва

оч тусли бўз тупроқлар, бўз ўтлоқи, колматажланган, ўтлоқи тақир ва ўтлоқи тупроқлари ажратилган (Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари атласи, 2010).

Суғориладиган типик бўз тупроқлар тоғ олди, нишабли текисликлар ва конус ёйилмаларининг паст-баланд қир-адирликлари тизма қаторларида (Олой ва Фарғона тоғ тизмаларида, Чуст-Поп адирларида) тарқалган. Тупроқ ҳосил қилувчи жинслар делювиал-пролювиаль ва аллювиал-пролювиаль лёсслашган, баъзан скелетли-талқон тупроқли ётқизиқлардан иборат. Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар тоғ олди текисликларининг текис участкалари ва конус ёйилмаларини эгаллаган. Суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар тоғ олди, нишабли текисликларда ва дарёларнинг конус ёйилмаларида (Қува-Андижон адирликлари, Косонсой, Чортоқсой, Чодаксой, Норин ва бошқа дарёларнинг конус ёйилмаларида) учрайди. Суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар қадимдан ўзлаштирилган, улар адир орти чўкмалари ва дарёларнинг иккинчи қайир усти террасаларида (Сирдарё ва Қорадарёнинг қуйи террасаларида) учрайди. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлар тоғ олди текисликлари ва дарёларнинг конус ёйилмаларида учрайди. Суғориладиган ўтлоқи тупроқлар район суғорма деҳқончилигида кўп Фойдаланиладиган тупроқлар ҳисобланади. Тоғ олди текисликлари ва конус ёйилмалари, адир орти чўкмаларида ўтлоқи саз тупроқлар, Марказий Фарғона текислигида ўтлоқи саз-аллювиаль, дарёларнинг қуйи террасаларида ўтлоқи-аллювиаль тупроқлар шаклланган.

Суғориладиган тупроқларнинг сифатини ва уларга боғлиқ ҳолда шаклланган аграр соҳа хусусиятларини баҳолаш агротуризмни қай даражада ривожлантириш мумкинлигининг кўрсатувчи омил бўлади. Районда суғориладиган тупроқларнинг 1,3% ёмон, 22,6% ўртачадан паст, 37,8% ўртача, 35,7% яхши, 2,3% жуда яхши кўрсаткичга жавоб беради (Ўзбекистон Республикаси тупроқ қопламлари атласи, 2010).

Фарғона водийсининг географик ўрни унинг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг шаклланишига ва уларнинг турларга бой бўлишига ўз таъсирини кўрсатган. Водийда баландлик ўсимлик минтақалари – чўл, адир, тоғ, баланд тоғ кўзга яққол ташланади.

Районнинг асосий қисмини эгаллаган чўл минтақасида ўсимлик қоплами табиий ҳолда жуда кам сақланиб қолган, асосан, эфемерлар учрайди. 600-1200 м баландликларда адир минтақаси жойлашган, у чўлга нисбатан ўсимликка бой. Тоғ минтақаси 1200-1300 м дан 2800 м гача бўлган баландликда яхши ривожланган. Бу минтақада қоратикан, наъматак, дўлана ўсувчи бутазор, арчазорлар мавжуд. 2700-2800 м дан доимий қорлик ва музликларгача бўлган ораликда бўлиб, унинг қуйи қисмини субальп, юқори қисмини альп ўтлоқлари эгаллаган. Районнинг ҳайвонот дунёси ўсимликлари каби кучли ўзгартирилган. Бу ерда ёввойи ҳайвонлардан қуён, тулки, бўри, тўнғиз, бўрсик ва кемирувчиларнинг бир неча тури учрайди.

Фарғона райони ҳудудини қуйидаги геомажмуалар эгаллаган:

5. Йирик парчаланган ўртача қияликдаги ёнбағирларда ўтлоқ, турли ўтли – буғдойик бошоқли даштлар майда мезофитли бутазорлар билан ўзаро алмашиб келади.

9. Кучли парчаланган тик ва ўртача даражадаги қияликка бўлган ёнбағирлар бутали турли ўтли – йирик бошоқли сийрак арчазорлар (писта дарахтлари) билан банд.

18. Ўртача ва майда парчаланган ёнбағирларнинг бўз тупроқларида қўнғирбош-ранг гуруҳлари ва бутали бодомзорлар иштирокида мавжуд, жойларда тоғ жинслари чиқиб ётади.

20. Қирли ва паст-баланд адирларда лалмикор типик бўз тупроқлар мавжуд, жойларда улар эфемер-эфемероидли ярим бутали гуруҳлар билан ўзаро алмашиб келади.

21. Қирли ва паст-баланд адирларнинг типик бўз тупроқларида эфемероидли шувокзорлар тарқалган.

22. Ясси қия, жойларда анчагина қия паст-баланд, ўртача ва камроқ парчаланган адирларнинг бўз-қўнғир ва майда тошли тупроқларида эфемероид-шўра-шувоклар чоғон-кейреук-шувок гуруҳларнинг қопланган.

27. Қияроқ, паст-баланд ва тўлқинсимон текисликлар, жойларда қисман ҳайдалган типик бўз тупроқлар учрайди.

28. Конус ёйилмаларининг пролювиал ва аллювиал-пролювиаль текисликлари суғориладиган бўз тупроқлар билан банд.

32. Дарёларнинг қуйи террасаларидаги ясси текисликлар суғориладиган ўтлоқ тупроқлар билан банд.

33. Ясси пролювиал-аллювиаль текисликларда суғориладиган бўз-ўтлоқ тупроқлар ривожланган.

Фарғона райони мамлакатимизда асосий пахтачилик райони ҳисобланади. Районда пахтадан ташқари, бўғдой, маккажўхори, жўхори, шоли, мевалардан – олма, беҳи, гилос, шафтоли, нок, бодом, ёнғоқ, анжир, анор, узум, сабзавотлардан – помидор, картошка, сабзи, полиз маҳсулотларидан қовун, тарвуз, бодринг каби қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади. Чорвачиликнинг қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, паррандачилик, пиллачилик, асаларичилик каби соҳалари ривожланган.

Фарғона районида табиий географик шароит ва ресурслар, агротуристик имкониятларнинг хилма-хил ва улар баландлик минтақлари қонунияти таъсирида турли баландлик минтақаларида ўзига хос хусусиятларга эгаллиги район ҳудудида бир-биридан фарқ қиладиган 6 та кичик районни ажратишга имкон беради: Ғарбий Олой, Марказий текислик, Ғовасой, Чотқол, Фарғона ва Шарқий Олой.

Ғарбий Олой агротуристик кичик райони Сўх ва Исфара дарёларининг ёйилмаларини ҳамда Олой тизмасининг бу дарёлар ҳавзасига кирган шимолий ёнбағрининг фақат Ўзбекистонга тегишли энг паст шимолий текислик қисмини эгаллайди ва у текислик ҳамда тоғ олди ҳудудларига бўлинади. Кичик район ҳудудида Бешарик, Данғара, Ўзбекистон, Фурқат туманлари, Риштон, Боғдод, Бувайда, Янгиқўрғон, Олтиариқ туманларининг жануби-ғарбий қисмлари жойлашган.

Районнинг иқлими қуруқ, ўртача йиллик ёғин миқдори 100 мм атрофида. Лекин кичик район Фарғона агротуристик районида қишининг юмшоқлиги, совуқ кунларнинг камлиги билан бошқа кичик районлардан ажралиб туради. Маданий воҳа ландшафтлари район ҳудудининг ярмини ташкил этади. Кичик район ҳудудида кўхна Қўқон ва Риштон шаҳарлари жойлашган. Қўқон шаҳрида мавжуд кўплаб тарихий туристик объектлар – Норбутабий мадрасаси

(1798 йилда барпо этилган), Даҳмаи Шоҳон мажмуаси (1825 й.), Худоёрхон Ўрдаси (XIX асрнинг 2-ярми), Жомеъ масжиди (XIX асрнинг 1-чораги) агротуризмни тарихий туризм билан қўшиб олиб бориш имконини беради. Риштонда қадимдан кулолчилик ривожланган бўлиб, кулол усталар маҳсулотлари Шарқ бозорларида жуда харидоргир бўлган. Риштон усталари томонидан ишланган бадий буюмлар ҳозирги кунда республикадан ташқарида ҳам машҳур. Риштон шаҳрининг Сўх дарёсининг ўнг соҳилида ва Қўқон – Фарғона автомобиль йўли ёқасида жойлашганлиги туристларнинг келиши ва дам олиши учун қулайлик яратади.

Ҳудудда пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачиликнинг қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, пиллачилик, асаларичилик каби қишлоқ хўжалик тармоқлари яхши ривожланган. Экин майдонларига дон, пахта, сабзавот ва полиз экинлари экилади. Боғларда ўрик, анор, анжир, олма, хурмо, юқори навли узум етиштирилади. Бешариқ ва Олтиариқнинг полиз маҳсулотлари, Бувайда мевалари (масалан Оққўрғон анжири) билан қадимдан машҳур. Ҳудуд аҳолиси узоқ даврлардан бери деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келади. Натижада деҳқончилик анъаналари, улар билан боғлиқ миллий урф-одатлар ва маросимлар ҳам шаклланган. Ҳудудда Наврўз арафасидан бошлаб кузги ҳосил байрамигача сайёҳликни ташкил этиш мумкин. Май ва октябрь ойлари туристик мавсум учун қулай давр. Бу даврда маҳаллий аҳоли томонидан мавсумий сайллар ташкил этилади.

Автомобиль йўллари орқали Фарғона водийси ва республиканинг бошқа барча вилоятларига чиқишнинг қулай имкониятлари мавжуд. Шунингдек, бу ерда мавжуд меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари тизими агротуристлик хизматларни ташкил этишга имкон беради.

Марказий текислик агротуристтик кичик райони ҳудуди Фарғона районининг ўрта қисмида жойлашган. Шимолдан Сирдарё, жанубдан Олтиариқ, Сўх ва Шоҳимардон анклави ҳудудларида жойлашган тоғларни ва ёйилмаларининг чекка қисмлари билан чегараланади. Мазкур ҳудуд Қорақалпоқ чўли деб аталади. Унинг

мутлақ баландлиги шимолида Сирдарё бўйларида 350 м дан жанубда 500 м гача, анклавларда эса 3000 м гача боради. Кичик район худуди Ёзёвон, Улуғнор, Оқолтин, Мингбулоқ туманларини тўлиқ, Фарғона туманининг бир қисмини ўз ичига олади.

Район иқлимининг қуруқлиги, термик ресурсларга бойлиги, майда қўллари, ботқоқликлари, қум массивлари мавжудлиги, ландшафт хилларининг нисбатан камлиги билан ажралиб туради. Марказий текислик кичик агротуристтик райони агротуризм нуқтаи назаридан кам аҳамиятли ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида пахта, дон ва полиз маҳсулотлари, мевалар етиштирилади, чорваликнинг қўйчилик, эчкичилик ва қорамолчилик соҳалари ривожланган. Қумли чўллари муҳофаза қилиш мақсадида 1991 йилда «Ёзёвон чўллари» табиат ёдгорлиги (майдони 1842 га) ташкил этилган. Ёзёвон ёдгорлиги сайёҳлар учун қизиқарли туристик объектдир. Худудда мавсумий тарзда қисқа муддатли сайёҳликни ташкил этиш мумкин.

Ғовасой агротуристтик кичик райони мутлақ баландлиги 350 м бўлган Сирдарё бўйларида Қурама тоғининг Қамчиқ давонигача бўлган жануби-шарқий ёнбағрини ўз ичига олади. Кичик район Чатқол кичик районига нисбатан қурғоқчил, киши совуқ ҳудуд ҳисобланади. У ўз ичига Поп, Чуст туманларини олади. Районда маданий ландшафтлар катта майдонни эгаллайди. Бу ерда қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи – пахтачилик бўлиб, мамлакатда етиштириладиган пахтанинг 8–9 фозини беради. Пахтачиликдан ташқари ғаллачилик, полизчилик, узумчилик ва чорвачилик ривожланган.

Район археологик обидаларга бойлиги билан ажралиб туради. Қадимдан пичоқчи усталар ва дўппидўзлар юрти Чуст шаҳрининг шимолий чеккасида Буонамозор, Попада Мунчоқтапа ёдгорликлари катта илмий ва маънавий қимматга эга. Ғова, Олмос, Чоркесар, Чодак қишлоқ ҳудудлари диққатга сазовор туристик объектларга бой. Текисликдаги суғориладиган ҳудудларда чорвачилик, асосан, қорамол, тоғ олди табиий ўтлоқларида қўй ва эчки, йилқи боқилади. Ўрмонзор, тутзор, боғ ва кўп йиллик дарахтзорлар, токзорлар мавжуд. Наманган тумани олма навларининг хилма-хиллиги ва

улардан мўл ҳосил олиши билан машҳур. Худудда йил давомида туристларни қабул қилиш ва дам олишларини ташкил этишга имконият ва шароитлар мавжуд. Районда агротуризмни экологик, тарихий, археологик туризм турлари билан комплекс қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Чатқол агротуристтик кичик райони Чатқол тоғининг Ўзбекистон таркибидаги жанубий тоғ олди қисмларини эгаллайди ва шарқда Норин дарёси, жанубда қисман Сирдарё билан чегараланади. Кичик район бошқа районлардан ёғин миқдорининг кўплиги, қишининг юмшоқлиги, термик ресурсларга бойлиги билан ажралиб туради. Унинг худудига Тўрақўрғон, Косонсой, Наманган, Янгиқўрғон, Уйчи, Чортоқ туманлари киради. Воҳа маданий ландшафтлари район худудининг ярмини ташкил этади.

Кичик районда кўплаб тарихий туристик объектлар ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Масалан, Наманган шаҳрида (Хўжа Амин мақбараси (XVII-аср), Мулла Қирғиз мадрасаси (1911–12йй.), Ота Валихон тўра масжиди (XX аср), Тўрақўрғонда қадимий Ахсикент шаҳрининг ҳаробалари, Ғойибназар қози мадрасаси (1892 й.), Фалосбонбува (1860 й.), Лангарбиби мақбаралари (XVIII аср), Исоқхонтўра (1806 й.) масжидлари.

Район худудига кирувчи Чортоқ, Уйчи, Янгиқўрғон туманлари ўзининг оромбахш табиати ва серҳосил далалари билан ажралиб туради. Уларнинг агротуристтик салоҳияти агротуристтик объектларга бойлиги (пахта, ғалла, картошка, сабзавот ва полиз экинлари етиштирилади. Фермер хўжаликларида қорамол, қўй боқилади) ва табиий шароитининг дам олиш учун қулайлиги (масалан, Чортоқ, Шаҳанд санаториялари йил бўйи дам олувчиларга хизмат қилади) билан изоҳланади.

Чатқол агротуристтик кичик районида йил бўйи агросайёҳликни ташкил этиш имконияти мавжуд. Айниқса, май-октябр ойлари туристлар учун қулай мавсум ҳисобланади. Агротуризмни тарихий ва рекреация туризмлари билан комплекс қўшиб олиб бориш юқори самара беради.

Фарғона агротуристтик кичик райони Фарғона тизмасининг жануби-ғарбий ёнбағрида жойлашган аллювиал-пролювиал текисликлар ва Қорадарё водийсидан иборат бўлган қисмини ўз ичига олади. Унинг ҳудудида Асака, Булоқбоши, Марҳамат, Хўжаобод, Қўрғонтепа, Қува, Фарғона, Тошлоқ. Қўштепа, Шаҳрихон, Марҳамат, Жалолқудук туманлари тўлиқ, Бўз туманининг жанубий қисми жойлашган.

Кичик районда ёғин миқдори кўплиги сабабли табиий намлик етарли даражада. Кичик районнинг табиий шароити қишлоқ хўжалигининг деярли барча тармоқларини ривожлантиришга имкон беради. Районда маданий ландшафтлар катта майдонларни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида пахта, донли экинлар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, мева-узум етиштирилади, боғдорчилик, қорамолчилик, қўйчилик, паррандачилик, пиллачилик билан шуғулланилади. Ҳар томонлама ривожланган хилма-хил инфратузилмага эга. Ҳудудда йил бўйи сайёҳликни ташкил этиш қулай учун шарт-шароитлар мавжуд.

Шарқий Олой агротуристтик кичик райони Олой тоғларининг Шоҳимардон, Исфайрамсой, Аравонсой, Оқбура, Қуршоб дарёлари ҳавзалари жойлашган шимолий ёнбағрининг Ўзбекистонга тегишли энг шимолий қисмини ўз ичига олади. Бу ерлар адирлардан, адир оралиғи ва адир ортидан, Олтиариқсой, Шоҳимардонсой, Исфайрамсой ва Аравансойнинг юзаси текис ёйилмаларидан иборат. Унинг ҳудудида Учқўрғон, Норин, Андижон, Балиқчи, Избоскан, Олтинкўл, Пахтаобод туманлари жойлашган.

Кичик район ҳудуди нисбатан баландроқ ва шимолий экспозицияда жойлашганлигидан бу ерда ёзги термик ресурсларнинг бироз камлиги, лекин ландшафтларнинг хилма-хиллиги кузатилади. Район ҳудудининг 50 фоиздан ортиқроғи маданий ландшафтларга тўғри келади. Кичик район пахтачилик бўйича катта тажриба мактабига эга. Экинлардан пахта, бошоқли экинлар, картошка, полиз экинлари экилади. Йирик майдонларда мевали боғлар ва тутзорлар барпо этилганлиги, чорвачилик, йилқичилик, пиллачилик, паррандачилик каби соҳаларнинг ривожланганлиги агротуризм учун қулайлик яратади.

Худудда 11 та тепалик, 5 та меъморий ёдгорликлар сақланган. Булар Андижон жоме масжиди (XIX аср охири), Ховсконота, Кўктўнликота, Қилич Иброҳим, Хўжа Тақсимота зиёратгоҳлари ва бошқалар. Районда инфратузилма яхши ривожланган. Йил бўйи узоқ ва қисқа муддатли сайёҳликни уюштириш имкони мавжуд. Туристларга меҳмонхона ёки шахсий хўжаликларда жойлашиш, байрам тантаналари ва маросимларида иштирок этиш, миллий усулда табиий маҳсулотлардан тайёрланган таомлар таклиф қилинади.

Хулоса қилиб айтганда ҳар бир кичик агротуристтик район ўзига хос туристик ресурсларига эга. Улар туристик маршрутларни олиб бориш шарт-шароитлари турли даражада эканлиги ҳам билан бир-биридан ажралиб туради (3.1.4-жадвал).

Фарғона агротуристик районининг кичик районларининг туристик ресурслари ва имкониятлари

Кичик агротуристик район номи	Агротуристик объектлар	Бошқа туристик объектлар	Инфратузилмаси
1.	2.	3.	4.
Ғарбий Олой.	<i>Экинзорлар:</i> пахтазор, бошоқли экинлар, маккажўхоризор, полиз экинлари, сабзаёт экинлари, ўрмон, мевали боғ. <i>Чорвачилик комплекслари:</i> қорамолчилиқ, қўйчилиқ, эчкичилиқ, паррандачилиқ, пиллачилиқ, асаларичилиқ.	<i>Тарихий-меъморий ёдгорликлари:</i> Норбўтабий мадрасаси (1798), Даҳмаи Шоҳон мажмуаси (1825), Худоёрхон Ўрдаси (XIX асрнинг 2-ярми), Жомеъ масжиди (XIX асрнинг 1-чораги). <i>Археологик ёдгорликлари:</i> Зураймомо тепалиги (мил. ав. VI аср), Китқонқалъа (I, IV асрлар). <i>Табиат ёдгорликлари:</i> Селенғур, Қапчиғай ғори. <i>Халқ миллий хунармандчилиги:</i> кулолчилиқ.	<i>Темир йўллари:</i> Тошкент – Қўқон, Тошкент – Наманган, Тошкент – Андижон, Марғилон – Қўқон, Андижон – Москва, Бишкек – Жалолобод. <i>Автомобиль йўллари:</i> Тошкент – Ўш – Қашқар, Қўқон – Хўжанд, Фарғона – Ўш, Қўқон – Наманган, Қўқон - Жомашўй
Марказий текслик	<i>Экинзорлар:</i> пахтазор, полиз экинлари, анор-анжирзорлар. <i>Чорвачилик комплекслари:</i> қорамолчилиқ, эчкичилиқ, қўйчилиқ.	<i>Табиат ёдгорликлари:</i> Ёзёвон чўллари.	<i>Автомобиль йўллари:</i> Фарғона – Наманган, Қўқон – Андижон, Тошкент – Фарғона, Марғилон – Қўқон.

1.	2.	3.	4.
<i>Ғовасой</i>	<i>Экинзорлар:</i> пахтазор, сабзавот экинлари, мевали боғлар, узумзорлар, ўрмонлар <i>Чорвачилик комплекслари:</i> қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, пиллачилик.	<i>Археологик ёдгорликлар:</i> Буонамозор, Мунчоқтепа. <i>Халқ миллий ҳунармандчилиги:</i> пичоқчилик, дўппичилик.	<i>Темир йўллар:</i> Тошкент – Андижон. <i>Автомобиль йўллари:</i> Фарғона халқа автомобиль йўли.
<i>Чотқол</i>	<i>Экинзорлар:</i> пахтазор, сабзавот экинлари, мевали боғлар, узумзорлар. <i>Чорвачилик комплекслари:</i> қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, пиллачилик.	<i>Тарихий-меъморий ёдгорликлар:</i> Хўжа Амин мақбараси (XVII аср), Мулла Қирғиз мадрасаси (1911–12 йй.), Ота Валихон тўра масжиди (XX аср), Ғойибназар қози мадрасаси (1892 й.), Фалос-бонбува (1860 й.), Лангарбиби мақбаралари (XVIII аср), Исоқхонтўра (1806 й.) масжиди. <i>Археологик ёдгорликлар:</i> Ахсикент, Ахси ҳаробалари. <i>Рекреация объектлари:</i> Шаханд, Пахталикўл, Чортоқ санаторийлари.	<i>Темир йўллар:</i> Фарғона айланма темир йўли, Тошкент – Наманган – Андижон, Тошкент – Андижон, <i>Автомобил йўллари:</i> Наманган – Чортоқ – Нанай. <i>Ҳаво йўллари:</i> Тошкент – Наманган.

1.	2.	3.	4.
<i>Фарғона</i>	<i>Экинзорлар:</i> пахтазор, бошоқли экинлар, маккажўхоризорлар, полиз экинлари, анор-анжирзорлар, узумзорлар, мевали боғлар. <i>Чорвачилик комплекслари:</i> қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, эчкичилик, пиллачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик.	<i>Тарихий-меъморий ёдгорликлар:</i> Бобур қадамжоларидан Лонконтёпа зиёратгоҳи, Понсод масжиди (1825 й. ЮНЕСКО рўйхатига олинган). <i>Археологик объектлар:</i> Камолтепа (I–IV аср), Далварзинтепа, Қоратёпа, Эшонтоға, Қиличмозор тепаликлари <i>Рекреация объектлари:</i> Чимён, Зилол, Нурафшон санаторийлари, «Асака чўнтаги» дам олиш маскани. <i>Халқ миллий ҳунармандчилиги:</i> Шахрихон пичоқчилиги, Марғилон дўппичилик ва ипакчилиги	<i>Темир йўллар:</i> Фарғона водийси айланма темир йўли. <i>Автомобиль йўлари:</i> Фарғона – Шоҳимардон, Фарғона – Андижон, Андижон – Марғилон, Водил – Олтиариқ, <i>Ҳаво йўллари:</i> Тошкент – Фарғона.
<i>Шарқий Олой</i>	<i>Экинзорлар:</i> пахтазор, бошоқли экинлар, маккажўхоризорлар, полиз экинлари, анор-анжирзорлар, узумзорлар, мевали боғлар. <i>Чорвачилик комплекслари:</i> қорамолчилик, қўйчилик, эчкичилик, йилқичилик, пиллачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик.	<i>Тарихий-меъморий ёдгорликлар:</i> Андижон жоме масжиди (XIX аср охири). Ховсконота, Кўктўнликота, Қилич Иброҳим, Хўжа Таксимота зиёратгоҳлари	<i>Темир йўллар:</i> Андижон – Учқўрғон, Андижон – Тентаксой, <i>Автомобиль йўллари:</i> Андижон – Жалолобод, Ўш – Бишкек. <i>Ҳаво йўллари:</i> Тошкент – Андижон.

3.2. Агротуристтик маршрутларни ташкил этиш ва уларнинг географик хусусиятлари

Муайян бир давлат ёки минтақанинг туристик нуфузи бевосита улардаги туристик маршрутларнинг ўзига хос жозибадорлиги, қулайлиги, арзонлиги, хавфсизлиги, хизмат кўрсатиш даражаси каби бир қатор кўрсаткичлари билан белгиланади. Туристтик маршрутларни ташкил этиш, олиб бориш усуллари В.С.Волков, К.Е.Шапакина, А.А.Самойленко, С.Р.Ердавлетов, мамлакатимизда А.Н.Нигматов, Н.Т.Шомуратова, Б.Х.Камолов, В.И. Кучерявих, Н.Тухлиев, Т.Абдуллаева, Р.Ҳайитбоев, А.Саттаров каби тадқиқотчилар ишларида ўз аксини топган.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти олимлари Р.Ҳайитбоев ва А.Саттаровлар (2009) ўзларининг «Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси» китобида туристик маршрутларга турлича таърифлар берилганлигини қайд этадилар ва бу борада ягона, умумэътироф этилган тушунчанинг мавжуд эмаслигини кўрсатганлар. Улар маршрут тушунчасига «Инсон кўриб, эшитиб юрган ҳар қандай мўъжизавий, қизиқарли иншоотлар, табиатнинг сўлим гўшалари, қадимдан сақланиб келаётган обидалар, дарёлар, шаршаралар, ҳайвонот ёки турли-туман ўсимликлар ўсадиган жойлар, томоша боғларининг ҳаммасига бир йўлдан борилади. Бу йўл туризмда «маршрут» дейилади», деб таъриф берилган. Берилган таърифдаги «инсон» сўзига шахс ҳуқуқи нуқтаи назаридан қаралади. Лекин туризмда инсон атамасининг ўрнига «шахс» атамасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Туристтик маршрутлар тушунчасида «ҳар қандай мўъжизавий, қизиқарли иншоотлар, табиатнинг сўлим гўшалари, қадимдан сақланиб қолган обидалар, дарёлар, шаршаралар, ҳайвонот ёки турли-туман ўсимликлар ўсадиган жойлар, томоша боғларининг ҳаммасига» деб айтилган. Лекин туризмнинг ҳар хил турларида юзлаб бундай туристик объектларни санаб ўтиш мумкин. Шунинг учун ҳам туристик маршрутлар тушунчасида санаб ўтилган бир қатор объектларини бир ибора билан «туристик объектлар» деб аташ мумкин. Муаллифлар

томонидан туристик маршрутларга берилган иккинчи таъриф шундай келтирилади: «Туристик маршрут қайд қилинган, кутилмаган «таклифлар»нинг бажарилиши ёки «хизматлар» мажмуаси аъло даражада кафолатланиши учун ҳам туристик маршрутлар дейилади. Туристларнинг барча эҳтиёжларини, талабларни бажаришда Фойдаланадиган йўллар туристик маршрутлар ёки туристик йўллар дейилади» (Ҳайитбоев Р., Саттаров А., 2009). Мазкур тушунчада «туристик маршрут» ва «туристик йўл» тушунчалари бир хил маънода ишлатилган. Аслида эса ҳеч бир «сайёҳлик пакетлари»да туристик йўл ёки «туристические дороги или тропы» деган сўзлар ишлатилмайди.

Ундан ташқари, туристик маршрутларнинг туристик йўллардан асосий фарқи С.Р.Ердавлетов фикрича, маршрутлар ўз йўлида сайёҳларга кўрсатиладиган барча хизматларни ўз ичига қамраб олишидир (Ердавлетов С.Р., 1989). Унинг учун ўзбек тилида ушбу атамани «туристик маршрут» сўз бирикмаси билан ифода этиш мақсадга мувофиқдир. Олимлар томонидан берилган ушбу таърифда эса «...туристик маршрут дейилганда бу йўлдан турист мақомини олган яқка инсон ёки инсонлар гуруҳи юрадиган ҳаракатланадиган, маълум бир маконга борадиган ва қайтадиган йўл тушинилади», дейилган (Ҳайитбоев Р., Саттаров А., 2009). Ваҳоланки, биринчидан, туристик маршрутлар албатта туристларнинг эҳтиёжларини инобатга олсада, лекин бунда уларнинг ҳар бирини ҳисобга олиб бўлмайди. Кўпгина ҳолларда, айниқса, туристик бизнес эндигина шаклланаётган давлатларда туристик маршрутлар мавжуд имкониятлар даражасида таклиф этилади. Туристлар эса уларни танлаш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Иккинчидан, турист ўз саёҳатини тугатгач, маршрут бўйича орқага эмас, ўз юртига қайтиши мумкин. Масалан, Москва шаҳридан келган сайёҳ тарихий туризм бўйича Тошкент–Самарқанд–Бухоро–Хива туристик маршрутини яқунлагач, Урганчдан тўғри Москвага учиб кетиш имкониятига эга.

Н.Тухлиев ва Т.Абдуллаевалар туристик маршрутни географик нуқталар бўйича аввалдан белгиланган, муайян бир тартибда тавсифланган туристик ҳаракат (экскурсия, саёҳат) йўллари, деб

таърифлайдилар (Тухлиев Н., Абдуллаева Т., 2006). Лекин ҳамма туристик объектларни географик нукта деб бўлмайди. Масалан, Тошкент шаҳридаги Кўкалдош мадрасаси географик нукта эмас, балки тарихий туризм объектидир. Чунки туристик объектлар орқали маршрутлар ўтказилади. Ушбу маршрутларни кўрсатишда уларнинг географик жойлашувини акс эттирувчи координаталари берилмайди ва шунинг учун ҳам уларни географик нукталар деб бўлмайди.

С.Р.Ердавлетовнинг тадқиқотларига кўра, туристик маршрут – аввалдан белгиланган график асосида муайян йўналиш пунктлари орқали туристлар гуруҳининг саёҳат йўли ((Ердавлетов С.Р., 1989). Туризм, ҳаммамизга маълумки, гуруҳли ёки якка тартибда ҳам ўтказилиши мумкин. Кўп ҳолларда туристлар табиий ёки агротуризмни якка тартибда ўтказишни маъқул кўрадилар.

Туристтик маршрутларни изоҳлашда унинг ҳар бир сўзига эътибор бериш зарур. Маршрут сўзи французчада «marche», яъни юриш, олдинга қараб ҳаракатланиш, «route» – йўл ёки ҳаракатланиш йўли деган маънони англатади. Тор маънода туристик маршрут туристларнинг ҳаракатланиш йўли демакдир. Кенг маънода эса туристик маршрут – муайян мақсадларни кўзлаган ҳолда аввалдан белгиланган объектлар бўйича сайёҳ ёки сайёҳлар гуруҳининг ҳаракатланиш йўли.

В.С.Волков ва К.Е.Шапакиналар ***сайёҳларнинг келиб-келиши имкониятларига кўра туристик маршрутларни уч турга ажратадилар*** (Туристские маршруты, 1985):

- ✓ *бир томонлама йўналтирилган (тўғри чизиқли);*
- ✓ *бир жойдан турли томонларга йўналтирилган (радиал);*
- ✓ *бошланган жойдан яна қайтиб шу жойга келадиган (айланма).*

Туристтик маршрутларга берилган таърифлардан келиб чиқиб агротуристтик маршрутларни қуйидагича таърифлаш мумкин. Агротуристтик маршрут – муайян жойнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва реализация қилишнинг қизиқарли саёҳатбоп жараёнлари билан танишиш мақсадида аввалдан белгиланган объектлар бўйича сайёҳ ёки сайёҳлар гуруҳининг ҳаракатланиш йўли.

Агротуристик маршрутларни ишлаб чиқиш асосан беш босқичда амалга оширилади:

1. Рекогносцировка (лотинча «recognosco» – томоша қиламан) ишларини амалга ошириш, яъни жой ёки ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳияти ва имкониятларини дастлабки тадқиқ қилиш, агротуристик объектларни аниқлаш, танлаш ва таснифлаш;

2. Агротуристик маршрутлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни план ёки картага тушириш;

3. Ҳар бир агротуристик маршрут бўйича қабул қилувчилар, гидлар ва туристлар учун “эслатма”, буклет ва рекламалар лойиҳасини яратиш;

4. Яратилган лойиҳаларни тегишли экспертизадан ўтказиш;

5. Лойиҳаларни тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар асосида такомиллаштириб бориш ҳамда уларни чоп этиш.

Агротуристик маршрутларни таснифий белгиларига (маршрут ичидаги туристик объектлар хусусиятига) кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. СоФ агротуристик маршрутлар. Бу сайёҳларнинг қишлоқ турмуш тарзи ва агротуристик объектлар билан таништиришга мўлжалланган маршрутлар.

2. Агротуризм ва экотуризмни бирга қўшиб амалга оширишга йўналтирилган маршрутлар. Ушбу маршрут тури сайёҳларни қишлоқларда жойлаштириш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, атроф табиий муҳит жозибадорлигини намоён этиш, гўзал табиий ландшафтларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини юритишда қадимдан сақланиб келинаётган усуллар, урф-одатлар асосида экологик мослашган чора-тадбирларни қўллаш каби вазифаларни бажаришни ўз ичига олади.

3. Агротуризм билан бошқа туризм турларини бирга қўшиб олиб боришга қаратилган маршрутлар. Бу турда сайёҳларни қишлоқ ҳудудидаги табиий, экологик, тарихий, этнографик, диний, маънавий-маърифий объектлар билан таништириб борилади.

Туристтик маршрутларни ишлаб чиқиш бир нечта умумий **принципларга** (йўналтирувчи қоида) асосланади (Ҳайитбоев Р.,

Саттаров А., 2009). Уларни баъзи ўзгартиришлар киритиб агротуристик маршрутларга ҳам қўллаш мумкин. Бу принципларни агротуризмга мослаштириш нуқтаи назаридан қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. *Жозибадорлик ва бетакрорлик принципи.* Мазкур принципга кўра ҳар бир агротуристик объектнинг жозибадорлик ва бетакрорлик хусусиятларини аниқлаш агротуристик маршрутни ишлаб чиқишда зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Ўзига хос жозибага эга бўлмаган, бошқа ҳудудларда айнан оммавий такрорланадиган объектларга нисбатан қизиқиш кам бўлади, улар туристларни жалб қила олмайди. Ўрганилаётган объектнинг, масалан, асрлар давомида юзага келган урф-одатларнинг ўзига хос миллийлиги ва бошқа давлатларда уларнинг умуман такрорланмаслиги, аввало, хорижий сайёҳларда қизиқиш уйғотади ва уларни жалб қилади.

2. *Имкониятлар принципи.* Мамлакатда агротуризмни ривожлантиришда ҳудуднинг туристик ресурсларидан ташқари, улардан қай даражада Фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ҳам муҳимдир. Мавжуд имкониятлардан самарали Фойдаланиш кўплаб туристларни жалб қилиш ва уларни турли томошалар билан узоқ вақт банд қилишга асос бўлади. Масалан, агротуристларнинг тунашлари учун қишлоқ ҳудудларида барча қулайликларга эга бўлган турар жойлардан Фойдаланиш, маҳаллий анъаналар асосида тайёрланган миллий таомларга таклиф қилиш, турли томошаларни намоиш этиш мамлакатимиз агротуризмга қизиқишларини орттиради.

3. *Мазмундорлик принципи.* Бу принципга асосан туристни экскурсия давомида кўп объектлар билан таништириш, улар тўғрисида тўлиқ ва қизиқарли маълумот бериб бориш назарда тутилади. Шу билан бирга агротуризмни бошқа туризм турлари (масалан, экотуризм, тарихий туризм, диний туризм) билан бирга қўшиб олиб бориш ҳам сайёҳлик мазмунини бойитишга хизмат қилади.

4. *Комплекслилик принципи.* Мазкур принцип йил давомида агротуристларга узлуксиз хизмат кўрсатиш ҳамда мавсумий ўзгаришларда маршрутларнинг давомийлигини таъминлаш, хизмат

турларини мувофиқлаштириш фаолиятини ўзаро боғлиқ ва комплекс ташкил этишга йўналтирилади.

5. *Алтернативлик принципи.* Ушбу принципга кўра маршрутлар бир неча муқобил вариантларда ишлаб чиқилади. Бу турли ноқулай табиий ҳодисалар, фавқулодда вазиятлар содир бўлганда маршрутнинг вақтинча тўхтаб қолишининг олдини олишга имкон беради. Туристлар сони, ёши, жисмоний имкониятларидан келиб чиқиб, агротуристик маршрутларни ўзгартириш ва энг мақбул вариантларни агротуризмнинг турли вазиятларга мослашувчанлигини таъминлайди.

6. *Мажмуалилик принципи.* Туристик ресурслардан Фойдаланишда мажмуали ёндашишни кўзда тутди. Бу принцип агротуристик маршрутга бўлган талабни ва туристлар оқимини оширишга хизмат қилади. Агротуристик маршрутлар дастури ўз ичига маршрут доирасидаги туристларни қизиқтирувчи барча туристик объектларни қамраб олиши зарур.

7. *Ахборотлаштириш принципи.* Бу принципга кўра, агротуристик маршрут тўғрисидаги барча маълумотлар брошюра, буклетлар, сайтлар тарзида олдиндан тайёрланган бўлиши, газета, радио, ТВ, интернет каби оммавий ахборот воситалари орқали реклама қилиниши лозим.

Кўрсатиб ўтилган принципларга асосланиб ишлаб чиқилган агротуристик маршрутлар ва уларнинг объектлари, шарт-шароитлари тадқиқотчилар, туристлар ёки хизмат қилувчилар, маҳаллий аҳолининг таклифлари ёки талаблари билан бойитилиб, мукаммаллашиб бориши лозим. Бунда мазкур принципларни пухта билиш, тўғри ва ўз ўрнида қўллаш, улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.


Мазкур тадқиқотда агротуристик объектларга маршрутлар ташкил этиш учун Фарғона агротуристик райони бўйича тўпланган маълумотлар асосида 1: 400000 масштабда «Фарғона агротуристик районининг сайёҳлик имкониятлари ва маршрутлари» картаси тузилди (3.2.1-расм). Карта Фарғона агротуристик районининг агротуристик имкониятларига мос келадиган агротурларни ташкил

этиш ва маршрутларга сайёҳларни жалб қилиш мақсадида яратилди. Уни тузишда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1) Фарғона райони агротурларини танлаш ва мақбулларини ажратиш ҳамда уларни картага тушириш учун зарур маълумотлар тўпланди ва улар картографик таҳлил қилинди;

2) республика бўйича 1: 400 000 масштабдаги картографик асоси яратилди ва унда маршрутлар йўналиши белгиланди;

3) карта макети ва электрон версияси синовдан ўтказилди.



3.2.1-расм. Фарғона районининг агротуристтик сайёҳлик имкониятлари ва маршрутлари картаси.

Карта 1:400 000 масштабда, тўғри конусли проекцияда тузилди, унинг компоновкаси ишлаб чиқилди. Фарғона водийси вилоятлари ва район чегаралари тўлиқ кўрсатилди, легенданинг жойи аниқланди. Картада агротуристтик кичик районлар ва уларнинг агротуристтик ҳамда бошқа туристтик объектлари, маршрутлари, сервис ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари тасвирланган. Ишлатилган картографик манбалар: географик асос тузилиб, умумгеографик картанинг баъзи элементлари, яъни сув объектлари, аҳоли пунктлари, алоқа йўллари (халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган темир ва автомобил йўллари) тасвирланди.

Картанинг асосий мазмуни Фарғона агротуристтик районидаги кичик районлар, агротуристтик ва бошқа туристтик объектлар, маршрутлар, хизмат кўрсатиш объектларининг ўзига хос жойлашишини кўрсатишдан иборат. Ҳар бир агротуристтик кичик район турли рангларда тасвирланди, улар рақамланди ва карта легендасида кичик район номлари ёзилди. Фарғона районида агротуристтик маршрутлар белгиланди, маршрут турлари турли чизик ва рангларда берилди. Маршрутлар карта легендасида берилди. Фарғона агротуристтик районининг туристтик имкониятларидан оқилона Фойдаланишни назарда тутиб 12 та маршрут белгиланди ва уларнинг хусусиятларига кўра қўйидаги турлар ажратилди.

Соф агротуристтик маршрутлар:

1. Қўқон – Бешариқ – Қўқон.
2. Қўқон – Бувайда – Қўқон.
3. Андижон – Асака – Марҳамат.
4. Андижон – Пойтуғ – Ҳаққулобод.
5. Андижон – Хўжаобод – Қўрғонтепа.
6. Андижон – Шахрихон – Андижон.

Агротуризм ва экотуризмни бирга қўшиб амалга оширишга йўналтирилган маршрутлар:

1. Фарғона – Водил – Шоҳимардон.
2. Наманган – Косонсой – Янгикўрғон.
3. Наманган – Чортоқ – Учкўрғон.

Агротуризм билан бошқа туризм турларини бирга қўшиб олиб боришга қаратилган (комплекс) маршрутлар:

1. Фарғона – Риштон – Фарғона.
2. Фарғона – Марғилон – Қува.
3. Наманган – Чуст – Поп.

Намуна сифатида ҳар бир турга оид биттадан маршрутларга тавсиф берилди. Тавсифдан маршрут давомийлиги, ўтказиш муддати, йўналиши, ҳудуд табиати, агротуристлик ва бошқа турдаги объектлар ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Андижон – Асака – Марҳамат маршрути. Муддати: сентябрь-октябрь. Йўналиши: Андижон шаҳри – Асака шаҳри – Марҳамат тумани – Андижон шаҳри.

Маршрут автомобиль шохобчаларининг кўплиги, экскурсион объектларнинг боришга қулайлиги, қизиқарлилиги билан кўплаб туристларни жалб қилиши мумкин.

Туристларга Андижон вилояти бўйлаб бир кунлик маршрут тавсия этилади. Маршрут ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳудудлари орқали ўтади, маршрут давомида туристлар пахта майдонлари, полиз экинлари, чорвачилик фермалари фаолияти билан танишишлари мумкин.

Маршрут Андижон шаҳридан бошланади. Андижон Фарғона водийсининг шарқида, Андижонсой ёқасида, денгиз сатҳидан 450 м баландликда жойлашган. Июль ойининг ўртача ҳарорати 27⁰С-28⁰С, январники-3⁰Сни ташкил этади. Туристларга шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш мақсадида экскурсия ташкил этиш мумкин.

Туристлар саёҳат давомида автомобиль йўналиши бўйлаб Иттифок, Канди, Дўнг қишлоқлари атрофидаги агротуристлик объектлар (экин майдонлари, мевали боғлар, тоқзорлар) ва фермер хўжаликлари фаолияти билан танишишлари мумкин. Маршрут Асака туман маркази орқали Асака адир сув омборига чиқади. Сув омбори ва унинг атрофи туристлар учун муҳим дам олиш объектидир. Ҳудуддан оқиб ўтувчи Шаҳрихонсой ва Катта Фарғона (узунлиги 249 км) канали суғориладиган экин майдонларининг сув билан

таъминловчи асосий ирригация иншоотидир. Худудда табиатнинг энг фусункор ва сўлим гўшаларидан бири бўлган «Асака чўнтаги» жойлашган. Шаҳрихонсойдан бошланган Ёв ариғи 6 км масофада юқорилаб оқиб, «Асака чўнтаги»га етганда адир ён бағрилари бўйлаб ўтади. Бу ерда туристларнинг дам олиш ва тунашлари учун меҳмонхоналар мавжуд.

Тушдан сўнг маршрут Хўжаарик, Бобохуросон, Ҳакка қишлоқлари орқали давом эттирилади. Қишлоқ ҳудудлари қадимдан ўзлаштирилган, сув билан нисбатан яхши таъминланган бўлиб, экин майдонлари Катта Фарғона ва Аравонсойдан суғорилади. Туристлар ташрифи пишиқчилик пайтига тўғри келади. Боғларда сарҳил мевалар, узумлар, полизларда қовун, тарвузлар пишиб етилади. Худуддаги кўпгина хўжаликларда пахта, буғдой, сабзавот, полиз экинлари ва етиштирилади, қорамол, қўй, парранда, йилқилар боқилади. Бу вақтда ҳосил йиғим-терим даври бўлганлиги учун хўжаликларда ҳосил байрамлари ўтказилади. Туристлар учун фермер хўжаликларида дам олиш ташкил этиш мумкин. Маршрут Марҳамат шаҳарчасида якунланади.

Фарғона – Водил – Шоҳимардон марирути (Шоҳимардонсой бўйлаб). Муддати: май–июнь. Маршрут йўналиши: Фарғона шаҳри – Водил қишлоғи – Шоҳимардон қишлоғи – Фарғона шаҳри. Маршрут икки кунга мўлжалланган.

Маршрут агротуристлик объектлар билан бирга экотуристлик объектларни ҳам қамраб олиши билан ажралиб туради. Маршрут давомида туристларга хушманзара жойлар ва дам олиш масканларига экскурсиялар уюштирилади.

Маршрут Фарғона шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилишдан бошланади. Шаҳар Фарғона водийсининг жанубий қисмида, Олой тоғларининг этагида, денгиз сатҳидан 580 м баландликда жойлашган. Иқлими континентал, июлнинг ўртача ҳарорати 26,4⁰С, январники -2,7⁰С. Маршрут Фарғона-Шоҳимардон автомобиль йўли орқали Помир-Олой тоғ этакларида жойлашган ҳудудлардан ўтади. Туристлар йўл бўйи Миндонобод, Шоҳимардонобод ва Ёшларобод қишлоқ ҳудудларида жойлашган

пахта майдонлари, буғдой далалари, мевали боғларни томоша қилиб борадилар. Экскурсия ғўза бир текис бўй чўзган, далаларда буғдой ўрими бошланган паллага тўғри келади. Туристлар кун ярмида Водил қишлоғида тўхтаб, дам оладилар. Водил Шоҳимардонсой бўйида жойлашган. Унинг бетакрор табиати кишини ўзига ром қилади. Водилда пахта, буғдой, мева-сабзавотлар, полиз маҳсулотлари етиштирилади, яйловларда қорамол, қўй ва эчки боқилади. Туристлар янги узилган мева ва сабзавотлардан татиб кўришлари, анъанавий усулда тайёрланган таомлардан танаввул қилишлари мумкин.

Тушдан сўнг маршрут Шоҳимардонсой бўйлаб давом эттирилади. Шоҳимардонсой Олой ва Туркистон тизмаларининг шимолий ён бағридан бошланадиган Оқсув ва Кўксув сойларининг қўшилишидан (Шоҳимардон қишлоғи яқинида) ҳосил бўлади. Водил қишлоғидан Фарғона шаҳригача Марғилонсой, ундан қуйироқда Шоҳимардонсой номи билан аталади. Узунлиги 112 км, ҳавзасининг майдони 1300 км². Қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 10,5 м³/сек-7,86 м³/сек. гача ўзгаради. Соё водийсида Шоҳимардон, Оққия, Қумбулоқ, Лангар ва бошқа қишлоқлар жойлашган. Қишлоқ аҳолиси деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Туристларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун соё бўйида қулайликлар яратилган, улар қишлоқ аҳолисининг ўзига хос турмуш тарзи, миллий анъаналари (ёз ойларида «Кўли Қуббон» маросимлари ўтказилади) билан яқиндан танишишлари мумкин. Маршрут Шоҳимардонда якунланади.

Наманган – Чуст – Поп маршрути. Муддати: май–июнь ва август–сентябрь. Маршрут йўналиши: Наманган шаҳри – Тўрақўрғон шаҳарчаси – Чуст шаҳри – Поп шаҳарчаси – Наманган шаҳри. Маршрут икки кунга мўлжалланган.

Маршрут комплекс характерда бўлиб, у туристларни агротуристтик объектлар билан бирга тарихий, экологик объектлар, диний қадамжолар билан таништиради.

Маршрут гуллар шаҳри Намангандан бошланади. Наманган шаҳри Шимолий Фарғона канали билан Намангансой кесишган ерда, 450 м мутлақ баландликда жойлашган. Июлнинг ўртача ҳарорати

26,3⁰С январники -2,3⁰С. Туристлар шаҳарнинг бугунги замонавий кўриниши, тарихий-меъморий ёдгорликлари (Хўжа Амин мақбараси XVII аср, Мулла Қирғиз мадрасаси XX аср бошлари, Ота Валихон тўра масжиди XX аср) билан танишадилар. Ҳар бир масжид ўзига хос меъморчилик санъати асосида қурилган ҳамда гўзал нақшлар ва ёзувлар билан безатилган. Шунингдек, шаҳарда ҳар йили август ойида мунтазам «Гуллар байрами» ўтказилади. Шаҳар ташқарисида боғ ва узумзорлар барпо қилинган.

Шаҳардан чиқиб, маршрут Ирвадон, Гирвон қишлоқлари орқали давом этади. Далаларда пахта, ғалла, сабзавот, полиз экинлари айни ривожланиш палласида. Ёз мавсумида бу жойларга ташриф буюрган сайёҳ қовуннинг эртапишар навлари (хандалак, кўкча)дан баҳраманд бўлади. Тўрақўрғон («Соҳибкор» фермер хўжалиги), Чуст («Ғовасой» фермер хўжалиги) ҳудудларида узумчилик маҳаллий характерга эга бўлиб, унинг хўраки навлари шахсий хўжаликларда, винобоп навлари эса текислик, адир ва тоғ олди ҳудудларидаги деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилади.

Автомобиль йўли бўйлаб юрилса вилоят марказидан 12 км узоқликда жойлашган Тўрақўрғон шаҳри келади. Шаҳар ёнидан Косонсой оқиб ўтади. Шаҳарда тарихий-меъморий ёдгорликлар (Ғойибназар мадрасаси, Фалосбонбува, Лангарбиби мақбаралари) сақланиб қолган. 25 гектарни эгаллаган Ахсикент археологик ёдгорлиги мавжуд, у «Фарғона афросиёби» номи билан тарихга кирган. Ахсикент шаҳристони уч томони баланд минорали деворлар билан ўралган бўлиб, жанубий томонидан Сирдарё кесиб ўтади, унча баланд бўлмаган деворлари сақланиб қолган.

Маршрут Тўрақўрғон шаҳридан чиқиб Чуст шаҳрига кириб боради. Шаҳар Фарғона водийсининг шимолий чеккасида, Наманган шаҳридан 36 км ғарбда, тоғ этаги текислигида Чуст сойи соҳилида 1000-1200 м баландликда жойлашган. Чуст водийнинг қадимий шаҳарларидан бири. Унинг шимолий чеккасида жойлашган эрамиздан аввалги II мингинчи йилларга оид қуйи бронза ёдгорлиги Буонамозор қароргоҳи суғорма деҳқончилик воҳасида шаклланган бўлиб, Фанга Чуст маданияти номи билан кирган. Чуст шаҳри «Буюк

ипак йўли» халқаро савдосининг ривожланишида муҳим ўрин тутди. Бу йўл орқали чустлик темирчилар, тўқувчилар, сопол буюм усталари, заргарларнинг маҳорати, чуст пичоқлари ва дўппиларининг шуҳрати кенг тарқалган. Шунингдек, Мавлоно Лутфулло мажмуаси ва унинг атрофида ташкил этилган истироҳат боғи сайёҳлар учун қулай дам олиш масканидир.

Чуст шаҳридан ғарб томонда Тошқўрғон ва Машҳад қишлоқлари жойлашган. Бу ерларда қадимдан ўзига хос деҳқончилик анъаналари шаклланган, улар асосида барпо этилган узумзорлар, мевали боғлар, экин майдонлари сайёҳлар эътиборини тортиши табиий. Минг йиллардан бери нишонлаб келинаётган миллий байрам «Сумбул сиёҳ» – яъни сумбул сайли чустликлар қадриятига айланган. Сайлда оммавий халқ ўйинлари, кураш, аския, шеърхонлик, куй-қўшиқлар ижро этилади. «Сумбул сайли» май ойининг биринчи ҳафтасида Ғовасой қирғоғида жойлашган ғор, булоқ ва унга ёндош сумбулзор атрофида ўтказилади.

Маршрут давомида сайёҳлар Поп шаҳри атрофида Сирдарё бўйлаб жойлашган қишлоқлардаги (Гулбоғ, Санг, Тўда) агротуристлик объектлар билан танишишлари мумкин. Маршрут кечга бориб якунланади.

Кўрсатиб ўтилган агротуристлик маршрутлар дастлабки тажриба натижалари бўлиб, улар янада тўлдирилиши, бойитилиши ва бошқа йўналишларда қўшимча маршрутлар ташкил этилиши мумкин.

Картани тузишда фойдаланилган методлардан республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги мавжуд агротуристлик объектларга ташкил этиладиган маршрутлар карталарини яратишда самарали Фойдаланиш мумкин. Шунингдек, карта ўқув муассасалари, туристик ташкилотлар ва фирмалар, меҳмонхона ва сайёҳларнинг турар жойларида ҳамда мамлакатимизнинг чет элдаги ваколатхоналарида Фойдаланишга тавсия этилади.



ХУЛОСА

Жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири туризм индустриясидир. Бутунжаҳон туристик ташкилотининг хулосасига кўра XXI асрнинг биринчи ярми – туризм даври, деб бежиз айтилмаган. Кейинги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига давлатларнинг кўпроқ эътибор қаратиши сайёҳлар сонининг сўнги 30-40 йил ичида 70 млн. дан 1,3 млрд. кишига кўпайишига олиб келди. Собиқ Иттифоқ даврида фақатгина тарихий туризм билан чекланиб қолган республикамизда эндиликда диний, экологик, шоп, нозо, спорт каби туризм турлари жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Агро ёки қишлоқ туризми ҳам бундан мустасно эмас.

Республикамиз учун агротуризм янги амалиёт йўналиши сифатида оммалашиб боришига қарамай, ҳанузгача унинг илмий-назарий асослари етарлича ишлаб чиқилмаган. Бу эса тегишли туристик йўналиш бўйича таълим, тарбия, маркетинг, менежмент, статистика олиб бориш ва бошқарув самарадорлигини кўтаришга имкон бермаяпти. Мазкур муаммонинг Ўзбекистон Республикасида ечмини топиш айнан агротуризмнинг фундаментал назарий асосларини ишлаб чиқишдан бошламоқ кераклиги кўрсатмоқда. Туризм, жумладан агротуризм ўзининг мазмун ва моҳиятига кўра, география фанига турдош бўлгани учун ҳам унинг географик хусусиятларини муайян давлат мисолида тадқиқ этиш долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон фармони, «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори,

«Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон фармони, «Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 6 февралдаги ПҚ-3509-сон фарори, «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон қарори ҳамда уларнинг асосида мазкур қабул қилинаётган миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқот олдига қўйилаётган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга имкон яратади. Мазкур **тадқиқотнинг мақсади** эса *Ўзбекистон мисолида агротуризмнинг айрим илмий-назарий асосларини такомиллаштириш ва унинг географик хусусиятини очиб бериш.*

Ҳаммамизга маълумки «tourizm» – саёҳат қилиш, дам олиш деган маънони англатади. Унинг тушунчасига юзлаб таърифлар берилган. Уларни умумлаштирган тарзда **туризм** – *бу шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет, муайян мақсадда ёки мақсадларда пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати*, дейиш мумкин. Туризм атамасига илк бор бундай тарзда берилган таъриф унинг жадал суратларда тармоқлашиб бораётган турларига бериладиган таърифларга илмий асос бўлиб хизмат қилади. Жуда жадал суратда тармоқлашиб бораётган туризмни таснифлаш, таърифлашда эса «муайян мақсад»ни юқоридаги тушунчада акс эттириш орқали ифодалаш мумкин бўлади, холос. Бундай илмий асос туризмни бошқариш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ва ҳисобини юритишда жуда қўл келади. Масалан, **агротуризмни** – *шахснинг доимий яшаш жойидан вақтинчалик борар жойига 24 соатдан то 6 ой муддатга кетма-кет қишлоқ табиати, ҳаёти, хўжалиги ва улар билан боғлиқ бўлган аҳолининг яшаш тарзига тегишли сайёҳлик объектларга уюштириладиган, пул тўлланмайдиган саёҳатни турли миқёсда тизимли ташкил этиш, олиб бориш ва ҳисобини юритиш санъати.*

Агротуризмнинг объекти табиий ва антропоген ўзгарган агротизимлар, предмети эса уларнинг сайёҳлик жиҳатлари. Сайёҳлик жиҳатларига нафақат қишлоқ хўжалиги юритиш билан боғлиқ бўлган ўзига хос жараён, ҳолат ва воқеа, балки маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш ҳамда уларга боғлиқ равишда тарихан шаклланган аҳолининг яшаш тарзи, урф-одатлари, анъана, тантана, анжуман, кўргазма ва байрамлари ҳам киради. Ўзбекистон мисолида монографияда тадқиқот предметининг географик тарқалиш қонуниятга бўйсиниши ва регионал хусусият касб этиши аниқ мисоллар асосида очиб берилди.

Жаҳон миқёсда *агротуризмни ривожланиш тарихини* уч даврга – мустақил туризм йўналиши сифатида шаклланиш (XX аср 70–80-йиллари), регионал ривожланиш (XX аср 90-йй.) глобал туризм индустриясига айланиш (XXI аср) ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳар бир даврнинг ўзига хос босқичлари мавжуд, фарқ қиладиган кўрсаткичларга эга ва у агротуризмни миллий миқёсда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, *агротуризмни* индустрия даржасига олиб чиқиш учун унинг *концепциясини*, яъни *давлат, жамият ёки ҳамжамятнинг агротуристик ижтимоий муносабатларни ҳолати ва келажак истиқболларини ривожлантиришга оди гоյлар тизими яратишини талаб этади*. Уни амалга тадбиқ этишда қуйидаги *принципларга* риоя этиш керак: давлатни тартибга солишнинг устуворлик, ватанпарварлик, агротуристик маданият ва таълимнинг зарурийлиги, табиий ресурслардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, қишлоқ ва шаҳар маданиятлари ўртасида воситачилик, агротуризмни ташкил этишнинг комплекслилиги, қишлоқ жойларини барқарор ривожлантиришга кўмаклашиш, маънавий бирлик ва фаровонлик манбаи. Улар ўзаро боғланган ва бири-иккинчисини тўлдириб туриши лозим.

Миллий миқёсда *агротуризмни ривожлантиришнинг энг муқобил модули* – *кичик оилавий меҳмонхона бизнесини тадбиркорлик асосида йўлга қўйиш, яъни фермер ва деҳқон*

хўжаликларини агротуризмга кенг жалб этиш ва уни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб қуватлаш.. Бу нафақат туристлар оқими, балки республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этувчи қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган оилалар учун: халқаро алоқаларни ўрнатиш, инвестициялар олиб кириш, инновация билан шуғулланиш, хорижий тилларни ўрганиш, санитар-гигиеник ҳолатни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, янги иш ўринларини яратиш каби ижтимоий муҳофаза, иқтисодий самарадорликка эришишга олиб келади.

Агротурларни таснифлашда синф – тур – кўриниш – гуруҳ – даража каби иерархик қисмларга ажратиш керак. Масалан, Агротуризм объектига кўра, мавсумий хусусиятига кўра, ҳаракатланиш воситасига кўра, сайёҳнинг ёши ва ижтимоий ҳолатига кўра, сайёҳнинг моддий имкониятига кўра таснифлаш мумкин.

Агротуризмнинг ривожланиши ва шаклланиши ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий имкониятлари, агротуристлик объектларнинг мавжудлиги, табиий шароити ва ресурслари, географик ўрнига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан геомажмуаларнинг агротуристлик имкониятларини ўрганишда агротуризм талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, геомажмуаларнинг агротуризм учун яроқли, қулай ёки ноқулайлик даражаси белгиланади. Бундай баҳолаш табиат компонентлари, ландшафтлар бўйича агротуризм талаблари ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг табиат компонентларининг *агротуристлик салоҳияти имкониятлари* чўл текислик, суғориладиган текислик, тоғ минтақалари бўйича баҳоланди. Агротуристлик жиҳатдан текисликларда жуда қулай табиат комплексларига тоғ олди пролювиал ва дарё водийларининг юқори террасалари, қулай конус ёйилмалари ва дарё делталарининг бош қисмлари, кам қулай конус ёйилмалари ва дарё делталарининг ўрта қисмлари, қуйи террасалар, қулай эмас делталарнинг этак қисмлари, пролювиал текисликларнинг қуйи ёки чекка жойлари, адирлар, плато ва баландликлар киради. Тоғларда агротуризмдан фойдаланиш жуда қулай бўлган баландлик геомажмуаларига тоғ олди текисликлари, адирлар, адир олди

текисликлари, қулай геомажмуаларга паст тоғлар, адирлар, кам қулай ўртача баланд тоғлар, қулай эмас баланд тоғлар ҳисобланади. Бундай баҳолаш асосида мавжуд салоҳиятдан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш тавсия этилади.

Агротуризмни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудуди геомажмуалари уларнинг агротуристик имкониятларининг ҳудудий фарқларини таҳлил қилиш ва агротуристик районлаштириш принципларини ишлаб чиқиш ва кўрсаткичларини белгилаш лозим. Агротуристик районларга ажратишда антропоген ўзлаштирилганлик, комплекслик, саёҳатбоплик, сервисбоплик, анъанавийлик принциплари илмий асос қилиб олинди. Шунга мувофиқ республика ҳудудида 15 та агротуристик район ажратилди ва улар 1:1 000 000 масштаби картада тасвирланди. Фарғона агротуристик райони ва унинг таркибидаги кичик туристик районларнинг агротуристик салоҳияти ва имкониятлари комплекс таърифлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тавсиялаш керак.

Муайян бир давлат ёки табиий минтақанинг туристик нуфузи бевосита улардаги туристик маршрутларнинг ўзига хос жозибадорлиги, қулайлиги, арзонлиги, хавфсизлиги, хизмат кўрсатиш даражаси каби бир қатор кўрсаткичлари билан белгиланади. Бунда ҳудуднинг агротуристик объектларини белгилаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини аниқлашни талаб этади. Шунга мувофиқ агротуристик маршрутларни ташкил этишнинг географик хусусиятлари таърифланди. Худди шу тарзда Фарғона агротуристик районида маршрутларни соф агротуристик, агро-экотуристик ва комплекс олиб боришнинг мазмуни ва моҳияти очиқ берилди ҳамда 3 та намунали сайёҳлик маршрутига тавсиф берилди. Йўналишлар бўйича маршрутлар картаси ишлаб чиқилди ва фойдаланишга тавсия этилди.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни (1992 йил 9 декабрь).

2. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги қонуни (1999 йил 20 август).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4861-сонли фармони (2016 йил 2 декабрь).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони (2017 йил 7 февраль).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3217-сонли қарори (2017 йил 16 август)

6. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сонли фармони (2018 йил 22 январь).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сонли Фармони (2018 йил 3 февраль).

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кириш туризминини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3509-сон Қарори (2018 йил 6 февраль).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3514-сонли қарори (2018 йил 7 февраль).
10. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари.—Т.: «Ўзбекистон», 1998. — 99-б.
11. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.—Т.: «Ўзбекистон», 1996.— 383-б.
12. Абдуллаев О. Наманган вилояти.— Наманган: «Ибрат», 1995. — 146 б.
13. Абдиреймов С.Ж. Геоэкологические аспекты оазисных ландшафтов дельты Амударьи (на примере Чимбайского оазиса): Автореф. дис. ... канд. геог. наук. — Т., 2006.— 24 с.
14. Алибеков Л.А. Эколого-географические проблемы Центральной Азии. — Самарканд, 2010. — 419 с.
15. Алибеков Л.А. Взаимодействие горных и равнинных ландшафтов (на примере Средней Азии).— Т.: «Фан», 1994. — 183 с.
16. Алиева Ж.Н. Роль экологического туризма в устойчивом развитии Республики Казахстан (на примере Алматинской области): Автореф. дис. ... канд. геог. наук. — Алматы, 2001.— 32 с.
17. Алиева М.Т. Туристик мамлакатлар иқтисодиёти. Ўқув қўлланма.— Т.: «ТДИУ нашриёти», 2007. — 344 б.
18. Ананьев М.А. Экономика и география международного туризма. — М.: «Изд.МГУ», 1975.— 298 с.
19. Ахмедов Х.И., Аллаберганов А.А. Туризм фаолиятини ташкил этиш.—Т.: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti», 2004. — 238 б.
20. Бабушкин Л.Н., Когай Н.А. Физико-географическое районирование Узбекской ССР. Научные труды ТашГУ. — Т., 1964. Выпуск № 231.— С. 5-247.
21. Баратов П. Ўзбекистон табиий географияси.— Т.: «Ўқитувчи», 1996. — 264 б.
22. Баратов П., Маматкулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси.— Т.: «Ўқитувчи», 2002. — 439 б.

23. Боголюбов В.С, Орловская В.П. Экономика туризма – М., 2005. – 260 с.
24. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы Физической географии. Учебное пособие.– М.: «Высшая школа», 1979. – 222 с.
25. География и туризм / Буров В.П., Васильева З.А. и др. Оценка рекреационных ресурсов горных территорий на примере Западных Саянь.– М.: Мысль, 1973. – 130 с.
26. География туризма / Под редакцией доктора географических наук, проф. А.Ю. Александровой.– М.: «КНОРУС», 2008.– 592 с.
27. Генусов А.З., Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Почвенно-климатическое районирование Узбекистана в сельскохозяйственных целях.–Т.: «Издательство УзАСХН», 1960. – 117 с.
28. Глазирин Г.Е., Чанишева С.Г., Чуб В.Е. Ўзбекистон иклимининг қисқача очерки.– Т.: «Chinor-ENK», 1999. – 32 с
29. Грец О.П. Малый туристический бизнес в сельской местности: обоснование предпослоков развития // Культура народов Причерноморья.– Курск, 1999. №10.–170 с.
30. Гулметов Ф.Е., Аллабергенев А.А. Туризм географияси.– Т.: «Талқин», 2004.– 128 б.
31. Данилова Н.А. Климат и отдых в нашей стране. – М.: «Наука», 1980.– 154 с.
32. Джумаев Т. Горы Узбекистана: природа, хозяйство, отдых (региональные проблемы). – Т.: «Меҳнат», 1998. – 224 с.
33. Джумаев Т. Устойчивое развитие горной зоны Узбекистана (социально-экономические аспекты): Дис....док. геог. наук. –Т.: 2004.– 400 с.
34. Дегтярев А.Н., Шнайдер М., Усманова И.Ю. Туристические ресурсы Уральского региона. Агротуризм.–Уфа: «Изд. ГОУ ВПО УГАЭС», 2008. – 260 с.
35. Егембердиева К.Б. Природно-рекреационные ресурсы Казахстанского Прикаспия как основа развития туризма. Автореф. дис. ... канд. геог. наук. – Алматы: 2010.–16 с.
36. Ердавлетов С.Р. Казахстан туристский.– Алма-Ата: «Кайнар», 1989.–192 с.

37. Ердавлетов С.Р. География туризма: история, теория, методы, практика.– Алматы, 2000.– 336 с.
38. Зачиняев П.Н., Фалькович Н.С. География международного туризма. –М.: «Мысль», 1972.– 262 с.
39. Закиров Ш.С. Некоторые Физико-географические особенности Ахангаранского плато // Известия Узбекистанского географического общества.– Т.: «Фан», 1970. Том 12.– С. 161-173.
40. Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик.–Т.: «Университет», 1998. – 68 б.
41. Зокиров Ш., Мўминов И. Табиий географик районлаштириш: мазмуни, мақсади, вазифалари, илмий ва амалий аҳамияти // Табиий ва иқтисодий районлаштиришнинг долзарб муаммолари / Респ. илмий-амалий конф. материаллари. – Т., 2004. – 10–13-б.
42. Зорин И.В. Изучение ареалов потребности // Теоретические основы рекреационной географии. – М.: «Наука», 1975. – 101 с.
43. Ибодуллаев Н.Э, Усмонов И.У. Туристик–рекреация ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. –Т., 2007. 28-сон.– 93–95-б.
44. Исаченко А.Г. Ландшафтоведение и физико-географическое районирование.– М.:«Высшая школа», 1991.– 366 с.
45. Карчевская Е. Что такое агротуризм // Научный сборник.– Гомель: ГГТУ, 2005.– С. 20-24
46. Косинова Е.А. Развитие сельского туризма как перспективного вида предпринимательства в рекреационной сфере Ставропольского края // Электронный ресурс. Режим доступа: <http://www.nstu.ru>. 2009.
47. Котляров Е.А. География отдыха и туризма.– М.: «Мысль», 1978.– 238 с.
48. Кусков А.С., Голубева А.С., Одинцова Т.Н. Рекреационная география. –М.: «Учебное издание», 2006. – 384 с.
49. Лученок С. А. Агротуризм: мировой опыт и развитие в Республике Беларусь.– Минск: «Изд. БелГЭУ», 2008. – 198 с.

50. Мазбаев О.Б. Географические основы территориального развития туризма в Республике Казахстан // Автореф. дис....канд. геог.наук.— Алматы, 2010.— 46 с.
51. Мария Пия Раджоньери., Марко Валлетта. Агроэкологическое право Европейского Союза и Италии.— М.: «Статут», 2006. — 195 с.
52. Мильков Ф.Н., Н.А.Гвоздецкий. Физическая география СССР. — М.: «Мысль», 1976. — 136 с.
53. Мирзалиев Т., Мусаев И., Сафаров Э. Ижтимоий-иқтисодий картография. —Т.: «Yangi asr avlodi», 2009. —141 б.
54. Мусин К.Н. Международный туризм: современные тенденции развития в мире и Казахстане // Автореф. дис.... канд. геог. наук.— Алматы, 1998.— 23 с.
55. Мухина Л.И. Принципы и методы технологической оценки природных комплексов. — М.: «Наука», 1973. — 95 с.
56. Низамиев И. Рекреационный комплекс Кыргызистана: реалии и перспективы. — Бишкек: «Илим», 1998. — 136 с.
57. Низамиев А.Г. Экономико-географические проблемы развития туризма в Кыргызстане // Автореф. дис....док. геог. наук.— Бишкек, 2005.— 32 с.
58. Нигматов А.Н. Агротуризм: янги имкониятлар сари. Ж. Жамият. 42-сон, 19.10. 2007
59. Нигматов А. Агротуризм: фан, таълим ва амалиёт бирлиги / “М’frifat”, 131-сон. 20.12.2013
60. Нигматов А., Якубжонова Ш., Бекназарова Г. Ўзбекистоннинг агротуристик картасини яратиш тажрибаси / Ўзбекистон Миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари // Рес. илмий-амал. конф. материал.— Т., ЎзМУ, 2009. 152–153-б.
61. Нигматов А.Н. Шомуратова Н.Т. Экотуризм асослари.— Т.: «Turoh-iqbol», 2007.— 127 б.
62. Нигматов А.Н. Табиий география ва геоэкология назарияси. Т.: «Наврўз», 2018.— 220 б.
63. Нигматов А, Якубжонова Ш. Агротуризм: миллий туризмнинг янги йўналиши // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.—Т., 2007. №9.— 24.

64. Нигматов А.Н., Шомуратова Н.Т. Ўзбекистонни экотуристлик районлаштириш тажрибаси// Экология хабарномаси. – Тошкент, 2007. -№2. – Б. 46-50.
65. Нигматов А.Н., Камолов Б.Х. Экотуризм ва унинг ҳудудийлик, даврийлик ва комплекслик хусусиятлари (Наманган вилояти мисолида).–Т.: «Наврўз», 2018.– 148 б.
66. Низомов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари. Тошкент: ГИДРОИНГЕО, 2008. –235 б.
67. Преображенский В.С., Зорин И.В. Территориальная рекреационная система и задачи географических наук // Теоретические основы рекреационной географии. – М.,1975.– 224 с.
68. Преображенский В.С., Веденин Ю.А. География и отдых. - М.,1971.– 47 с.
69. Путрик Ю.С., Свешников В.В. Районирование территории СССР для целей планового туризма // Московский филиал Географического общества СССР. – М.,1986.– С. 3-13.
70. Прокаев И. Физико-географическое районирование.– М.: «Просвещение», 1983.– 176 с.
71. Самойленко А.А. География туризма.–Ростов-на-Дону: «Феникс», 2006.– 359 с.
72. Солиев А., Маҳмадалиев Р. Ҳудудий мажмуа, ҳудудий тизим ва районлаштирининг назарий масалалари // Табиий ва иқтисодий районлаштирининг долзарб муаммолари / Респуб. илмий-амалий конф. материаллари. – Т., 2004.– 4–10-б.
73. Солиев А.С., Усманов М.Р. Туризм географияси.–Самарқанд: «СамДУ нашриёти», 2005. – 131 с.
74. Тошмуродов Т. Халқаро туризм.–Т.: «Турон-Иқбол», 2007.– 319 б.
75. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития.–Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2006. – 415 б.
76. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма.–Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2006. – 423 с.
77. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана.– Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2006. – 367 с.

78. Туристские маршруты. Сост: Волков В.С, Шапкина К.Е. - М.: «Профиздат», 1985. – 144 с.
79. Усмонов М.Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг минтақавий хусусиятлари // Автореф. дис.... геог. фан. ном.–Т.: 2003.– 20 б.
80. Франсуа Муане. Сельский туризм.– Париж: «Агриколь», 1993. – С. 270.
81. Храбовченко В.В. Экологический туризм. – М.: «Финансы и статистика», 2003. – 208 с.
82. Хасанов И.А. Природно-рекреационные возможности пустынной зоны Узбекистана // Ўзбекистон география жамияти VII съезди материаллари.– Т., 2006. 58–59-б.
83. Шомуратова Н.Т. Ўзбекистонда экологик туризм ва унинг табиий географик жиҳатлари//Дис... геог. фан. ном.–Т.,2012.–125 б.
84. Царфис П.Г. Рекреационная география СССР.– М.: «Мысль», 1979.– 311 с.
85. Якубжонова Ш. Агротуризмнинг назарий жиҳатлари // Агроилм. –Т., 2007. 3-ж. 53–54-б.
86. Якубжонова Ш. Агротуризм географияси // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. –Т., 2008.– 32-ж. 13–15-б.
87. Якубжонова Ш.Т. Ўзбекистон табиий шароитининг агротуристик салоҳияти ва ҳудудий фарқлари // Ўзбекистон география жамияти ахбороти. –Т., 2012. 39-жилд. –Б. 38-39.
88. Якубжонова Ш.Т. Агротуризм миллий тараққиёт омили// ЎзМУ хабарлари. –Т., 2012. 2-сон. 224–226-б.
89. Якубжонова Ш.Т. Агротуризм – экологик ва иқтисодий имкониятлар манбаи//Экология хабарномаси. 6-сон. 2017.–37–38-б.
90. Якубжонова Ш.Т. Агротуризмнинг ҳудудий ривожланиши ва атроф-муҳитни муҳофазасидаги роли // ЎзМУ хабарлари. 3/2-сон, 2017. 235–236-б.
91. Ўзбекистонда атроф-муҳитнинг ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш: Фактлар ва рақамлар, 2000-2004. Статистик тўплам. – Т.,2006.– 106 б.

92. Ҳайитбоев Р., Саттаров А. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш технологияси. – Самарқанд: «СамИСИ», 2009. – 87 б.
93. Ҳасанов И.А., Болтаев М.Ж. Ўзбекистонда туризм // География жамияти ахбороти.–Т., 2006. 21-сон. 184–185-б
94. Ҳасанов И.А. Ўзбекистоннинг тоғ олди тоғ қисмини табиий-рекреацион районлаштириш // Табиий ва иқтисодий районлаштиришнинг долзарб муаммолари / Респуб. илмий-амалий конф. материаллари. – Т.,2004. 24–26-б.
95. Pearce D. Tourism today. A geographical analysis. Harlow (Essex),1995.– 235 p.
96. Yakubjanova Sh.T., Sultnova N. B., Ermatova N.N., Kuchkarova R.T. Agrotourism and geographical possibilities of its development in Uzbekistan// European science review, № 5-6 2017, May – June, 3 – 4 pages.
97. Алибеков Л.А., Нишонов С.А. Табиати муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш. – Т.: «Ўқитувчи». 1983. – 274 б.
98. Генусов А.З., Горбунов Б.В., Кимберг Н.В. Почвенно-климатическое районирование Узбекистана в сельскохозяйственных целях.–Т.: «Изд. УзАСХН», 1960.– 117 с.
99. Зокиров Ғ.З., Раҳмонов К.Р. Ўзбекистоннинг шифобахш масканлари.– Т.,1991. – 120 б.
100. Кучерявих В.И. Сўғдиёна йўлларида.–Т.: «Ўзбекистон», 1969.– 66 б.
101. Краткий словарь иностранных слов.– М.: «Изд. иностранных и национальных словарей», 1958.– С.404.
102. Махмудов А., Тухтасинов И., Гольверх., Гафуров А. Ферганская область. –Т.: «Узбекистан», 1974. –123 с.
103. Низомов А. Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари.–Т.: «ГИДРОИНГЕО», 2008. 4-б.
104. Орипов Р.О., Халилов О. Ўсимликшунослик.–Т.: «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati», 2007. – 383 б.
105. Рафиқов А., Ваҳобов Ҳ., Қаямов А., Азимов Ш. Амалий география. – Т.: «Шарқ», 2008. 59–63-б.

106. Рибаклов А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. –Т.: «Ўқитувчи», 1981. – 511 б.
107. Ремнева М.Л. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари бўйлаб саёҳат.– Т.: «Ўқитувчи», 1991. – 93 б.
108. Соатов А., Юсупов Р. Геоморфология асослари.- Т.: ЁЗМУ, 2003.– 80 б.
109. Солиев А., Назаров М. Ўзбекистон қишлоқлари.–Т.: «Фан ва технология», 2009. – 209 б.
110. Султонов Ю. Ландшафтлар географияси.–Т.: «Ўқитувчи», 1974. 112 б.
111. Тожиев У., Намозов Х., Нафетдинов Ш., Умаров К. Ўзбекистон тупроқлари.–Т.: «ЎЗМЭ ДИН», 2004. –221 б.
112. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик.–Т.: «ЎЗМЭ ДИН», 2000. 5-ж.. 23–24-б.
113. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик.–Т.: «ЎЗ Т.: «ЎЗМЭ ДИН», 2006. 3-ж. 309-б.
114. Ўзбекистонда атроф-муҳитнинг ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш: Фактлар ва рақамлар, 2000–2004. Статистик тўплам.– Т.,2006. 24–25-б.
115. Ғуломов П.Н. География ва табиатдан фойдаланиш.–Т.: «Ўқитувчи», 1985. – 142 б.
116. Ҳасанов И.А., Ғуломов И.Н., Қайумов А.А. Ўзбекистон табиий географияси.–Т.: «Университет», 2010. – 99 б.
117. <https://www.facebook.com/uzbekotourism.uz>
118. <http://www.kaicc.ru/content/agroturizm-v-evrope>
119. <http://www.blogoitalliano.com/regions-of-italy/piemonte/agroturizm-v-italii-otdyx-s-koloritom-derevni.html>
120. www.tougenius.ru
121. <http://daudeneg.ru>
122. www.mariolia.ru/agroturizm
123. <http://turist.posmev.ru/>

НИГМАТОВ АСҚАР НИГМАТУЛЛАЕВИЧ

АГРОТУРИЗМ ВА УНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ

Муҳаррир: Ш.Мухамедов
Техник муҳаррир: М.Хакимов
Саҳифаловчи: Г.Нигматова

«NAVRO'Z» нашриёти. Лицензия № AI.170
Нашриёт манзили: Тошкент ш. АмирТемур кўчаси, 19 -уй.

Босишга рухсат этилди 06.09.2018 й. Қоғоз бичими 60x84 ^{1/16}
Times гарнитураси. Босма тобоғи 9.25. Нашр ҳисоб табағи 9.25.
Адади 300 та. Офсет қоғоз. Буюртма № 52
«Munis design group» МЧЖ босмахонасида чоп этилган.
100170, Тошкент ш. Циолковский кўчаси, 356-уй.